


*Ш.А.Ахадов. Т.С.Эгамов*

**АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИНИНГ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ**



**Самарқанд – 2004**

Такризчилар: ф.ф.д., проф. С.К.Каримов  
Т.ф.н., доцент Ф.Аюпов

Мухаррирлар: доц.Б.С.Қаршиев. Ҳ.Абдураҳимова

Ушбу қўлланма тарих фанлари доктори профессор Ш.А.Ахадов, доцент Т.С.Эгамов томонидан ўкув қўлланма сифатида тайёрланган. йўкув қўлланма «Социяология ва иқтисодий назария» кафедраси йиғилиши, ижтимоий-гуманитар фанлари илмий кенгаши, СамДАҚИ илмий кенгашида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Ўкув қўлланма олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари талабалари, коллеж, лицей ўкувчилари ва кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

Ш.Ахадов, Т.С.Эгамов

**Самарқанд - 2004**

**ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш  
институти**

**Ш.А.Ахадов. Т.С.Эгамов**

**«Амир Темур ва темурийлар даврининг  
интеллектуал салоҳияти»**

**Самарқанд – 2004**

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	5
Амир Темур даврида илму-фан ва маънавий ҳаёт.....	6
Амир Темур фаолиятида толерантликка доир мулоҳазалар....15	Амир
Темур фаолиятида ландшафтлик, орасталик маданияти ҳақида.....	23
Амир Темур барпо этган боғлар.....28	Амир Темур
даврида тиббиёт илми ва ветеринария ҳизмати хақида мулоҳазалар.....40	
Темурийлар салтанатининг маънавий асослари.....48	
Амир Темурнинг маънавий фазилатлари.....65	
Амир Темур даврида сиёсий бошқариш таркиби.....72	
Амир Темур давридаги машҳур олимлар, буюк алломалар ва давлат арбоблари.....77	
Мунажжимлар .....	81
Хунарманд олимлар.....	82
Шатранжчилар.....	83
Қўшиқчи санъаткорлар.....	83
Боғбонлар.....	84
Амир Темур даврининг ва буюк Соҳибқирон тарихини ёзган машҳур олимлар.....84	
Амир Темур ҳақида тўғри фикр билдирган шахслар.....85	
Амир Темур ҳақида ноҳақ фикр билдирган шахслар.....89	
Амир Темур ва унинг авлодлари.....90	
Амир Темурнинг хотинлари ва фарзандлари.....91	
Фиёсиддин Жаҳонгир ва унинг авлодлари.....92	
Умаршайх Мирзо ва унинг авлодлари.....93	
Жалолиддин Мироншоҳ ва унинг авлодлари.....95	
Шоҳруҳ Мирзо ва унинг авлодлари.....98	
Амир Темур эгалик қилган мамлакатлар.....100	
Амир Темур давридаги мамлакатлар.....101	
ХУЛОСА.....	102

## **КИРИШ**

Амир Темур ва темурийлар даври Ватанимиз халқлари тарихида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирга қадар бу давр тарихи тулалигича ўрганилган эмас. Бу даврнинг тарихини қанчалик чукурроқ ва тула атрофлича ўрганилишига харакат қилинса шунчалик янгидан-янги тарихий воқеа ва ходисаларни маънавий-маданий меросимизга боғлиқ қимматбаҳо ва ноёб тарихий хужжатларнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз. Улар нафақат Ватанимиз халқларининг, балки жаҳон халқлари маданиятида ҳам муҳим роль уйнайдиган тарихий воқеаларни эслатадиган хужжатлар эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Амир Темур ва темурийларга доир ҳозирги кунда мавжуд дастлабки манбалардан уша даврнинг маънавий ва маданий тафаккурини тулиқ тасвир ва тавсифлар берадиган хужжатлар галареяси мавжуд бўлиб, уларни атрофлича ва чукурроқ ўрганилишига харакат қилинмоқда.

Ушбу қулингиздаги мавжуд «Амир Темур ва темурийлар даврининг интеллектуал салохияти» мавзусидаги ўкув қўлланма ана шу манбалар асосида ёзилиб тавсия этилмоқда.

Ушбу ўкув қўлланмада Амир Темур даврида илму-фан ва шу асосда маънавий-маърифий хаётнинг ўзига хос мезонлари, бунёдкорлик хусусиятлари ҳақида янги маълумотларга таяниб таъриф берилди. Шу билан бир қаторда Темур ва темурийлар даврида жиддий эътибор берилган толерантлик, муросаю-мадора муаммолари, маданий ландшафтлик ва оросталик фазилатлари, тиббиёт илми ва ветеринария хизмати, халқ табобат илмига биринчи бор таъриф берилди. Амир Темур боғлари ҳақида, авлодлари ва Соҳибқирон давлатида фаолият кўрсатган давлат арбоблари, илму-фан намоёндалари, хунарманд-муҳандислар, шахматчи ва санъаткорларга, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ёзган таниқли олимлар ҳақида маълумот берилди. Шу билан бир қаторда Амир Темур ҳақида ноҳақ фикрлар билдирган шахслар мулохазалари келтирилди. Ундан ташқари Соҳибқирон забт этган мамлакатларнинг ҳам номлари келтирилди.

Хуллас, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи билан қизиқкан кишилар учун керакли дастлабки тарихий маълумотлар ёритилди. Ишончимиз комилки, ушбу ўкув қўлланмадан китобхонлар ўзларига яраша билимлар олади деган умиддамиз.

Қисман бўлсада камчиликлар бўлса китобхондан узур сўраймиз.

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ИЛМУ - ФАН ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ.**

Темур ўз сиёсатини мамлакатда марказлашган кучли мустақил жамият ўрнатиш, ҳар бир ишда қонун ва тартиб жорий қилиш, юртда осойишталикини жонлантириш, хунармандчилик, савдони ривожлантириш,

ислом ақидаларига риоя қилишдан бошлади. Темурнинг амалий-ижтимоий фаолияти унинг аввал ўтган подшоҳларга нисбатан қандай ижобий янгиликларни амалга оширганлигига қараб баҳоланиши зарур. Ана шу нүктай назардан айтишимиз мумкинки, Амир Темур ва темурийларнинг фаолияти, шубҳасиз илму-фан тараққиёти ва маънавияти билан суғорилгандир.

Амир Темур ўз замонасининг қандай буюк жаҳонгири бўлса, шундай улкан илму-фан бунёдкори, маданият ривожининг буюк йўлбошчиси ҳам эди. Муҳими шундаки, у ўзининг кенг бунёдкорлик илму-фан ва маъмурчилик ишларини нафақат она Ватани Туронда, балки ундан узоқ бўлган ўзга юртларда ҳам муваффақиятли олиб борди. У бузилган ва талофатга юз тутган Боғодд шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Қобул водийси ва Муғон шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Қобул водийси ва Муғон чўлларига сув чиқариш, Озарбайжондаги Дарбанд қалъаси ва Бойлакон шаҳарларини қайта тиклаш, янги жамоа биноларини қуриш, Озарбайжоннинг Арс даресидан чулга канал қазиб сув чиқариш (узунлиги 60-70 км). Хурросон худудига Балх шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш. Хитой чегараларида жойлашган узоқ Ампара шаҳри ва Бош Хумра қалъасини маъмур этиш каби улкан бунёдкорлик, таъмир ва ободончилик ишларини амалга оширди. Ҳозирча мавжуд Исфахондаги катта куприкни қурдирди. Темурнинг нигоҳи меҳри тушган, таъмир ва маъмурчиликка муҳтоҷ бўлган ерлар хоҳ Туркистонда бўлсин, хоҳ ўзга юртларда Темур ҳиммати ва эътиборидан четда қолмади. Оддий халқ тили билан айтганда, Амир Темур ўз ҳаёти давомида «минг бир» хайрли ва мўътабар ишларга қул урдики, уларни қойилмақом қилиб уddaladi. У нафақат давлатчилик салоҳиятни, ижтимоий адолатни, балки маънавий маданиятни, диний ҳақиқатни ҳам ривожлантириб уни мустаҳкамлади.

Ислом шарқи дунёсида эл-юрт фаровонлиги, мамлакат ободончилиги ва осойишталиги учун бунёдкорлик соҳасида фидойилик кўрсатган алломалар оз эмас. Бироқ, бу борада Амир Темур ва темурийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. Ватан ва миллатнинг фаҳри учун бутун халқ кучини эзгу ишларга йўллашда маънавий маданиятни, илму-фанни ривожлантиришда темурийларга Амир Темурнинг ўзи бош бўлган эди. Соҳибқирон ўзининг барча ишларига мусулмончилик деб аталмиш буюк бир ахлоқ-одоб ва қадрият байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Ҳазрат Амир Темурнинг ислом оламида ҳар юз йилда бир маротаба бериладиган «Қутбиддин» унвонига сазовор булишлиги ҳам бежиздан эмас эди. Амир Темур ислом таълимоти ва тасаввуф анъаналарига тамоман мос келувчи ҳайрия бинолари ва иншоотларини илму-фан марказларини, маданият масканларини қуришни давлат томонидан амалга оширилиши шарт бўлган ишлар қаторига киритиб, уларни ўзи амал қилган ижтимоий адолатнинг,

сиёсий құдратнинг, диний ҳақиқатнинг мухим тамойилларидан бири деб билар эди.

Темур даврида Марказий Осиёда шаҳарсозлик, меъморчилик, санъати, дину-ислом, маданият ва илму-маърифат тенгсиз ривож топди. Ўрта Осиё шаҳарсозлигига бино ва иншоотларни қуришда янгича ансамбль услугби, янгидан-янги жамоа бинолари, усти берк савдо расталари, маҳсус бозорлар вужудга келди, илму-фан марказлари ташкил топди.

Меъморчилик санъатининг ривожланиши янги поғонага кўтарили. Пештоқ ва гумбазлар биноларга маҳобат баҳш этувчи асосий шаклларга айлантирилди. Бино шакллари ва қисмларини бир-бирига ҳамоҳанг ва уйғун, миқёсий улчовларда шакллантириш авж олдирилди. Бу эса, ўз навбатида, бино қисмлари улчовларини мутаносиб нисбатларда бўлишларини, бино тарзини эса меъморий жиҳатдан шаклан мукаммал ва гўзал чиқишини таъминлади. Мухандислик санъатидаги ютуқлар ҳам меъморчиликнинг янада равнақ топишига яқиндан ёрдам берди. Темур даврида яратилган ўзаро кесишувчи равок ғиштли қурилмалар кенг хоналарнинг томларини ёпишда, уларнинг ички ва ташқи қўринишларини маҳобатли қилиб ишлашда кўлланилди. Меъморчиликка тадбиқ этилган ҳаттотлик санъатининг ривож топиши эса бино ва иншоотларнинг янада мукаммал ва сержило яратилишини ташкил этди. Нақшинкорликда гирих, ислимий ва хусният безакларидан ташқари муқарнас ва кундал услуби кенг қулланилди. Бинолар яқиндан ва узоқдан қуришга мўлжалланган нақшлар, ёзувлар билан безатилди. Тасвирий санъатда китоб нафис наққошлиги (миниатюра) билан бир қаторда илгарилари (XI-XIII асрларда) дин пешволари тазиيқи остида амалдан қолган маҳобатли деворий (монументал) ранг-тасвир санъати шохона сарой ва қушк ҳашаматларидан янгитдан ривож топиб қулланила бошланди.

Бу ҳолатлар Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолиятида нафакат меъморчилик, қурилиш санъати, балки илму-фаннинг ҳамма соҳасини ривожлантиришнинг сардори, йўлбошчиси бўлди. Ўзи эса илму-фаннинг йирик билимдони сифатида ўзгаларга наъмуна бўлиб давлат сиёсати ислом ҳақиқати билан ўйғунлаштириб олиб борди. Унинг ашаддий рақиби ибн Арабшоҳ: «Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу-Гарб тарихининг отаси ва онаси эди» - деб бежиз тан олмаган эди.

Фарб епископи монах Иоанн Гринло Темур ҳақида ёзиб, унинг турк, форс ва араб тилларида bemalol сўзлашаолганлигини илму-фандан билимдон эканлигини таъкидлайди. «Илму Қуръон ва илму фикҳда шунчалик забардаст эдики, - деб хабар беради у Темур ҳақида, - ҳар қанақа мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмаган».

Султония епископи монах Ионн Гринло ўзининг Амир Темур ҳақидаги хотираларида: «Темурбекнинг бунёд этган қасрлари икки юздан зиёд эди: Самарқандда ўн саккиз, Кеш шаҳрида йигирма, Боғдодда ўн

беш, Исфаҳонда ўн икки, Шерозда етти қасри бор эди», - деб ёзади. Иоанн Гринло ушбу қасрларнинг айнан қандай иморатлар эканлигини ёзмасада, уларнинг сонини келтиргани Соҳибқироннинг бунёдкорлик ишларига жуда катта эътиборни қаратганлигидан далолат беради.

Айниқса унинг ўзга юртларда бунёд этган бино ва иншоотлари Темур маънавиятидаги янги қирраларни очиб беришга ҳизмат қиласди. Ўнлаб шаҳарлар ва боғ-саройлар, масжиду-мадрасалар, савдо ва тижорат иншоотлари, касалхоналару лангархоналар, хонакоҳлар, ҳаммоллар, кўпприклар, каналлару бўғонлар Буюк Ипак йули бўйлаб бино этилган сонсаноқсиз работу-карвонсаройлар, сардобалар Амир Темур бунёдкорлик фаолиятининг кўп қирралари ва ранг-баранглигидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда Амир Темур даврида Туркистон ва Хуросонда амалга оширилган кенг бунёдкорлик ишларида ўзига хос «Темур услуби» яратилган эди. Кейинчалик темурийлар бу услугни ривожлантириб давом эттиридилар ва Шимолий Хиндистонда Бобур Мирзо ва бобурийлар ҳукмронлиги даврида ҳам бу услуг ўзининг сезиларли таъсирини кўрсата олди.

Темур даври маданий-маънавий ҳаёти билан боғлиқ масалалар орасида ушбу даврдаги маҳобатли, яъни монументал деворий тасвирий санъат ривожи масаласи ўзига хос тадқиқотга муҳтоҷдир. Марказий Осиё маданиятига қадимдан хос бўлган, бироқ Ислом тазиики остида X-XIII асрларда амалдан қолган монументал тасвирий санъатнинг деворий услуги айнан Амир Темур ва темурийлар даврида янгидан жонланди, ривож топди. Нега? Тирик жонзотларни тасвирлаш, йирик ўлчамдаги деворлардаги рангтасвирларда ифодалаш шариат талабларига тамоман қарши эди! Нега темурийлар бунга амал қилмади? Бу каби саволларга жавоб бериш темурийлар даври тасвирий санъати турли қирраларда тадқиқ қилишни, бу даврда ислом ва тасвирий санъат муносабатларини ўрганишни тақозо этади.

Темур илму-фан ривожига раҳнамолик қилган, ўзи эса тарих, жуғрофия, тиб илмларини яхши билган, адабиёт ва шахматни севган. У уламо ва шоирларни беҳад хурмат қилган, эъзозлаган. Сабаби унинг ўзи ҳам ўз даврининг олими ва донишманди бўлган. Унинг муғолибларидан бири Ибн Арабшоҳ Темурни «Шарқу Фарб тарихининг отаси ва онаси эди» деганда тўғри баҳо бериб, муболаға қилмаган эди. Темурнинг қадами қаерга етган бўлмасин, у ўша ердаги олиму уламолар, шоирлар, санъаткорлар, меъморлар, ҳунармандлар, касбкорларни йиғиб сұхбат айлаган, уларга топшириқлар ва вазифалар берган, осойишта ижод, бунёдкорлик билан шуғулланишга имконият яратиб берган, моддий ёрдам бериб хомийлик қилган. Чунончи, у Дамашқда ислом уламоларини йиғиб, Қуръон ҳақида катта мунозара ўтказди. Озарбайжоннинг Бойлақон шаҳрида ҳам олимлар билан кенгаш ўтказиб, улар олдига катта вазифалар кўяди. Румнинг Басра шаҳридаги энг катта кутубхонадаги нодир

китобларини Самарқандга келтириб бу ердаги китоблар билан қўшиб Кўксаройда улкан билим маскани - кутубхона ташкил этади. Бу кутубхона хазинасидан минглаб кишилар баҳраманд бўлган, етук олимлар этишиб чиқкан. Фаҳмлаш мумкинки, Темурнинг кутубхонаси ўз даврида ер юзидаги улкан ва энг бой кутубхоналардан бири бўлган. Негаки пойтахт Самарқандга нафақат китоблар, балки Темур салтанати худудидаги энг нуфузли олимлар ҳам йигилган эдилар. Темурнинг бевосита ғамҳурлигида юзлаб олимлар илму-фанда ижод қилганлар. Улар қаторида Саъуддин ат-Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Сайид Шариф Журжоний, Шамсиддин Муҳаммад ибн ал-Жазарий, Хожа Муҳаммад ал-Бухорий, Хожа Абдулмалик Самарқандий, Тожиддин ас-Салмоний, Мавлоно Убайд, Мавлоно Абдужаббор, Аҳмад Кирмоний, Хофизу Абру, Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Хофиз Шерозий, Камол Хужандий ва бошқалар эди.

Умуман олганда Амир Темур салтанатида замонасининг таникли алломалари ҳисобланган дунёвий фанларнинг ҳамма тармоқлари бўйича илмий-тадқиқотлари олиб борган қарийиб 100 дан ортиқ олимлар, Ислом тасаввуфчилиги соҳасида ҳам Шарқда номи машҳур бўлган ўнлаб авлиёупирлар илоҳият йўлида самарали ибодатда бўлганлар. Самарқанд ўша даврда ана шундай буюк зотларнинг ижод марказига айланган эди. Бу иборани ўша даврнинг гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ шундай таърифлайди: «Темур ҳар бир жонни (олиму-уламоларни...) йигиб, нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намоёндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йигилган эди». (1 китоби, 87-бет). У давом этиб: «Дарҳақиқат Самарқанд фозиллар жам бўлган ва фазилат ахлининг келиб қунадиган жойи эрди» (1 китоб, 309-бет).

Ушбу олимлар Темур ташкил этган Кўксарой кутубхонасида ишлаш ва фойдаланиш хукуқига эга эдилар. Ҳар бир олимнинг ўрни ва вазифаси аник эди.

Улар илму-фаннынг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб бориб, Турони-замин илму-фан, маданиятини жаҳон цивилизацияси даражасига кўтариб, Самарқандда ўзига хос илмий марказни ташкил этиб, невараси Улуғбек даврида фаннинг кенг тараққий этишига, илмий лаборатория ва Самарқанд фанлар академиясининг вужудга келишига асос солган эди.

Темур даврига келиб Самарқанд олимлар масканига айланиши билан мадрасаларнинг вазифалари ҳам кенгая бориб, улар юқори савияси илм-фан муассасаларига айланбаорди.

Ушбу олимларнинг кўпчилиги, айни пайтда, Темур даврида ва Темурдан олдин барпо этилган ва обод холга келтирилган Самарқанд мадрасаларида талабаларга таълим берар эдилар. Уларда энди диний қадриятлардан ташқари давлат хизматчилари ва иқтидорли ёш олимлар

хам тайёрлана бошланди. Ўша даврда Дамашқдан келтирилган ёш толиби илм Ибн Арабшохнинг Самарқанддаги Идику Темур мадрасасида тахсил олиб таниқли тарихчи олим бўлиб етишганлиги фикримизнинг далилидир.

Ундан ташқари Амир Темурнинг бевосита устозлигига Темурийлардан ташқари қарийиб 80-дан ортиқ машҳур давлат арбоблари, талантли саркардалар, икки таълимотда ҳам билимга эга бўлган йирик сиёsatчилар етишиб чиқади. Жумладан, Тожуддин ас-Салмоний, Маъсуд ас-Симноний, Муҳаммад ас-Согиржий, Аҳмад ас-Тусий, Мавлоно Кутбиддин, Хожа Абдумалиқ, Мавлоно Убайд, Фазлуллоҳ Мавлоно, Жамолиддин, Муҳаммад Ковчин, амир Хамза, Махмуд Шоҳоб Хурсоний, Насриддин Махмуд, Амир Шоҳ Малик, Амир Жоку, Сайфитдин Борлос, Амир Сулаймоншоҳ, Амир Абу Сайд, Амир Усмон Аббос, Амир Сариқ Атко, Амир Жалолитдин кабилар шулар жумласидандир.

Темур даврида қурилган ва обод этилиб фаолияти ижобий йўлга кўйилган мадрасалар масаласига келсак фақат биргина Самарқанднинг ўзида уларнинг сони унга яқин эди. Темурнинг суюкли набираси Муҳаммад Султон мадрасаси, Бибихоним мадрасаси, Ферузшоҳ мадрасаси, Идику Темур мадрасаси, Амир Шоҳмалик мадрасаси, Кутбиддин Садр мадрасаси ва бошқалар шулар жумласидан эди.

Бундан ташқари, Шаҳрисабзда, Бухорода, Хиротда илм-фан ахллари, кўплаб адиллар, шоиру-бастакорлар, мусаввирлар, меъмору мухандислар, бинокор наққошлар, моҳир хунармандлар ижод билан банд эдилар. Бу даврда Темурнинг ота юрти Шаҳрисабз эса ўзи ўқиган мадраса қайта таъмирланиб, кенгайтирилиб, илмий тарбия марказига, яъни «Адаб илмининг гумбази»га айланган эди. Ундаги Темур бунёд этган «Дор утиловат»да нафақат адаб илми, балки диний ва дунёвий билимлар ҳам ўрганилар эди. Хиротда эса Шоҳруҳ Мирзо ҳам Темурнинг илм-фан ва маърифат соҳасидаги саъй-харакатларини олиб бутун Хурсондаги энг катта кутубхонани ташкил этади. Темур салтанатининг ҳар иккала улкан кутубхонасида нафақат араб ва турк тилларида, балки форс, лотин ва юнон тилларидаги энг нодир асарлар тўпланган эдики, бу асарлардан фойдаланиб ишлаган олимлар кейинчалик Самарқандда Мирзо Улуғбек шакллантирган улкан илмий академиянинг аъзолари бўлиб, илму фаолиятлари билан жаҳонга танилган йирик ва машҳур олимлар бўлиб етишади.

Хиротда эса ана шу саъй-харакатларнинг давоми ва Хирот кутубхонасининг таркибий қисми тарзида пировардда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида Камолиддин Беҳзод раҳбарлик қилган «Санъат академияси» – «Нигаристон» вужудга келган эди.

Юқорида келтирилган далил ва мулоҳазаларга асосланиб Темурнинг хаётда амал қилган тартиб эътиқодларидан бири, бу – китоб битиклар кутубхонасини ташкил этиш эди. Чунки узоқ Бурса шаҳридан Самарқандга яхлит бир кутубхонани кучириб келиш фақат Темур

маънавиятига хос тафаккур эди. Темурнинг фикрича, «китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, хаётни ўрнатувчи мураббийдир». Гарчи бу сатрлар Темур номидан халқ тилида айтилган ривоятларда келтирилган бўлса-да, у Темур маънавиятига тамоман мос келади. Чунки унинг угитларида «ёзилган нарса авлодлар хотирасида қоладиган ишлардан ҳам узокроқ яшайди», деган ҳикматли сатрлар мавжуд (Амир Темур угитлари. Т., 1992, 59-бет).

Амир Темурнинг илм-маърифатга қаратган катта эътиборини унинг «Тузуклари»да ҳам куриш мумкин. Унда, жумладан шундай сатрларни ўқиймиз: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалар ва Ислом дини илмларидан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим... Яна амр қилдимки, ҳар бир шаҳарда масжид ва мадрасалар бино қилсинлар, касаллар учун шифохоналар қурсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар».

Дарҳақиқат, Амир Темур замонасида уламо ва мударрисларга катта моддий ёрдам кўрсатилиб илгаригидан ҳам ортикроқ маош ва иш ҳақи олиб мударрислик қилар эдилар.

Улар эса давлат ва унинг бошлиғи томонидан олиму-уламоларга қилган салоҳиятни моддий ва маънавий ёрдами туфайли ўша даврларда яратилган илму-фан натижалари ҳозирги кунда, келажакда ҳам ўз қийматини йўқотмайди. Жумладан, ҳозирги кунда Самарқандда Амир Темур саройида ҳизмат қилган олимлардан бири Муҳаммад Ибн Умар Саъдидин ат-Тафтазонийнинг илму-ҳисоб, ҳандаса ва мантиққа доир бир неча рисоласининг қадимги қўлёзма нусхалари мавжуд. Шулардан бири түғри чизиқларнинг паралеллигига бағишиланади. Унда Тафтазоний Евклиднинг машҳур 5-постулатини исбот қилишга ҳаракат қиласи ва бунда икки тўғри чизиқни учинчи тўғри чизиқ кесганда ҳосил булавчи бир томонли ички ташқи бурчак йигиндисининг икки тўғри бурчакка тенг бўлиши зарур эканини кўрсатади. Шу жараёнда у бурчакларнинг бошқа бир қатор ҳоссаларини ҳам исбот қиласи. Уларнинг татбики сифатида икки масаланинг ечимини ҳам келтиради.

Маълумки «Зижи Курагоний» Мирзо Улуғбекнинг йирик асарларидан бири, улкан ижодиёт махсули. Бу асар устида кўплаб тадқиқотлар бажарилган. Лекин у батамом тулиқ ўрганилган дейилиши мумкин эмас. Ҳар холда кейинги тадқиқотлар қўшимча маълумотларни бермоқдаки, улардан айримларини кўрсатиб ўтамиз. Ҳусусан, «Зиж» 2-мақолатининг 1-бобида Улуғбек адад (сон, аргумент), ҳиссаси адад (шу сон ҳиссаси, функция қиймати), таъдил (интерполяциялаш) каби тушунчаларни беради, функция қиймати учун интерполяциялаш формуласини (албатта, ёзма баён асосида) ва аргумент қийматини топиш учун эса тескари интерполяциялаш формуласини баён қиласи. Булар ҳозир Ньютон номи билан аталадиган формулаларнинг чизиқли қисмидан

иборат эди. У интерполяция хатосини камайтириш учун қадамни кучайтириш зарурлигини ҳам ўқдиради.

Мақолатнинг 2-боби синус (джайб), джайбу маъкус (арксинус) ва сахга бағишлиланган бўлиб, бунда Улуғбек икки микдор орасидаги функционал боғланиш тушунчасига асосланади. Сахм (1-cos дан иборат тригонаметрик функция) тушунчасини киритар экан, биз учун ўрта мактабдан маълум тўғри бурчакли учбурчак тригонаметриясини тенгенли учбурчак тригонаметриясигача кенгайтиради ва шу борада бир қатор муносабатларни келтиради. Улардан фойдаланиш ҳисоблашларни ихчамроқ бажаришга имкон бериши тушунарли.

Зиллга (соя, тангенс) бағишлиланган 3-бобда унинг хоссаларини тушунтириш жараёнида нурнинг (юлдуздан) тўғри чизиқли тарқалиш ва яssi текисликдан қайтиш қонуниятидан фойдаланади, тангенс (котанганс, секанс, косеканс) қийматининг чексизликкача ўзгаришини (демак, оламнинг чексизлигини), тригонаметрик функциялар орасидаги муносабатларни анча батафсил баён қиласди.

Мақолатнинг кейинги бобларида биз сферик геометрия ва тригонаметрияниң ҳозир Кепер номи билан аталадиган муносабатлардан, шунингдек, сферик учбурчак учун синуслар ва косинуслар теоремаларидан фойдаланади. Улуғбек баёнидан фойдаланиб турли вазиятда, масалан, осмон сферасининг бир қисми куринмай қолган шароитда ҳам, ҳисоблашларни бажариш мумкинлигини таъкидлаймиз.

Синуснинг 1-ли қийматини жуда аниқ топиш мақсадида Улуғбек мактабида ишлаб чиқилган ва учинчи даражали тенгламанинг айrim кўринишларини ечиш қўлланилган итерацион усуллар маълум шартларда ихтиёрий тенгламани ечиш учун ҳам яроқли экани маълум бўлди.

Амир Темур ва темурийлар даврида ижод этган олимларнинг асарлари кейинги ва йилликлар давомида қайта-қайта кўчирилган ва фойдаланиб келинган. Тадқиқотлар бу асарлар илму-фаннынг кейинги тараққиётида ҳам алоҳида ўрин тутганликларини кўрсатади.

Амир Темурнинг илму-фан, маънавий-маданияти хақида фикр юритар эканмиз Соҳибқироннинг ўзи ҳам фан билан шуғулланган, тарихни севган, тарих хақида китоблар ёзган. Унинг «Манзумои Турк», «Тузуклари» шулар жумласидандир. Юқорида таъкидлаганимиздек жаҳон халқлари тарихини яхши билган, ўз фаолияти тўғрисида сиёсий хулосалар чиқарган.

Шу билан бир қаторда Амир Темур табобат илмининг ривожига катта шароит яратиб беради ва халқ медицинасини, табобат илмий марказлари, биноларини вужудга келтиради.

Темурнинг алоҳида бино тарзида шифохона қурдирганлиги хақида адабиётларда маълумот йўқ. Бироқ бизга Амир Темур даврида Самарқанддаги Арк-қалъада дор уш-шифо, яъни шифохона хизмати ташкил этилганлиги маълум. Замонасининг улуғ уламоларидан бўлмиш

Мир Сайд Шариф Журжоний (1330-1414) аввал Шерозда мударрислик қилиб, 1387 йилда Амир Темурнинг таклифи билан Самарқандга келиб ушбу дор уш-шифода ўз фаолиятини давом эттирганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Темур «Тузуклари»га амал қилиб қасаллар учун шифохоналар қурган темурийлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда Хуросон ҳукмдори Султон Шоҳруҳ Мирзонинг хотини Милкат оға (у олдин Умаршайх Мирзонинг хотини бўлиб, 1394 йилда у ўлгандан кейин Темур идорасига бўйсуниб, Шоҳруҳ Мирзо олади, у киши Хирот шаҳрида дор уш-шифо қуради) ҳамда Шоҳруҳ Мирзонинг набираси Мирзо Алоуддавлатни (у ҳам Хиротда шифохона қурган) ва Ҳусайн Бойқарони (Хирот яқинидаги Герируд тоғидан чиққан шифобахш иссиқ сувга шифохона қурдиради) кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хуллас, Амир Темурнинг нафақат диний илмлар, балки дунёвий илмлар ҳамда табобат илмини ривож топтиришда ҳам ҳизматлари катта бўлган.

Темурийлар даврида илм-маърифат фақат Улуғбек давридан бошлаб ривож топган, деб тушунилар эди. Юқорида келтирилган маълумотлардан аён бўлдики, Темур невараси Улуғбекка қадар ҳам ўз салтанатида илм-маърифат тараққиётига алоҳида эътибор берган ва шундай хулоса қилиш мумкинки, Улуғбек академиясидек улкан илм масканининг пойдеворига ҳам аслида Темурнинг ўзи асос солиб кетган эди.

## **АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА ТОЛЕРАНТЛИККА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР.**

Толерантлик фақат диний эътиқодларда тасаввуф илмдагина қўлланилмасдан бутун ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидағи қарашларнинг хилма-хиллиги, миллий, диний ва ғоявий жараёнларнинг бутун тизимларида юз берадиган, турли хил қарашдаги томонларни келтириш ва мувозанатлаштириш, вазиятни кескинлаштириш эмас, балки мувофиқлаштириш, ҳатто ғаразли ҳолатларни ҳам тинчлантиришдан иборат воситадир. Айниқса, толерантлик динлараро, давлатлараро, ҳалқаро муҳим аҳамиятга эга бўлган воситавий имкониятдир.

Ислом дини ва унинг тасаввуфчилик илмидаги ана шу имкониятдан Амир Темур устамонлик билан ўз вақтида йирик марказлашган давлатни ташкил этиш, Турон – замин ҳалқларини бирлаштиришда сиёсий арбоб, қобилиятли ҳукмдор, буюк саркарда сифатида фойдаланишга эришган давлат бошлиғидир, туркий ҳалқларнинг ардоқли фарзандидир. Ислом дини, диний ислом тасаввуфчилик тариқати нафақат кишиларни эзгу-ниятларга, инсоний фазилатларга, ахлоқ-одобга, диний эътиқодга, Оллоҳнинг яккалиги-ю яратганинг куч-кудратига,

диний ислом талаб-мақсадларига, балки ижтимоий жамиятни бошқаришни ўзига хос салоҳияти, бошқарувчи-хукмдорнинг ҳам адолатлиги, маърифатлилиги, ҳалқпарвар солиҳ бўлишслигини, ҳалқлар ўртасида бирлик, ҳамкорликни, бир-бирига ишонишни талаб этадиган диндир.

Халқимиз тарихида, давлатчилигимиз салтанати салоҳиятида қанчадан-қанча ҳукмдорлар ўтган. Тарих сабоқларидан шу ҳақиқат маълумки қайси ҳукмдор комил инсон сифатида диний таълимотни мукаммал билиб унинг бағрикенглик ғоясидан-толерантлик имкониятида ҳалқлар манфаати, бирлиги, ишончи, ҳамдўстлиги йўлида фаолият кўрсатиб давлатни бошқарган бўлса, мамлакат обод бўлган, ҳалқи муҳтоҗсиз, осойишталикда, эртанги кунга ишонч, дўстлик, бирлик ва ҳамкорликда яшаганлар.

Тарихда бундай ҳукмдорлар камдан-кам бўлганлиги ҳақида гувоҳлик берадилар. Диний ислом илмий тасаввуфчилик тариқати толерантликдан камдан-кам ҳукмдорлар фойдаланган. Аммо Соҳибқирон Амир Темур ва айrim темурийзодалар бу фазилатли имкониятдан ўринли, ҳалқ, мамлакат, давлатчилигимиз манфаати йўлида фойдаланганлар.

Чунки Амир Темур миллий давлатчилигимизни такомиллаштириб марказлашган йирик давлат ташкил этиб, ўз фаолиятида диний Ислом ва илмий тасаввуф амалиётида ғайри динларга ҳурмат, бошқа ҳалқлар анъана ва эътиқодларга кенг йўл бериб, буюк олиму-уламолар васиятларига қатъий риоя қилган ҳолда диний толерантлик воситасидан унумли фойдаланиб сиёsat юргизган. Бундан Амир Темур диний толерантизмни билар эканда деган нотўғри хулоса чиқармаслик керак. Амир Темур ҳозирги кунда диний тотувликни – толерантлик деб аталиш эканлигини билмасада Имом Матрудийнинг мувозанат таълимотини, диний тотувликни, жамиятдаги кескин вазиятни юмшатишни мукаммал ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган ҳукмдор эди. Ҳалқ манфаати ва тинчлиги, осойишталигини сақлашда бирон ёрдами, нафи тегадиган ишларда ҳар қандай услублардан фойдаланган салтанат эгаси эди. У Тангрининг яккалигига, Мұхаммад Пайғамбар Оллоҳнинг расули эканлигига қаттиқ ишониб, эътиқодга мустаҳкам бўлиб, Қуръони Карим, Ҳадиси-шарифни мукаммал билиб, унга ишониб, ситқи дилдан сифинган, уларга таяниб салтанатни адолатли, бағрикенглик билан бошқарган. Амир Темур ўзининг «Тузуклари» да кўпдан-кўп ана шундай эътиқодларидан мисоллар келтиради. Жумладан: «...Эшитганманки, Али Ибн Лақатий Халифа Хорун ар-Рашиднинг вазири эди. Ундан Тангри таоллонинг бандаларига (диний эътиқоди, миллий, ирқийлигидан қатъий назар-таҳлил А.Ш.) кўп нафу-фойда етарди. Кунлрдан бир куни ўз ихтиёри билан вазирликни тарқ этмоқчи бўлибди. Ўшанда дин пешволаридан бири унга шундай деб ёзибди: «Сен халифа даргоҳида

мулозимлик қилиб, вазирлик ишини бажариб туравер. Бу ишни ташлашни ўйламагин ҳам, чунки (бу мартабада туриб) халққа етказаётган ёрдаминг ва нафинг, (белги меники А.Ш.). сен қилған бутун ишлар ва ҳаракатларнинг энг олийсидир»\*. Амир Темур «Тузуклари»нинг яна бир жойида ушбу фикрни келтиради: «Яна шуни эшитдимки, Ҳазрати пайғамбаримиздан, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, сўрабдилар: «Агар Сиз Набий (илоҳий хабар келтирувчи А.Ш.) ва Расул (Оллоҳнинг вакили – А.Ш.) этиб юборилмаганингизда қайси иш билан шуғулланар эдингиз? У шундай жавоб берган эканлар: «Султонлар ҳизматида бўлишни ихтиёр этиб, Тангри таолонинг бандаларига (диний эътиқодларидан қатъий назар – А.Ш.) фойда ва яхшилик етказардим»\*, - деб жавоб берганлигини Соҳибқирон ўз «Тузуклари»да бежиз келтирмаган. Чунки Амир Темур нафақат диний муносабатларда балки халққа, Тангри таоло бандаларига ижтимоий жараённинг ҳамма соҳаларида фойда, наф, яхшилик қилишни, тотувлик ҳамкорликда яшашни ташкил этишни давлат сиёсати даражасига кўтарган. Шу сабабли юқорида келтирилган мисолларни ўз «Тузуклари» да баён этган. Бу албатта ҳозирги замон тили билан айтганда амалий толерантликдир.

Амир Темур илмий тасаввуф тариқатига доир толерантликнинг амалий жараёнига боғлиқ бўлган, ўзининг бевосита ҳаётий фаолиятига алоқадор яна бир мисолни келтиради. «Шу сабабдан, халққа ёрдаму мадад мақсадида, мен ҳам Туқлуғ Темурнинг ўғли Илёсхожага вазирлик ҳамда сипоҳсолорлик қилишга рози бўлгандим. Тангри таолонинг бандаларига ёрдам қилганимдан бўлса керакки, Оллоҳ таоло мени салтанат мартабасига етказди», - деб ёзади.

Илёсхожага вазир бўлиб хизмат қилишга қанчалик оғир бўлсада, вақтинчалик вазир бўлиб, мувозанатни сақлашга, тотувлик билан муроса қилиб қулай вазиятни кутишга сабр-тоқат билан, халқи мустақиллигини кўлга киритиш учун куч тўплаши, вақтни кутишини ҳисобга олиб иш тутганлиги фикр қилиб, хулоса қилишга буюк Соҳибқирон мустақил

---

\* «Темур Тузуклари», Тошкент, 1991, 76-77 бетлар.

\* Ўша жойда. 77-бет

\* Ўша жойда. 77-бет

марказлашган давлатни ташкил этишдан олдинроқ нафақат диний, балки кенг маънодаги ижтимоий-сиёсий толерантлик-нинг амалиёти асосида фаолият кўрсатганлигининг гувоҳи бўламиз. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки Амир Темур ёшлигиданоқ диний эътиқодларга жиддий қараган. Ислом дини, илмий тасаввуф тариқатини яхши билган, уни ҳаётга тадбиқ этишга, динлараро ҳар қандай низоларга барҳам бериб муроса, тотувликда бўлишни амалга оширишга ҳаракат қилган. Унда бу туйғу ва ғоянинг пайдо бўлиши, кучли ижтимоий ҳарактерга эга бўлишилиги ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий муҳити кучли таъсир этиб, муҳим рол ўйнаганлиги

тарихий ҳақиқатдир. Чунки у бу ғоявий мақсадни мадрасадан, ҳаётый тажрибани турмушнинг аччиғи-лаззатидан, оғиру-енгилидан, эркинлик ва қарамлик, адолат ва зулмдан, босқинчлар ҳаракатидан ўрганиб кучларни бирлаштириш, муросавий тотувликни, халқ ўртасида кенг тарғибот қилиш халқа тушунча билан айтиладиган бўлса ижтимоий-сиёсий толерантликни тушунтиришга жиддий киришганлиги, ушбу мақсадга эришиш учун ёшлигидан фаолият кўрсатганлигидир.

Айниқса, Чингизийлар хукмронлигининг охирги Амир Темур бошчилигидаги миллий мустақиллик учун татар-мўғилларга қарши кураш йилларида (XIV асрнинг 50-60 йилларида) босқинчиларга қарши халқни бирлаштиришга сиёсий воситаларга нисбатан диний бирлик, муроса, ҳамкорлик имкониятлари кўпроқ кўзга ташланмоқда эди. Кенг қобилият ва талантга, билимга эга бўлган Соҳибқирон Ислом динига катта қувват бериб, бошқа ғайри динлар билан тотувлик, муроса қилишни, урф-одат, расм-русумларни хурмат қилишни, диний арбобларига нисбатан иззат-хурматни жойига қўйишни амалий фаолиятга айлантиришга жиддий эътибор беради.

Амир Темурнинг асосий мақсади Чингизий босқинчиларидан халқни, Ватанни озод қилиб миллий мустақил давлат ташкил этиш бўлсада, бу мақсадга эришиш йўлида диний толерантликдан кенг фойдаланади.

Чунки қанақа дин бўлишидан, кишилар қандай динга эътиқод қилишдан қатъий назар, ҳамма халқлар учун худонинг яккалиги асос бўлиб, диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканлиги, динларнинг кўриниши хилма-хил бўлсада, улар ўртасида тотувлик, муроса, ишонч бўлишига қаттиқ ишонади ва риоя қилиб ўз фаолиятида унга амал қиласди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, дунёдаги барча динлар ягона Оллоҳ деб унинг бандаси сифатида эзгулик ғояларига, яхшилик, дўстлик, тинчлик каби хусусиятларга асосланиб унга таянади, одамларни ҳалоллик, поклик, меҳр-шавқат, биродарлик ва муроса, тотувлик, бағрикенгликка даъват этди. Амир Темур ўзининг марказлашган давлатини ташкил этиб уни мустаҳкамлашга ана шу имкониятлардан фойдаланади.

Бу ҳақда Соҳибқирон «Тузуклари» да шундай деб ёзади: «Машойихлар суфийлар (Рухонийлар – А.Ш.) худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, сухбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим»\*. «Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулотда одатларини мушоҳада этдим ва сухбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим»\*. Бу сўзлар Амир Темурнинг ўз бошидан кечирган ҳаётый тажрибалари диний ғоя билан дунёвий – давлат сиёсатининг бир-бири билан уйғунлашиб кетиши натижаси эди. Амир Темур Ислом дунёсининг буюк алломаларинигина иззат-хурмат қилиб, юракдан эътиқод қилибгина қолмасдан, балки турли хил динларга эътиқод қилувчи буюк олим-уламоларнинг ҳам халқига ва муқаддас жойларига

ҳам хурматда ва яхши муносабатда бўлган. Уларнинг диний маросимларини ўтказишга, анъана ва қадриятларни янада ривожлантиришга, Ислом дини билан муросада ва тотувликда яшашга тўла имкон яратиб берган. Шунинг учун бўлса керак Амир Темур армияси таркибида ва ҳатто қисман бўлсада давлат муассасаларида ҳам гайридинли бошқа миллат ва халқ вакилларидан кишилар кўп бўлган. Соҳибқирон уларга ишонган ва катта имкониятлар яратиб берган.

Амир Темур тафаккурида пайдо бўлган мамлакат ҳукмронлигини қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш ғояси диний таълимотлардан, айникса Ислом тасаввуфчилик илмидан уларнинг намоёндалари фаолиятидан, Ислом ва бошқа динлар тарихидан, дунёвий фанлардан ҳам кенг билимга эга эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам мустақиллик учун чингизийларга қарши кураш йилларида диний толерантликдан ўз вақтида, устамонлик билан ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий соҳада амалий жиҳатдан фойдаланган.

---

\*Амир Темур «Тузуклари», Т., 1991, 66-бет

\*Ўша жойда.

«...Тузуклари...» да Илёсхожа бошлиқ чингизий босқинчиларга қарши кураш йилларида ўз фаолиятида толерантлик услубидан устамонлик билан фойдаланганилиги ҳақида шундай бир мисолни келтиради. «...Мен билан иттифоқи бузилган тоифадаги бошқа амирларни ҳам бирма-бир ҳоли жойга чорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол дунёга ҳирс қўйган очкўз ва таъмагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-марtabага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларни қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирига (ҳокимлик) қилишга номзод қилиб кўрсатдим»\*. Яна давом этди: «Қолган лашкарларни ҳам емак-ичмак (лукма) ва кийим-кечак (хирқа) билан умидвор қилдим, ширин сўз ва очиқ юз билан уларни ўзимга ром этдим»\*.

«Қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим», - деб таъкидлайди. Ҳақиқатда, улар ичida турли хил халқ ва диний эътиқод вакиллари ҳам бор эди. Натижада бирлашиб Илёсхожа бошлиқ чингизий босқинчиларни тор-мор келтирган ва ғалабани қўлга киритганлиги тарихий ҳақиқатdir. Кўриниб турибдики, Соҳибқирон Ватан тақдири ҳал бўлиш жараёнида халқ манфаати учун ҳар қандай унсурлардан, мол-дунё, мансаб учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган типлардан ҳам вақтинча фойдаланишга эришган. Бундан Амир Темур ўз ғалабаси учун ҳар қандай номақбул имкониятлардан фойдаланган эканда деган нотўғри хулосага келмаслик керак. Буюк Соҳибқирон ҳар бир

қилган амали фаолиятини онгли равища, мардлик, матонатлилик, кечириш ва муросавий тотувлик, тинчлик мақсадларида яхши ният билан амалга оширган. Ўзининг «Тузуклари»да бу ҳақда: «...Мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни зabit этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу-зийнат бердим»\*. Давом этиб: «... давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим – Тангри таолонинг диний (Оллоҳ ягона деб тан оловчи ҳамма

---

\* «Темур тузуклари», Т., 1991, 31-бет

\* Ўша жойда.

\* «Темур тузуклари». Т., 1991 йил

\* Ўша жойда. 53-бет.

динлар ва асосан Ислом динига нисбатан – изоҳ менини – А.Ш.) ва Мухаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватладим»\*.

Учинчи тузугида: «Салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр – тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олардим. Дўсту-душман билан мурасою- мадора қилдим»\*-деб арбобликка хос икки таълимот билимдони сифатида, Соҳибқиронлик салоҳияти даражасига мувофиқ фаолият кўрсатганлигини, диний толерантлик, хаётий тажрибада, амалий сиёсатида, давлатчилигимиз тарихида такрорланмас шахс эканлигини намоён этганлигини кўрсатади. Шу асосда динга, Ислом динига қатъий риоя қилинганлигини ва толерантлик услубидан атрофлича мохирона фойдаланишга ҳаракат қилганлигига амин бўламиз. Бу ҳақда Амир Темур ўзи шундай деб ёзади: «Одам Атодан бошлаб Хотам ул – анбиёгача (Пайғамбар охиргиси – Мухаммад Пайғамбарга бўлган унвон), улардан хозирги дамгача ўтган сultonларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-сuriштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим»\*. Яна давоб этиб: «Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини сuriштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб буловчи ишлардан сақландим»\*. «Кимки менга душманлик қilsаю, кейин пушаймон бўлиб ҳимоя истаб, тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим»\*, - деб муроса қилишга, мардлик кўрсатиб толерантлик услугига алоҳида ургу беради. Аммо Амир Темур бирон кучлар, шахслар ёки гуруҳлар билан маълум масалаю-муаммода муроса қилиб келишув шартларини аниқлаб бажаришга қатъий киришга аҳдлашса, уни бузган томонларни ҳеч қачон кечирмаган қаттиқ жазога мубтало қилган. Бу

жараён, яъни дин, диний толерантлик ва сиёсат, Ислом, илмий ислом тасаввуфчилиги, жамиятни, давлатни бошқариш, қонун, хуқуқ масалалари Амир Темур учун салтанат

---

- \* «Темур тузуклари». Т., 1991 йил
- \* «Темур тузуклари». Т., 1991, 54-бет.
- \* «Темур тузуклари». Тошкент, 1991, 55-бет
- \* Ўша жойда
- \* Ўша жойда. 54-бет

соҳибқирони бўлишдан олдинроқ яхши маълум бўлган. Бу масалалар Амир Темур фаолиятида миллий давлатчиликни тиклаш, ривожлантириш борасидаги ўзи ишлаб чиқсан миллий давлатчилик дастурининг асосини ташкил этган. Шу сабабли Соҳибқирон Амир Темур ўзининг салтанатини такомиллаштириш соҳасидаги сиёсий фаолиятининг онги ва илмий қисми, икки таълимотни (диний ва дунёвий) ўзаро уйғунлаштиришни амалда моҳирона қўллашнинг, Ватанимиз тарихида қоил-мақом қилиб бажаришнинг янги фазилатли хислати ва давлатчилигимиз тарихида қўлланилган янгилик эди десак хато бўлмайди. Унинг куч-қуввати, ғайратшижоати мустаҳкам бўлиб «динга қувват ва ёрқин қалбнинг нигоҳи пайғамбарлар сайиди (Муҳаммад С.А.В) нинг шариати учун мадад»\* берди. Подшоҳлар ва султонлар ичида Соҳибқирон Оллоҳ маъқул кўрган учинчи тоифасига, балки «бутунлай лутфу-каромат ва тамоман қаҳру-ғазаб зоҳир этувчи эмас, балки ана шу икки хислатнинг ўртача маромини (толерантлик- изоҳ меники-А.Ш.) тутувчи»\*, бўлиб, Тангри таоло иродасига, унинг бандаларига масъул бўлган, нафақат диний толерантликни, балки ижтимоий-сиёсий соҳадаги толерантлик-бағрикенглик, муроса, тотувлик, хамкорликни қўллаган хукмдор сифатида намоён бўлди. Соҳибқироннинг ўз сўзи билан айтганда мамлакатни бошқаришда муросаю-мадора билан сиёсат юргизган. Бунинг ўз халқи, Ватани учун, унинг ғам ташвиши, хузур ҳаловати, ғурури ва ифтихори билан ҳамоҳанг бўлиб ўз юрти учун, ҳурматли Президентимиз сўзи билан айтганда, ёниб яшади, номини жаҳонга таратди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда мамлакатда хрестианлик, буддавийлик, конфуцийлик ва бошқа динларга эътиқод қилувчилар яшаганлар. Ушбу дин вакиллари Ислом дини билан муросаю-мадорада бўлганлар. Улар давлат сиёсатига бўйсуниб ўзларининг диний даргоҳларида эътиқод нормаларини бажарганлар. Мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида, шу жумладан, Самарқандда ҳам улар мавжуд бўлиб, фаолият кўрсатганлар. Темурийлар даврида, қисман Шоҳруҳ Мирзо, асосан Мирзо Улуғбек даврида ғайри дин

вакиллари ўзлари сиғинадиган динларига эътиқод қилиб, диний даргоҳларида

---

\* Шарофиддин Али Яздий. «Зафарнома», Тошкент, 1994, 216-217 бетлар.

\* Қаранг. Низомиддин Шомий «Зафарнома», Тошкент 1996, 19- бет фаолият кўрсатганлар. Айниқса темурийзода Бобур Мирзо диний толерантликка жиддий эътибор берадиган Амир Темур бобосидек, уни давлат сиёсати билан уйғунлаштиради. Хатто Хиндистондек йирик мамлакатда ўз империясини ташкил этади ва буддавийлик динига эътиқод қилувчи халқ ҳурматига сазовор бўлади, хиндуийлик фалсафасидан мустаҳкам ўрин олиб катта обрўга эга бўлади. Ҳақиқатда азал-азалдан она Ватанимизда Амир Темур, Навоий, Бобурлар юртида Ислом, насронийлар, буддавийлик каби жаҳон динлари ёнма-ён, тотувлик, муросаю-мадорада яшаб келган. Асрлар оша мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида масжидлар, черковлар, синагоклик-даргоҳлари мавжуд бўлиб турли миллат ва динларга мансуб қавмларнинг ўз диний эътиқодлари ва амалларини эркин, ҳеч қандай қисув ва тўсиқларсиз адо этиб келаётганлигига тарих гувоҳдир.

### **АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИДА ЛАНДШАФТЛИК, ОРАСТАЛИК МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА.**

Буюк Сохибқирон нафақат йирик давлат арбоби, марказлашган йирик Турон давлати ва миллий ўзбек давлатчилигининг асосчиси, машҳур харбий саркарда, илму-фан, маданият ҳомийси, балки орасталик, гўзаллик, ландшафт-маданиятининг ҳам такрорланмас ижодкори-раҳнамосидир. Амир Темурнинг асосий мақсади Марказий Осиё ҳалкларини нафақат чингизийлар зулмидан озод этиш, мустақилликни қўлга киритиш, қудратли давлатни ташкил этиш, халқни бирлаштириш билан чекланиб қолмасдан хорижий босқинчилар зулми ва ваҳшиёна сиёсати оқибатида вайрон бўлган ва харобага айланган шаҳарлар, қишлоқлар, меъморий-тарихий обидалар, йўл-у, қўприклар, маънавий-маданий маконлар, масҷиту-мадрасаларни қайта тиклашдан иборат эди.

Амир Темур шу мақсадда бутун Моварауннахни ягона хашаматли мамлакатга, орасталик, гўзаллик ила зеби-зийнатли гўшалардан иборат Марказий Осиёнинг маънавий кўркам мамлакатига, ҳозирги илму-фанда ландшафтлик деб аталувчи географик тушунчага эмас, балки ландшафтлик маданиятига эга бўлган табиий ораста-гўзал юртга, зебу-зийнатли мамлакатга айлантиришга киришади. Амир Темур ўз «Тузуклари»да: Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб, салтанатим мартабасига зебу-зийнат бердим», «...Хамиша мамлакат тўкинчилиги ва

ободончилиги учун харакат қилдим...», «Мухандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғи бустонларнинг лойиха-тархини чиздирдим», - деб асосий истак-ниятлари ва мақсадларини амалга ошириб йирик ўзбек миллий давлатчилигини ташкил этибина қолмасдан, балки уни шарқона ораста, гўзал услубда безашга ҳам муваффақ бўлади. «Зафарнома» муаллифи Шарофиддин Али Яздийнинг хабар беришича Озарбайжонда, Бойлакон шахрини Амир Темур янгидан бино этади ва бу шаҳарда ушбу муносабат билан ўтказилган кенгашда: «Агар олдин бизнинг диққат эътиборимизни ҳарбий юришлар тортган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиласан», - деб илму-фан ахлига ва арбобу-хешларга мурожаат қиласи. Шу мақсадда бутун мамлакатни ораста, кўркам қилишга бутун куч қудратини сафарбар этишга қарор қиласи. «Зафарнома» нинг яна бир муаллифи Низомиддин Шомий эса ана шу олиму-уламолар кенгашдаги Амир Темур сўзини келтириб, унда Турон мамлакатида машҳур мавзеъларни иморат (ораста) қилганимиздек, Эрон мамлакатида ҳам биз ҳазратдан ёдгорлик қолгай деб, иморатлар, шаҳарлар, бинолар, кўприклар қуриб, каналлар қоздириб, ораста, гўзал ёдгорликлар қолдирганлиги ҳақида ёзади.

Амир Темур ўтказган машваратларида мамлакат ободончилиги, орасталиги ҳақида мутасадди кишилар ҳисботини эшишиб, ўз фикр мулоҳазаларини бериб турган. Қурилаётган жамоа бинолари, шаҳару-сарҳадлар, кўпригу-йўллар, каналларни ва бошқа қурилишларни бориб ўзи кўрган. Уларнинг ораста, шарқона услубга мувофиқлигини текшириб, қимматли фикр-мулоҳазаларини берган, ўзига ёқмаганларини эса бошқатдан қурдирган. Бу ҳақда Кастилия (Испания) элчisi Рюи Гонзалес де Клавихонинг Самарқандга 1403-1406 йилларда қилган саёҳати ҳақидаги қундалигида ажойиб ҳикоя ва қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, унинг мазмуни қўйидагича. Унинг ёзишича Самарқанд шаҳри Амир Темургача хароба холида бўлган. Унинг даврида бу шаҳар шарқона безатилади, кўркамлашади, гўзаллашади. «Бу ишни подшоҳ ўзининг икки мирассига (Мирзосига) топширди. Подшоҳ кўрсатиб берган ердан кўча-растада қуришга киришилди. Раста ўтадиган ерларда учрайдиган уй-жойлар, улар кимники эканлигидан қатъий назар бузила бошланди. Бир гурӯх кишилар бузиш ишлари, бошқа гурӯх одамлар келиб қурилишни тезлатиб юбордилар. Кўчани жуда кенг (ораста) қилиб олдилар. Кўчанинг ҳар ер, ҳар ерида ҳовузлар ковланган бўлиб уларга сувлар тўлдирилиб қўйилганди ва узлуксиз янгиланаарди. Бу ишга қўлида хунари бор ишбилармонлар танланар эди. Кундуз куни ишлаганлар кетиши ҳамона кечаси ишловчилар келардилар. Улар кечаю-кундуз шавқин-сурон билан ишлар эдилар. Натижада кишини ҳайратга соладиган ишлар қилинди, Самарқанд гўзал, ораста шаҳарга айланмоқда,— деб ёзиб

қолдирган Клавихо. Албатта Испания элчиси Клавихо бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, ҳаммаси ҳақиқий гувоҳ бўлган, бўрттириб кўрсатишдан холи бўлган хорижлик кишидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Самарқанд ҳақиқатда э.о. VI-V асрларда мавжуд Зарафшон водийсининг кўркам, гўзал ва ораста шахри бўлган. Хатто Александр Македонский-Зулқарнай э.о. 329 йилда Самарқандни босиб олиб унинг орасталиги ва мустаҳкам эканлигига қойил қолган. Бу шаҳарнинг даҳшатли вайроналиги араб ва чингизий босқинчлари даврида юз берган. Улар қадимий Самарқанд-Афросиёбни томоман харобага айлантирган. Хатто чингизий амалдори Амир Темур ҳукмронлигига қадар нафақат Самарқандда, балки бутун Моварауннахрда кўзга ташланарли биронта жамоат бинолари қурмаганлар.

Амир Темур даврида Самарқанднинг қиёфаси тамоман ўзгартирилиб юборилади. Самарқанддаги ҳамма қурилишларга Соҳибқироннинг яқин сафдоши ва қобилиятли саркарда Оқ Буқо (Оқ Буғо ҳам дейилади) бошчилик қиласди. 1371 йилдаёқ Шарқда энг гўзал, ораста олтида Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза номли дарвозалар қурилади ва улар мустаҳкам қалъя девори билан ўраб олинади. Шу йили Самарқандда энг гўзал бино ҳисобланган давлат Маҳкамаси-Арки Олий қурилади. Унинг ичида Амир Темурнинг қароргоҳи, тўрт қаватли Кўк Сарой ва Бўстонсаройлар қурилиб, улар орасталикда табиат билан жилья талашган кошинкор, нақшинкор ва гулдорпарчинлар билан безатилган эди. Осмон ўпар, бағоят гўзал минбару-миноралар, ғаройиб устунлар, чиройли ва ораста, пешгоҳли гумбазларга эга бўлган шаҳар Жомеъ масжиди, Гўрамир мажмуаси ва Сароймулхоним мадрасалари, машҳур шайх Бурхониддин Соғаржий хилхонаси, Рухобод мақбараси, Шохизинда мажмуасидаги мақбараалар таъмирланди. Ораста, кўркам бу бинолар ва унинг атрофлари, кўчалари хориждан келган меҳмонларни ўз гўзаллиги, кўркамлиги, тоза ва озодалиги, орасталиги билан ром этиб, ҳайратда қолдирган. Шаҳар ахли эса ана шу орасталикни кўз қорачиғидай эъзозлаган.

Амир Темур даврида нафақат кўркам ва муҳташам бинолар қурилишига балки хунармандчиликни ривожланти-ришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хунармандчилик соҳасида бинокорликдан ташқари тўқимачилик, қоғоз бўёқ ишлаб чиқариш, кулолчилик, заргарлик, чelanганлик (метал буюмлар ясаш), темирчилик, ранг-буёқ ишлаб чиқариш, кенг ривожланган. Бу даврда шаҳар, қишлоқ аҳолиси, дашт-саҳрова яшовчи аҳоли (кўпроқ кўчманчи) чорвачилик ва дехқончилик турлари билан шуғулланган. Товар алмашиш мақсадида кўркам, тоза, озода, савдо-сотиқ бозорлари қурилган харидорлар ва сотувчилар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлган. Бозор муносабатларини кўрган хорижлик меҳмонлар уларга ҳавас билан қарашган. Нарҳ-наво, тош-тарозида ҳиёнат бўлмаган. Самарқанд бозоридаги бу тўғрилик ва орасталик қўшни

шашарлар, қишлоқлар ҳатто ҳорижий мамлакатларга ҳам ижобий таъсир этган.

Шу билан бирга Моварауннахр ва Хуресон шашарларида Соҳибқирон ва ундан кейин темурийлар даврида янгича усул, Шарқона нафосат, руҳий орасталик тафаккури вужудга келиб, бу орасталик рассомлик, наққошлиқ, майший буюмларда, тенги йўқ ҳашаматли, салоҳиятли ранг-баранг безакли биноларда ўз аксини топади.

Амир Темур нафақат Самарқандни, балки бутун Моварауннахр, Хуресонни, темурийлар давлати тасарруфида бўлган, кейинчалик мамлакатга қўшиб олинган ҳамма худудларни режа асосида ораста, кўркам, хушманзара масканларга айлантиради. Зарафшон, Сирдарё, Амударёларда кўприклар қуради. Самарқанд, Тошкент атрофларида Сирдарёдан Оҳангаронгача бўлган худудни хўшманзара жойга айлантиради, каналлар қоздириб сув чиқаради. Бухоро, Фаргона, Шахрисабз, Туркистон ва бошқа шашарларда карвон саройлар, чўлларда сардобалар, шашарларда ҳамномлар, мадрасалар қуриш ишлари ҳам кенг кўламда олиб берилади. Жумладан, унинг амри фармони билан Хуресон ва Озарбайжонда, Кавказу-Эронда, ҳозирги Туркманистон, Афғонистон ва бошқа худудларда қанчадан-қанча шашарлар, қалъалар қайта тикланди, кўприклар қурилади, каналлар қозилади. Мўғуллар хужуми оқибатида вайрон бўлган Банокат шаҳри Шоҳрухият номи билан 1392 йилда қайта қурилади. Амир Темурнинг фармони билан Хуресон бўйсундирилгач, 1381 йили Мурғоб дарёсидан чиқарилган каналллар орқали Марв воҳаси обод бўлади. Кавказда 1403 йилда Байлакон шаҳри қад кўтаради, шашар мавзеида, яъни Байлакон воҳасига Аракс дарёсидан узунлиги 70 км.гача чўзилган, эни 10 метрли, чуқурли ги 4 метрга тенг Барлос номли канал қозиб, сув чиқаради. Шу тариқа бу мавзе гўзал, ораста водийга айланади.

Соҳибқирон фармони билан таниқли саркардалар, давлат маъмурияти раҳбарларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида режа асосида атрофлари гўзал, ораста, боту-чорбоклар, гулзору-майсалар билан безатилган каналлар қоздириб сув чиқаришга, чулу-саҳроларни обод, ораста воҳага айлантиришга бошчилик қилган. Бу хабарлар тарихий ҳақиқат бўлиб Амир Темур бутун мамлакатни географик жиҳатдан тамоман ўзgartирилган, ободонлаштирилган, обод, ораста юртга айлантириш учун нафақат ўзини, бутун давлат арбобларини, саркардаларни, таниқли амирларни, маъмурий раҳбарларни, балки бутун ахли-жамоани жалб қилади. Шарофиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишича бу ишлар доимо ва узлуксиз Қаршида, Қорабоғда (Озарбайжон), Самарқандда режали ўтказилган Қурултойларда муҳокама қилиниб борилган. Мамлакатни ораста, кўркам, гўзал масканларга, обод, осойишта маҳаллаларга айлантириш ишларини давлат сиёсати ва фаолияти даражасига кўтарган.

Шубҳасизки, Соҳибқирон бошлаб берган бундай бунёдкорлик ишлари анъанага айланади ва кейинги даврларда Амир Темур ворислари, нуфузли давлат арбоблари, амирлар томонидан давом эттирилади.

Хозирги кунда ҳурматли Президентимиз томонидан эълон қилинган “Обод маҳалла” йилида юртимизни ораста, гўзал, кўркам юртга айлантириш ишлари бутун мамлакатимиз бўйича бошлаб юборилди. Айниқса ободонлаштириш ишлари Самарқанд вилоятининг туманларида, жонажон муқаддас шаҳримизда ҳам юксак кўтаринкилик билан олиб борилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам тарихий бинолар шарқона орасталик билан таъмирланмоқда, янги кўркам бинолар қад кўтарммоқда, бульвар-парклар, гузару-гўшалар, маҳаллаю-жамоат жойлари, оромгоҳ-лар, кўллар, ариқу-каналлар таъмирланмоқда, янгилари қурилмоқда. Кўчалар, маҳаллалар, гўзарлар атрофлари тозаланиб, гуллар, майсалар, ниҳоллар экилмоқда, турли рангдаги фавворалар қурилмоқда. Бу салоҳиятли, фазилатли ишларда нафақат ўқитувчию-талабалар, раҳбар-ходимлар, балки Ватан ишқида ёнган ғурурли, ифтихорли, ўз шаҳрига жон фидо қилишга тайёр ҳар бир фуқаро иштирок этмоқда. Ҳар бир фуқаро ҳеч бўлмаса биттадан ниҳол, гул экиши, ўз уйи, ҳовлиси, кўчаси, гўзари, бозори, савдо масканларини, маҳалласини тоза, кўркам, озода сақлашни ўз вазифаси деб билиши зарур. Бу эса юрт, Ватан олдидаги ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ва масъулиятидир. Шундагина ҳаммамиздан шаҳримиздан ўтган улуғ зотлар, авлиё-ю-пирларимизнинг руҳлари кўллаб-қувватлайди, уларнинг руҳлари шод бўлади, ишимизга омад беради, оиласизга қутъу-барака ато этади.

Шундагина улуғ Соҳибқироннинг Ватан муқаддаслигини эъзозлаб, орасталик, кўркамлик, гўзалликни сақлашдек орзу-умидларни амалга оширишдек мақсадларига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

## АМИР ТЕМУР БАРПО ЭТГАН БОҒЛАР.

Амир Темур Самарқанд атрофида бунёд эттирган боғлар саноғи турли манбаларда турлича: бир ўринда 7та, бошқа жойда 12-та, деб келтирилади. Мутахассислар кейинчалик аниқлашларича, уларнинг сони 14 та бўлиб, кўйидагича аталган ва қўриниш касб этган:

1. БОҒИ ШАМОЛ. Бу боғ 1397 йили бино қилинган. Шарафуддин Али Яздийнинг қайд этишича, бу манзил илгаридан сўлим бир жой экан. Яздий ёзади: «Ҳазрати Соҳибқирон обод Самарқанднинг шимолий томонидан барпо этгани «Боғи Шамол» номи билан машҳур боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сиғгудек ўлкан саропарда (шоҳона чодир) қурдирди.

Унинг дарвозаси олдидаги чодир ҳамда подшоҳ қабулхонаси (бороҳгоҳ), базмлар учун тикилган катта ва кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюларди. Бу Эрам боғи янглиғ ором масканини

жаннатнинг базм саройи хасад қиласиган даражада ораста, салобатли қилиб безатдилар. Бир кескир фармон содир бўлдики, ул фирмавсмонанд боғда амирзода Мироншоҳнинг қизи, олий иффат сохиби Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд қаср ва гўзал бир ишратгоҳ қурсинлар. Форс ўлкасининг барча вилоятлари. Ироқ, Озарбайжон, Дорус-салом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан жамъ бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъморлар қасрнинг тарихини ўткир фаросат қалами билан маҳорат лавҳасига чиздилар. Уни Ҳазрати Соҳибқирон маъқуллагач, ёрқин раъйли мунажжимлар қаср қурилишини бошлаш учун муносиб вақтни белгилашда хушёрлик ва эҳтиёткорликнинг барча шартларига риоя қилган холда, қувончли бир соатда, баҳтли бир толеъда қаср қурилишини бошладилар.

Қасрнинг тўрт рукнини амирлар ўртасида тақсимлаб, ҳар бир ишбоши ихтиёрига бир мамлакатдан келтирилган усталар, бир диёрдан келтирилган хунармандларни тайин қилдилар... Мустаҳкам рукнларини бағоят маҳкам ва пухта қилиб кўтардилар. Ҳар бир рукнга Табриздан келтирилган мармар тошдан ишланган биттадан устун ўрнатдилар. Деворлари сатҳини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва ҳайратомуз даражада гўзал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва ЧИН нигорхонасини уяту хижолат ғубори қоплади. Қасрнинг саҳнига мармар тошлардан ва Қўҳи Нур (Нурота) дан келтирилган тошлардан чиройли қилиб ётқиздилар... Ташки деворнинг ич тарафидаги изорасини-кошин билан безадилар\*.

Бу сарой ҳақида машҳур мажор олими Ҳерман Вамбери «Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи» асарида шундай ёзади: «Бу сарой тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим, минг қадам. Унинг мармар гуллари ажойиб, ҳайратли эди. Замини қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошинли эди...»\*

Бошқа манбаларда боғ шаҳарнинг «Девори қиёмат» деб аталган қадимий девори чегарасида, Дамашқ (Димишқ) қишлоғи яқинида бўлган, деб кўрсатилади. Ўша ерда боғ номи билан аталган ариқ оқиб ўтган.

2. БОҒИ БИҲИШТ. Самарқанднинг ғарбий тарафида малика Туман оғо шарафига 1378 йилда бино қилинган. Бу боғи Шамолнинг жануби-ғарбига жойлашган. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, боғдаги сарой атрофини

---

\*Каранг. Шарофиддин Али Яздий «Зарафшоннома», Т., 1994, 224-227 бетлар.

\*Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи, Т., 1990, 54 бет.

сув билан тўлдирилган чуқур хандак ўраган бўлиб, бир неча кўприк сарой билан боғни ўзаро боғлаб турган. Ғоят кўркам сарой оқ мармардан тикланган.

Боғи Биҳиштнинг бир томонида қўриқхона бўлиб, ундаги жониворлар қафасларда эмас, атрофи ўралган майдончаларда эркин ҳолда сақланган. Шунинг учун бир қатор тадқиқотчилар Амир Темурни илк қўриқхона асосчиси деб ҳисоблайдилар.

Боғ манзили ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Агар «Самария» муаллифи уни Самарқанд шарқида жойлашган деб ёзса, Бобур Мирзо «шаҳарнинг қўйи ёнида Боғи Шамол ва Боғи Биҳиштдур», деб қайд этади. Бу ўринда Бобур Мирзо гувоҳлиги ҳақиқатга яқинроқ, тўғрироқ бўлса керак.

3. **БОҒИ БАЛАНД.** У шаҳарнинг шимолидаги Чўпонота тепалиги ёнбағрида барпо этилган. Боғ Амир Темурнинг энг гўзал оромгоҳларидан бўлиб, уни яратишда Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардан келтирилган уста меъморлар қатнашганлар.

Боғдаги Табриз мармари билан тикланган сарой биноси учта хонадан иборат бўлиб, унда қимматбаҳо буюмлар, нодир санъат асарлари сақланган. Бу боғ Соҳибқироннинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг қизи Оқабегимга атаб қурдирилган. Самарқанд шимолидаги баландликда барпо этилгани сабабли Боғи баланд номини олган. Ҳозиргача ҳам ушбу ном билан аталган бу манзил ўзининг тўкин анжирзорлари билан машхур.

4. **БОҒИ ДИЛКУШО.** Самарқанд шарқидаги боғ. Шаҳардан тахминан олти километр масофада, Панжакент йўлининг ўнг томонида бўлган. Шаруфиддин Али Яздийнинг ёзишича, Боғи Дилкушони бино қилиш давомида олдиндан мавжуд бўлган ўн иккита боғ бирлаштирилиб мукаммалаштирилган. Боғ қурилиши 1396 йилда бошланган. Боғда гумбаз шаклида тикланган қаср бўлиб, унинг уч томонидан миноралар юксалиб турган. 1398 йил баҳорида – Ҳинд юриши арафасида шу янги боғда Амир Темур мислсиз тантаналар ўтказиб, Амир Ҳизрхўжанинг қизи Тўқолхонимга уйланган ва боғдаги қасрни ёш маликага атаган.

Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилган безавол иқбол, унинг исми жисмига монанд бўлгани учун «Боғи Дилкушо» дея атади»\*.

---

\*Шарафиддин Али Яздий «Зарафшоннома», Т., 1994.

Боғи Дилкушо тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг тазга баробар келган. Тўрт томондаги токи рангли кошинлару нақши-нигорлар билан зийнатланган дарвозалари бўлган. Шаҳарга қараган дарвоза тоқида «Дарвозаи Феруза» деб ҳал билан ёзилган. Бобур Мирзо ёзишича, «Андин (боғдан) Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари ёқтирибтирилган».

Боғнинг тўрт бурчагида баланд миноралар қад кўтарган, Саҳни хандаси услубида безалган бўлиб, йўлаклар ва олтибурчагу учбурчак шаклидаги чаманзорлар атрофида турли-туман мевали дарахтлар, гулбуталар яшнаган. Боғ ўртасида юксак гўмбазли қаср тикланиб, унинг

уч пештоқи ва уч минораси бўлган. Оқ мармардан тикланган бу сарой деворлари ой нурида товланиб турган. Узокдан ҳам саройнинг кенг, катта осмон ва юлдузлар акс этган кошинлар билан безатилган пештоқи яққол кўринган. Муаррихлар Рум урушидан қайтган Соҳибқирон узок муддат бу боғда тўхтаб, суюкли набираси Мирзо Улуғбек билан сухбатлар қурганини ёзадилар. Пештоқларда осмону юлдузларнинг акс эттирилиши нафақат Амир Темурнинг илми фалақиётга қизиққани, шунингдек набирасининг кўнгил ҳавасидан хабардорлигига ишорадир.

Қаср деворларида Амир Темурнинг 1399 йилда Ҳиндистонга юриши воқеалари рангин тасвирланган. «Бобурнома»да «кўшкга Темурбекнинг Ҳиндистон уруши тасвир қилибтурлар», дейилиши мазкур ҳолатни яна бир карра тасдиқлайди.

Амир Темур 1401 йилнинг 8 сентябрида Кастилия қироли элчиси Руи Де Клавихони Боги Дилкушода қабул қилган. Клавихо боғдаги фавворадан отилиб турган сувнинг тепадаги олтиндан ясалган олмаларга урилиб сочилишини кўриб, бу гўзал манзарадан бекиёс ҳайратга тушганини ёzádi. Кейинчалик боғ ўрни Хончорбоғ деб аталган.

5. **БОГИ ЧИНОР.** Самарқанд жанубида Дарғом ариғи ёқасида бино этилган. У ерда чинорлар ҳаддан зиёд кўп бўлгани сабабли «Боги Чинор» деб аталган.

Шарафиддин али Яздий уни Кеш шахридан келишда яқин биринчи боғdir, деб хабар беради. Бошқа маълумотлар ҳам Али Яздийнинг сўзини тасдиқлайди. Масалан, Бобур Мирзо

---

\*Захириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Т., 1989, 44-бет.

ёзадиким: «Яна Самарқанднинг жанубида Боги Чинордур, қалъага ёвуктур»\*. Клавихо ўз асарида «Боги Чинор янги қурилган катта ҳашаматли сарой жойлашган боғ эди»\*, -деб қайд этади. Боғ 1400 йилдан кейин тикланган бўлиши эҳтимоли бор.

Тарихдан маълумки, кейинчалик Моварауннахр ҳокими бўлган Мирзо Улуғбек даврида ҳам бу боғ обод бўлган. Абдураззок Самарқандийнинг ёзишича, 1420 йилнинг баҳорида Мирзо Улуғбек пойтахт Хиротдан келган онаси Гавҳаршод Бегим шарафига Боги Чинорда «подшоҳона тўй ва хусравона зиёфат берган.

6. **БОГИ ЗОФОН.** Самарқанднинг шарқий томонида, шаҳардан таҳминан 20 километр масофада Кўчан Хиёбон, яъни Самарқанднинг Хиёбон мавзесига олиб борадиган йўл устида – «Самария» муаллифи ёзганидек, «Шовдор туманининг шимол томонида» бўлган. Бу боғ ўрнида бугун Богизағон қишлоғи мавжуд.

7. **БОГИ НАВ** Самарқанд жанубидаги Лолазор қишлоғи яқинида 1404 йили барпо этилган. Боғ Амир Темурнинг барча оромгоҳлари каби

тўртбурчак шаклида бўлиб, баланд девор билан ўралган. Бофнинг ҳар бурчагида миноралар тикланган, ўртасида гумбазнамо қаср қурилган, унинг олдида катта ҳовуз ҳам бўлган. Қаср хоналари қимматбаҳо буюмлар билан безатилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Бofi Нав билан Бofi Дилкушо ҳар томони бир ярим минг газ, яъни томонлари мингга минг метрлик кўринишда бўлган. Клавихо ўз саёхатномасида Бofi Нав ҳақида дейди: «Бу бино биз аввал кўрган биноларга қараганда анча катта бўлиб, олтин ва ложувард билан зийнатланган. Бу боғ ва саройлар шаҳардан ташқарида бўлиб, мазкур боғ Бofi Нав деб аталади».

8. БОҒИ ЖАҲОННАМО. Бу боғ Самарқанд жанубидаги Тахти Қорача давонига яқин, шаҳардан 24-25 чақирим узоқдаги Қоратепа қишлоғида бино қилинган. Бофнинг ёнида катта қалъа ҳам бўлган. Боғ ва қалъа Амир Темурнинг ҳарбий юришлари арафасида ва жангдан қайтишида ҳордик оладиган маскани ҳисобланган. Айrim тадқиқотчиларнинг ёзишича,

---

\*Захириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Т., 1989, 44-бет.

\*Қаранг Руи Гонсалес де Клавихо. “Дневник путешествия в Самарканد ко двору Темура (1403-1406)

Соҳибқирон барпо қилган боғлардан ёлғиз Бofi Жаҳоннамогина янгидан яратилгандир. Қолганлари эса асосан мавжуд боғлар ўрнида таъмир ва кенгайтириш йўсинида бунёд этилган. Боғдаги сарой 1398 йилнинг баҳорида қурилган, деб маълумот беради Али Яздий. Муаррихларнинг гувоҳлигига кўра, боғ шу қадар улкан эканки, у ерда бир от йўқолиб қолиб олти ойдан кейин топилиби.

9. БУЛБОҒ. Самарқанднинг жанубий томонида, Тахти Қорача давони яқинидаги боғ. Оромгоҳ ўртасида қаср жойлашган ва унинг ёнидан тоғдан тушган жилға оққан. Шарафиддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, боғ 1388 йилда барпо қилинган. Муаррих ёзади: «Ҳазрати Соҳибқирон бир неча кундан сўнг (Самарқанддан кўтарилиб), Азимат жиловини Кеш томон жўнатди. Бу йўлда бир боғ борки, ундан Самарқандгача қарийб етти фарсах келади. Унинг бошланишида бир анҳор оқади. Дарёдек сахий ва осмондек шавкатли подшоҳона тагриф шуъласи у тоққа тушди. Оламни тартибга келтириб равнақ бериш борасида ҳимматининг зўрлиги туфайли иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишинираво қурқмайдиган, мамлакатларга оро берувчи раъй бу мавзеда бир боққа асос солишга фармон берди, токи бу чучук сувли анҳор у жаннат бўстонида «Унинг тагида анҳор жорийдир» деган оят калимани эслатиб турсин. Боғ ўртасида воқеъ бўлган кўхнора устида эса бир қаср қуришни буюрди. Бажарилиши вожиб бўлган бу фармон ижро этилиб, қаср қурилиб битгач, унга «Тахти Қорача» деб ном берилди».

Хозир шу боғ ўрнида Гулбоғ қишлоғи мавжуд.

**10. БОГИ БҮЛДУ.** Самарқанд шарқидаги маскан. Бобур Мирзо ёзадики: («Темурбек») Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йирокроғи, Боғу Бўлдуудур, ёвуқроғи (яқинроғи) «Боғи Дилкушо»дир». В.Вяткин қадимий Самарқанд топографиясига оид мақоласида Боғи Бўлдуни Боғи Дилкушога яқин ердаги Кўрғонча қишлоғида бўлган, деб маълумот беради.

Афсоналарнинг бирида айтилишича, Боғи Бўлду дарвозалари пештоқига ўрнатилган мармартош кечаси ўзидан ёғду таратиб, атрофни ёритиб турар экан. Халқ тўқиган бу афсонада жон бор. Чунки сарой дарвозаси пештоқидаги зарҳал нақшлар ой нурида шуълаланиб турган.

**11. БОГИ НАҚШИ ЖАҲОН.** Чўпонота тепалигининг жанубий этакларида бунёд этилган. Айрим тадқиқотчилар Боғи Нақши Жаҳон Амир Темур қурдирган дастлабки боғларнинг бири, деб ҳисоблайдилар. «Нақши Жаҳон» сўзи «дунё безаги» маъносини билдиради. Мирзо Бобур ёзади: «(Темурбек) яна Пуштаи Кўҳак домонасида, Конигилнинг қора суйининг устидаким, бу сўйни Оби Раҳмат дерлар, бир боғ бузулиб эрди».

**12. БОГИ ДАВЛАТОБОД.** Самарқанд жанубида, Термиз йўлининг ёқасида, Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида барпо этилган боғ. Темурийлар даврига оид вақф хужжатларига кўра, боғ Дарғом ариғи яқинида бўлган. Ҳарбий юришлардан қайтган Жаҳонгир шу боғда тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган. Шарафиддин Али Яздий Амир Темур 1399 йили Ҳиндистон юришидан қайтаётib, Боғи Жаҳоннамода ором олгандан сўнг, Давлатобод боғидан ўтиб Боғи Дилкушога келганини ҳикоя қилади. Ў.Алимовнинг ёзишича, боғдаги сарой баланд тепалик устида қурилган бўлиб, шимол тарафидан Дарғом ариғи ҳамда Самарқанднинг гўзал манзаралари, жануб тарафидан эса Қоратепа тоғлари кўриниб турган. Шарқ тарафидан қишлоқлар, ғарб томонидан эса бепоён далалар ўраб турган. Клавихо эса боғни шундай таърифлайди: «атрофи пахса девор билан ўралган бўлиб, девор айланаси тўла бирлигича келар эди. Боғда пўртаҳол (апельсин) ва лиму (лимон) дан тортиб ҳар хил мевали дарахтлар бор эди. Боғда олтита ҳовуз бўлишига қарамай, боғни кесиб ўтган анҳор оқиб туради. Ҳовузларнинг биридан иккинчисига баланд ва катта сояли дарахтлардан бамисоли йўл солинган. Бу яшил йўллар ўртасида баландликка томон кўтарилган худди шундай сўқмоқлар бутун боғ бўйлаб ўтган. Бу йўлдан яна қиялаб бошқа йўллар ўтказилган. Ундан яна бошқалари тармоқланиб кетган хуллас бу йўлардан юриб, бутун боғни томоша қилиш мумкин эди. Боғда атрофи ёғоч устунлар билан ўралган усти текис тепалик. Тепалик устида ажойиб сарой қад кўтарган. Сарой олтин, ложувард ва ялтироқ кошинлар билан тўқис зийнатланган, мазкур тепалик сувга тула хандак билан ўралган. Хандакга доимий равишда катта сув оқими тушиб туради. Тепалик устидаги саройнинг икки қарама-қарши томонидан унга кириладиган иккита кўприк қурилган. Ҳар бир кўприкнинг олдида дарвоза бор, ундан кейин тепалик

устига кўтариладиган зинапоя. Хуллас, мазкур сарой мустаҳкам қўргон эди. Боғда шох (Темур) топшириғи билан эркин қўйилган кийиклар ва тустовуқлар, товуслар ҳам мавжуд. Боғдаги катта узумзорга чиқадиган дарвоза бор. Боғ каби катта ва кенг узумзор атрофидаги тепалик бўйлаб ўстирилган баланд дараҳтлар жуда чиройли кўринади. Мазкур боғ ва сарой Давлатобод деб аталади».

13. БОҒЧА. Самарқанд шаҳрининг ичида, амирзода Муҳаммад Султон мадрасаси ва даҳмаси (бу ер Гўримир деб аталади) ёнида барпо этилган кичик боғ. Шарафиддин Али Яздий ёзади: «Оlamни забт этувчи Соҳибқирон Жаҳоннамо қасридан саодат билан отга миниб, 807 йил мухаррам ойида (1404 йил июлида) Самарқанддаги Боғи Чинорга келиб қўнди, у ердан шаҳар ичига кирди ва (марҳум) баҳтли шаҳзода Муҳаммад Султон мадрасасини келиб қўриб, (кабрни) зиёрат қилди. Бу ерда фармон чиқдики, шаҳзоданинг нурли қабри учун унинг ҳиммат меъмори томонидан қурилган мадрасага улаб бир гумбаз кўтарсинглар. Фармонга мувофиқ хонакоҳ майдонининг олд томонидан мадрасанинг жанубий сүффасига улаб фалак янглиғ бир қубба бунёд этдилар, унинг изорасини тилло ва ложувард билан нақшланган мармар тошлардан ишладилар ҳамда мағфиратга чўмилгур мурдани қўйиш учун бир саддоба ковладилар. Сўнгра ҳатми куръон қилиб, ожизу эҳтиёжманларга садақалар улашиб, барча расм-русумларга риоя қилган ҳолда марҳум шаҳзода жасадини хонакоҳнинг гумбази остида шу саддобага кўчирдилар. Мадраса атрофидаги бўлган бир неча уйни бузиб, жаннат мисол бир боғча яратдилар...

14.БОГИ МАЙДОН. Самарқанд шимолида, Афросиёб билан Чўпонота тепаликлари оралиғида барпо этилган боғ. Бобур Мирзо Улуғбек барпо этган деб ёзса-да, бошқа қатор асарлар боғ Амир Темурдан қолганини ва Соҳибқирон набираси уни таъмирлатгани, қўшк согани ҳақида ёздилар. «Бобурнома»дан «Яна пуштайи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғ солибтур. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсугун дерлар, шу ошёна (икки қаватли), устунлари тамом тошдан. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт минорадек буржлар кўтариб турибдиларким, юқорида чиқар йўллар бу тўрт буржуңдур. Ўзга тамом ерларда тошдан устунлардур. Баъзини морпеч-хиёра қилибтурлар». Боғда чиройли айвон қурилиб, унда қимматбаҳо тошдан таҳт ясалган. Бу жойни Мирзо Улуғбек тиклаган сарой номи билан «Чилустун» деб ҳам атаганлар.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Темур Курагон даврида фақат кенг Самарқанд шаҳарлари ёки Мовароуннахрнинг азалий худудида эмас, балки мамлакатга кейин қўшиб олинган амирликларда, масалан, унинг амри фармони билан Хурросон ва Озарбайжонда бир қанча шаҳарлар ва қалъалар қайта тикланди. Жумладан, мўғуллар босқини оқибатида тамом вайрон бўлган Сирдарё соҳилидаги қадимги Банокат 1392 йилда қайта қурилади ва теварак-атроф аҳолиси кўчирилиб, унга жойлаштирилади. Дарё бўйида қайта қад кўтарган бу янги шаҳар-қалъа Соҳибқироннинг

кенжә ўғли номи билан Шохрухия деб аталади. Қалъанинг майдони, - дейилади қомусимизда, - 100 гектардан ортиқроқ бўлиб, икки қатор тухумсимон буржли, яхлит пойдеворли девор билан ўралган. Шаҳар XIV-XVII асрларда машхур савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Бу ерда кулолчилик, шишасозлик, қайиқсозлик ва бошқа устахоналар очилган».

Темур бор қўшини билан 1401 йилда Кавказни эгаллагач, орадан икки йил ўтиб, бу ерда янги Байлакон шаҳри қад кўтарди. Шаҳар ичида сарой, майдон чорсу бозор ва дўконлар ҳамда ҳаммомлар, кўпдан-кўп турар жойлар ва чаманзорлар барпо этилади. Атроф баланд ва қалин девор, чуқур ва кенг ҳандак билан ўраб олинади. Тўрт бурчагида минорлар қад кўтарган бу қалъа деворининг айланами Самарқанднинг шаръий 2400 газига, баландлиги 15, қалинлиги 11, девор ташқарисидан қазилган ҳандакнинг кенглиги 14 ва чуқурлиги 20 газга teng эди. Девор бўйлаб шаҳар ичкарисида қалъа соқчилари ва дарвозабонлар учун уйжойлар, кўрғонга олиб чиқадиган кўтарама йўл ва қамал вақтида тошлар ирғитиш учун маҳсус майдончалар барпо этилади. Шаҳар қурилиб битказилгач, амир Баҳромшоҳ Ислом унинг ҳокими ва қалъа қутволи этиб тайинланади.

Шубҳасиз, Темур бошлаб берган бунёдкорлик анъанага айланиб, бундай ишлар ворислари томонидан давом эттирилади. Темурий шаҳзодалардан тортиб нуфузли амирлару вазирлар, вилоят ва улус ҳокимлари ўз шахсий мулк ва маблағларининг каттагина қисмини марказий шаҳар ва уларнинг теварак-атрофида шоҳона кўшку саройлар қуришдан ташқари, ҳайрия ишларига-масжиду мадрасалар, хонакоҳу шифохона-лар, ҳаммому бозор расталари, работу карвонсаройлар, сув иншоотларию боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этишга сарф қиладилар. Айниқса улар эътиқод, илм ва маърифат масканлари-масжидлар ва мадрасалар, шифохона ва хонакоҳларнинг сарфу харажати учун каттакатта экин ерлари, тегирмон, обжувоз, мойжувоз ва дўконлар каби кўзғалмас мулкларни вакф қилиб, мударрис олимлару толиби илмлар, зоҳидлар ва обид машойихларга маошлар белгилайдилар.

Темур фақат ватани Моварауннахрдагина эмас, балки Хурросон, Эрон, Кавказ ва бошқа вилоятларда ҳам бир қанча йирик ирригация ишларини амалга ошириди. Соҳибқирон Фармони билан Мурғоб воҳасида қаздирилган қатор суғориш каналлари, Қобул яқинидаги Жўйинан даҳасининг Бодон анҳори ёки Кавказнинг «Бойлакон» мавзесидаги Барлос ариқлари шулар жумласидандир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1381 йилда Хурросон фатҳ этилгач, Темур Мурғоб дарёсидан каналлар қазиб чиқариб, Марв воҳасини обод қилиш тўғрисида фармон беради. Саркардалар ва давлат маъмурларининг ҳар бири алоҳида алоҳида канал қазишга бошчилик қиладилар. XV аср муаллифи Хофизи Абру бу каналлардан 20 тасини: Дилқушо, Ганчравон, Ганчхона, Умар Тобон, Шайх Абу Саъд, Шайх Али Баҳодир, Душоҳ Жондор, Гулбоғон,

Ҳасан Жондор. Бу Алоуддин Иноқ, Саҳдак, Пурдор, Алималиқ, Оқ Буғо, Давлатшоҳ бахши, Сунжак, Манглихожа, Кебекчи юртчи, Қутлуғхотун каби номларини бирма-бир қайд этади.

1401 йилда Кавказда Байлақон мавзеида Темур фармони билан Аракс дарёсидан чиқарилган Барлос канали замонасининг йирик суғориш иншоотларидан бири сифатида диққатга сазовордир. Унинг узунлиги 10 фарсаҳ (60-70 км), кенглиги 10 газ (10 м) ва чуқурлиги 4 газ (4 м) га тенг бўлган. Канал бўйлаб кемалар бемалол қатнай олган. Хофизи Абру бу қурилишда бош мироб-канал трассасини белгиловчи геодезист бўлиб хизмат қилган.

Бу даврда қишлоқ хўжалигида ғалла, сабзавот ва полиз экинларининг деярли ҳамма навлари етиширилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган, мевали дараҳтларнинг кўпдан-кўп хиллари ўстирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда хўл мева, қишиш ва баҳор мавсумларида эса қуруқ мевалар билан таъминланган. Хўжаликнинг асосий турларидан яна бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида айниқса, яйлов чорвачилиги, йилқичилик, қўйчилик, жумладан қоракўлчилик, туячилик, қорамолчилик муҳим ўрин тутган. Шубҳасиз, етиширилган моддий бойликлар оддий халқнинг машаққатли меҳнати воситасида вужудга келтирилиб, унинг тақсимоти мамлакат аҳолиси табақаларининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари моҳиятини белгиланган.

Дехқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ ҳирож (ёки мол) деб аталган. Ҳирож, асосан ҳосил етилиб, уни йиғиб олиш вақтларида маҳсулот, баъзан пул ҳолида тўланган. Солиқ ҳосилга ва ернинг унумдорлиги ҳамда сув билан таъминланганлигига қараб белгиланган. Чунончи дарё, булоқ ва кориз сувлари билан суғориладиган обикор ерларидан ҳирож ҳосилнинг учдан бир қисми миқдорида олинган. Агар ер эгаси ҳирожни пул ҳисобидан тўлашга рози бўлса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми бозор нархи ҳисобида пулга чақилган.

Лалмикор ерларнинг унумдорлиги обикор ерларга нисбатан паст бўлганлиги учун, бу ерларда машғул бўлган музорийлар умумий ҳосилнинг олтидан бир (16,5 фоиз) қисмидан то саккиздан бир, (12,5 фоиз) миқдорда солиқ тўлаганлар. Мулк эгаларининг бир қисмидан ушр, яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида солиқ олинган.

Ғалла ғарам қилинмасдан бурун секин тўплаш қатъий ман этилганди. Солиқ муайян уч муддатда: саратон (июн-июл), сунбула-мезон (август ва сентябр) ва қавс (ноябр) ойларида тўланар эди. Солиқларни йиғиши пайтида солиқчилар дехқон, чорвадор ёки боғбонга нисбатан зуғум ўтказмаслиги, жисмоний куч ишлатмаслиги ва ишни уруш-жанжалгача олиб бормаслиги зарур бўлган. Умуман солиқчиларнинг қарздорларни банди қилиш ва занжир билан кишанлаб, уларга нисбатан қиттиқ чоралар кўришга ҳақлари йўқ эди.

Маҳаллий ва четдан келтирилган ипакдан турли нав шойи газламалар тўқиши кенг йўлга қўйилган эди. Манбаларда атлас, кимхоб, банорас ва духоба қаторида товланувчи ялтироқ хоро, нафис ва гулдор дебо каби шойидан тўқилган газмолларнинг номлари учрайди. Шойи матолар, қирмизи ва зангори духобалардан зарбоф либослар тикилган, улар ва зардўзи буюмлар зеб-зийнатлар даражасида қадрланган. Подшо ва сultonлар, элчилар орқали бир-бирларига бошқа буюмлар қатори шойи ва нафис ип газламалар тухфа қилар, бундай газмол ва буюмларнинг бир қисми чет мамлакатларга ҳам олиб кетилар эди. Мовароуннаҳда Самарқанднинг зардўзи либослари, атласи ва қирмизи духобаси ҳамда Ҳиротнинг кимхоби айниқса машҳур эди.

Манбаларда маълум бўлишича, XV аср бошида Соҳибқирон Темур томонидан ўтказилган тантаналарида ҳунарманд ва савдо аҳиллари ҳам қатнашган. Унда Ҳиротнинг кимхоб тўқувчилари кўчма дастгоҳда мато тўқиб, ўз ҳунарларини намойиш этишган.

Шаҳарларнинг тўқимачилик маҳаллалари ва гузарларида, уларга яқин жойларда пиллакашлар, калавачилар, буёқ берувчи нилчи рангрезлар, читга гул босувчи муҳркашлар ҳам истиқомат қиласиди.

Бу даврда жундан ҳар хил гулли, қалин патли ва тақир гиламлар, палослар ҳам тўқилган ва наматлар босилган. Намат уй-рўзғорда фақат тўшама сифатида эмас, балки кийим-бошлар тайёрлашда ҳам кенг ишлатилар эди. Гилам, палос ва наматлар шаҳарли ҳунармандлардан ташқари, қишлоқ, хусусан чорвадор аҳоли томонидан ҳам кўплаб тайёрланарди.

Бу вақтга келиб металдан қурол-яроғ ва рўзғор буюмлари ясаш такомиллашди. Ҳунармандчиликнинг турли соҳаларига ихтисослашиш кучайди. Улар орасида мих ясовчи (михчагарон), тақачилар(наълбандон), сим чўзувчилар (симкашон), пичоқчилар (кордагарон) каби турли хил буюмлар ясовчи усталар бўлган.

Аввалгидек, қурол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолган Самарқандда махсус совутсозлар маҳалласи ҳам қарор топган. Қуролсозликда қилич, қалқон, ўқ-ёй, дубулға ва совутлар ҳамда жабалар ясаларди. Ҳокимлар саркарда-амирлар учун ясалган махсус қурол-яроғлар олтин ва кумуш қопламали, қимматбаҳо тошлар қадалган, нақшинкор бўларди. Мис ва жейздан турли хил уй-рўзғор буюмлари ясалар ва майда мис чақалар зарб қилинар эди. Темурнинг буйруғи билан 1397 йилда исфаҳонлик уста Иzzаддин Ибн Тожуддин етти хил металл қотишимаси (ҳафтжўш) дан катта жез қозон ва иккита шамдон ясаган.

1399-1404 йилларда бино қилинган Бибихоним жомеъ масжиди эшиклари ҳам етти металл қотишимаси билан қопланган эди.

Бу даврда қулолчилик ҳам ривож топиб, ҳунармандчиликнинг кўп тармоқли соҳасига айланади. Қулолчиликда коса, хум ва хумчалар, тандир каби буюмлар тайёрланарди. XIV-XV асрларга мансуб сирланган сопол

буюмлар бадий жиҳатдан ранго-ранглиги, шакли ва турининг хилма-хиллиги ҳамда сифатлилиги билан ажралиб турарди. Юқори сифатли кошинли сопол идиш-товоқлар пиширилган. Уларнинг аксарияти сидирға оқ сирли бўлиб, сиртига тўқ зангор ёки яшил, баъзан қора ёки қизғиш нақшлар туширилган. Бу даврнинг сирли норин товоқлари, шоҳ коса, лаган ва кўзалари бир неча новачали мойчироқ ва шамдонлари бадий жиҳатдан юксак даражада бўлган. Айни вақтда сирсиз арzon идиш-товоқлар, хум ва хумчалар ҳамда болалар учун ясалган майда ўйинчоқлар меҳнат аҳлининг кенг табақаларга жуда асқотган. Булардан ташқари кулоллар, сув қувурлари, чақир ва чархпалак қузачалари, корез гардиши ва бошқа кўпгина сопол буюмлар пиширганлар. Айни пайтда кошипазлик, парчинсозлик, фишт ва фишт тахталар пишириш ҳам ривожланган.

Иморатсозлик ривожи тош йўниш (сангтарош) ва унга сайқал бериб, ўймакор нақшлар ва хушхат ёзувлар битиш санъатини камолотга етказди. Самарқандда Бибихоним жомеъ масжиди ховлисида Қуръонни қўйиш учун мармардан ишланган улкан лавх (курси), Шоҳи Зинда ва бошқа жойлардаги сағаналарнинг мармар тошлари ва уларга ишланган жимжимакор нақшлар, ўймакорлик билан битилган оят, марсия ва тарихлар халқ хунармандчилигининг юксак намуналаридан бўлиб, уларда тош йўнувчиларнинг меҳнати ва санъати билан хаттотларнинг зўр маҳорати уйғунлашиб кетган.

Самарқанд хунармандчилигида, айниқса, қофоз тайёрлаш алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинидаги Обираҳмат ариғи соҳилида қофоз ишлаб чиқариладиган маҳсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Бу ерда эскирган бўз кийим, латта ва мос пахталардан бўтка – қофоз хом ашёси тайёрланиб, варақлар қуйилган, сўнгра уларга сайқал берилган. Шу тарзда, Бобур Мирзо хотиралаганидек, «Оlamda яхши қофоз Самарқандин» чиқкан, у Ўрта аср шарқи хаттотлари орасида ғоят машҳур бўлиб, бир қисми четга-«атроф ва жавонибқа» чиқарилган.

### **АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ТИББИЁТ ИЛМИ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР.**

Она-Ватанимиз бўлган қадимий Туркистон ўзининг ўтмишида юзлаб ажойиб инсонларни, олиму-уламоларни, авлиё-ю-пирларни, адолатпеша юртбошиларни, давлат арбобларини, машҳур илму-фан жафокашларини етиштирган ва улар билан фахрланган, ғуурланган. Ана шундай буюк инсонлардан бири, кучли мустақил давлатни ташкил этган, ўз халқини муғуллар зулмидан озод этган, илму-фанга ривож берган, меросий қадриятларни, маънавий-маданиятилизни тиклаб тараққий эттирган Соҳибқирон Амир Темурдир. Шу сабабли бўлса керак унинг ашаддий рақибларидан бири ва замондоши Ибн Арабшоҳ тан бериб: «...

Темурни етти иқлим Соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган (зот), подшохлару-султонлар жаҳонгири... эди», - деб ёзади. Амир Темур нафақат подшохлару-султонлар жаҳонгири, балки илму-фанда ҳам кучли билимга эга бўлган, диний ва дунёвий фанларни чукур билган, илму-фан, маданият ривожига кенг йўл ва имконият яратиб берган подшоҳ эди. Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг илму-фандан билимлигини Мисрнинг машхур файласуф олими, Мисрда қозилар қозиси лавозимида бўлган Валиуддин Абдураҳмон ибн Холдун шундай таърифлайди: «Чунки сен мардумайдонлар отаси, жангу жадал зулматли майдонларидан Шарқу-Ғарбга ўз зафар ойни порлатувчисан». У давом этади: «Ҳар бир Вали тилида кашф қилинувчисан, амирал-мумини Алига мансуб қилинган жафр ва зиж илимларида ишора қилинган киши ҳам оғир замонда мунтазир билинадиган Соҳибқирон ҳам сенсан» – деб Амир Темурнинг ҳамма илмлардан салоҳиятли билимга эга эканлигини тан олади. Буюк Соҳибқирон нафақат дўсту-биродарлари, ўз халқигина эмас, хатто раҳбарлар томонидан тан олинган, маънавий салоҳиятга эга бўлган обрўга, иззат ҳурматга қандай сазовор бўлди? Албатта, Амир Темур бу иззат-обрўга ўзининг қобилияти, иродаси, таланти, инсонпарварликка асосланган адолатли сиёсати, диний ва дунёвий илму-фани билиши, унинг тараққиётига катта имконият яратиб бериши ва энг муҳими-оллоҳнинг иродаси билан эришди. У қисқа вақт ичида Туркистон халқининг муғуллар асоратидан қутқарди, унинг миллий мустақиллигини тиклади. 36 тага яқин мамлакат халқларини бирлаштириди. Ва жаҳонда энг иирик, кучли, қудратли, кўп миллатли, илму-фани ва маданияти ривожланган марказлашган давлатни ташкил этди.

Амир Темур ўзининг бутун онгли фаолияти давомида ўзига хос шарқона давлатни ташкил этибгина қолмасдан, Мовароуннахр ва Хуросонда илму-фан, маданият равнақи бўлган шарқона цивилизацияни юксакликка кўтаради, бунёдкорлик, яратувчанлик каби инсоният тарихида юз берадиган нодир жараённи камол топдирди. Қисқаси ўлкамиз халқлари тарихида «Темурбекнинг майдонга чиқиши буюк ходиса бўлди»\*. У ҳақиқатда ҳам Турони замин халқларининг

---

\*Херман Вамбери. «Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи», Тошкент, 1990. 30-бет

тарихи тараққиётида буюк ходисаларни рахнамоси, яратувчиси ва асосчиси бўлди. Айниқса илму-фан, маданият тараққиётида Ўрта Шарқда юз берган ренессанснинг «Темур ва темурийлар ренессанси» деб аталувчи тараққиётга асос солди.

Амир Темур ўз салтанати худудларида илму-фаннынг ҳамма тармоқларига йўл очиб берди. Шу сабабли буюк Соҳибқирон Турони заминни нафақат марказлашган қучли давлатнинг сиёсий марказига, балки илму-фан ривожининг жаҳонга машхур салоҳиятли марказига ҳам

айлантириди. Ўша даврнинг 100 дан ортиқ кўзга кўринган йирик диний ва дунёвий олиму уламоларнинг ўз салтанати атрофида тўплайди ва уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. «Жаҳонгирнинг тириклигига, - деб ёзади Херман Вамбери, - тараққиёт, диний илимлар ва дунёвий фанлар барқарор эди»\*. У ҳақиқатда туркга хос фан маданиятининг салоҳиятли даврини бошлаб берди. «Ўрта Осиёда асл турлик даври Темурдан бошланади»\*, - деб ёзган Херман Вамбери юз карра хақ эди. Тўла ишонч билан таъкидлаш лозимки, Буюк Соҳибқирон ўзининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятида, айниқса ҳарбий санъатда тиббиёт ва хатто ветеринария хизматларидан унумли фойдаланган. Амир Темур ўз замонасининг табиий, аниқ ва гуманитар фанлар бўйича машҳур олимлар Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунший, Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий, Ҳўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жалол Хурий, Қозизода Румий, олим Мавлоно Саъуддин ат-Тафтазоний, Сайид Шариф Журжоний, Шайх Шамсаддин Муҳаммад ибн ал-Жазорий, Ҳожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорий, Абулатиф ад-Дамгоний, Мавлоно Асауддин, Шариф Хофиз Ҳусайнний, машҳур табиб Мавлоно Аҳмад\*, тарихчи Мавлоно Абдумалик, «Қуръон» ва «Ҳадис» илмидан яхши билимга эга бўлган буюк алломаларни тўплайди. Уларнинг маслаҳатлари, хулоса ва таклифларини амалда қўллайди. Айниқса ўз салтанатининг бепоён худудларида табиий фанлардан, айниқса тиббиёт илмидан унумли фойдаланади. Ветеринария хизмати яхши йўлга қўйилганлигини ҳарбий санъати фаолияти жараёнида яққол кўзга кўринади.

---

\* Херман Бамбери. «Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи» Т., 1990 й, 50-бет

\* Ўша жойда. 55-бет

\* «Темур тузуклари» Т., 1991, 100 бет.

У ўзининг «Тузуклари» да мамлакатнинг ҳамма худудларида «касаллар учун шифохона қурдирсинглар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинглар»\* – деб бекорга кўрсатмаган. Чунки Амир Темур ўз хукумронлиги даврида кўп миллатли халқ, турли диний эътиқоддаги оммани бирлаштиради.

Мамлакатда уруш ҳаракатлари олиб борилар экан, бундай вазиятда (албатта уруш ҳаракатлари узлуксиз бўлиб турган худудларда) турли хил касаллик тарқатувчи заҳарли вируслар тарқалиши туфайли юқумли касалликлар вужудга келади. Бунинг натижасида минглаб одамлар нобуд бўлади. Хатто таносил, тери ва бошқа юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши оқибатида халқ оммаси бошига оғир кулфатлар тушади. Бу касалликларни даволаш учун дори-дармонлар, табиблар, даволанадиган жойлар-касалхоналар ва бошқа муассасаларга эҳтиёж туғилади. Аммо

Амир Темур даврида ана шундай табиий ва ижтимоий соҳага таалуқли оғатларнинг юз берганлиги ҳақида биронта манбаларда ҳозиргача учратмадик. Эҳтимол Соҳибқирон ана шу вазиятларнинг юз беришини билиб, олдини олганлиги, юзлаб олим-уламоларнинг фикру-хулосаларига таянганлиги туфайли бундай оғатлар юз бермагандир. У ўзининг «Тузуклари»да «... амир этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса, хонакохлар бино қилсинлар, фақиру-мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохоналар қурдирсинглар», - деб кўрсатганлиги бу вазифаларни қойилмақом қилиб ўзи раҳбарлигига бажарганлиги тарихий ҳақиқатдир. Шу сабабли тўла ишонч билан шуни таъкидлаш лозимки, буюк бобомиз Амир Темур машҳур олим, тиббиёт оламининг етук даҳоси Абу Али Ибн Синонинг табобатчилик илмидан юксак даражада фойдаланган, турли касалликларни даволаш учун дори-дармонлар тайёрлашда унинг меросини янада ривожлантирган.

Амир Темур салтанатида машҳур табиблар, олимлар ишлаган, илм билан шуғулланган. Мавлоно Нафис чуқур билимга, халқ қурматига сазовор бўлган табиб, доришунос олим, Мавлоно Фазлуллоҳ Соҳибқироннинг шахсий ҳакими, девонда ҳакимлар бошлиғи бўлган ўз замонасининг Ибн Синоси бўлган табиб Мавлоно Жамолуддин шулар жумласидандир. Абу Али

---

\* «Темур тузуклари» Т., 1991, 100 бет.

\* Абу Али Ибн Сино «Тиббий ўғитлар». Т., «Меҳнат» 1991, 12-бет.

\* Ибн Арабиоҳ, Амир Темур тарихи, 2-китоб. Т., «Меҳнат» 1992 йил, 85-86 бетлар.

Ибн Синонинг «Тиб қонун»ига шарҳлар ёзган олимлардан ибн Ан-Нафис (XIII аср), Кутбиддин Шерозий (XIV), Абдулло Оқсанорий (XIV аср), Садиддин Козаруний (XIV аср), Ҳаким Али Жилоний (XIV асрда ўтганлар) каби ўнлаб олимлар тиббиёт фанининг тараққий этишига, турли хил касалликларни даволашнинг юксак усусларини жорий этишига, халқ тиббиётининг кенг ривожланишига муносиб хисса қўшганлар. Амир Темур эса тиббиёт илмини ва халқ тиббиётини тараққий этишига ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан катта ёрдам берган. Амир Темур тиббиёт илми натижаларидан, халқ тиббиётининг юксак фазилатларидан нафақат мамлакатда тинч, осойишталик даврида, балки ўзининг кўп сонли армияси билан узлуксиз уруш ҳаракатлари, ҳарбий урушлари даврида ҳам фойдаланган, ветеринария хизматини юксак даражада йўлга қўйган.

Амир Темур бирон бир ҳарбий юришни бошламоқчи бўлса, у нафақат ҳарбий жангчиларни, ҳатто оддий ҳизматчини, ҳарбий жангларда қатнашмайдиган амалдорларни, ходимларни, ҳарбий саркардаларни, амирларни ҳам албатта тиббиёт хизмати кўригидан ўтказганлар. Бу

тартибни у нихоятда қаттиқ қўллик билан амалга оширган. Ҳарбий жангчиларга ҳизмат қилувчи ҳар бир хизматкорнинг соғлиқ-саломатлиги чукур текширилиб турилган.

Бирорта касаллик аломати бўлган ёки олдиндан бирорта юқумли касаллик билан оғриган кишиларни армияга олмаган, ҳарбий жангларнинг таркибий салоҳияти тамоман соғлом одамлар бўлиб, улар узлуксиз тиббиёт кўригидан ўтказилиб турилган. Ушбу тартиботга таалуқли ҳарбий тамойилга мувофиқ Амир Темур «Тузуклари»даги ушбу талабни ўқиймиз. Яъни: «Асил ва шиҷоатли сипоҳийзода қайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин бериб, келган ҳизматига ва ишига яраша тарбият қилсинлар»\*, - дейилган.

Ҳақиқатда Соҳибқирон бу тарбияни қўп сонли кучли армия ва мамлакат осойишталигини сақлаган бақувват соғлом сипоҳийларни етиширишда узлуксиз фойдаланган. Бу тарбиявий сиёсий тизим давлат аҳамиятига молик сиёсатга айланган. Бу сиёсий ва тарбиявий тизимнинг муҳим аҳамияти шундан иборат эди. Амир Темур салтанатида армия сони айрим тарихий манбаларга асосланган 400 мингдан 800 минг

---

\* «Темур тузуклари. Т., 1991, 67-бет.

жангчига етган деб кўрсатилади\*. Агарда ушбу маълумотлар тўғри бўлса, 800 минг жангчини боқадиган озиқ-овқат турлари, кийим-кечак, транспорт, тиббиёт хизматлари, амалдорлик юмушларию от-улов, қурол-яроқ, сайислик вазифалари билан шуғулланувчиларни ҳисобга олинса, бу жараёнда биргаликда узлуксиз ҳарбий-ҳаракатда бўладиган кишилар сони 1,5-2,5 млн. кишига етиши, от-улов, тuya ва бошқа чорва турлари сони эса қанча бўлиши ўз-ўзидан маълум. Бу нихоятда катта масштабли кенг ҳаракат бўлиб, уни таъминлайдиган нихоятда катта бойликкина эмас, балки мустаҳкам салоҳиятли сиёсий бошқариш тажрибасига эга бўлган давлат ва уни бошқарадиган салтанат эгаси қандай ирода, куч-кудрат, талант, ақл ва фикр эгаси бўлишлиги ҳам ўз-ўзидан маълумдир. Амир Темур ана шундай иродали саркарда, давлат арбоби, буюк инсон, тангри таолонинг севган қули бўлиб\* бу салоҳиятли салтанатни қарийиб 40 йил бошқарди.

Ҳақиқатда Амир Темур қўшинларининг сони қанча бўлганлигини айтиш қийин. Аммо доимий мунтазам армиясининг сони 250-350 минг жангчи атрофида бўлган. Бу қўшинлари кетидан минглаб аравалар, тuya-карвонлари, бевосита жангда қатнашмайдиган ходимлар, ҳамширалар, табиблар, энагалар, амалдорлар, шайхлар, муллолар, диний тарғиботчилар ва бошқа савдо-сотиқ, озиқ-овқат соҳаси ходимлари бўлиб, қўшин сонидан деярли 3 марта қўп бўлган отлар\* ва уларга қарайдиган сайислар (от бокарлар), тақачи усталар, ветеринария хизматчилари каби мутахассислар бориши керак бўлар эди.

Бу жараёндаги энг оғир соҳа харбий жанговор зотли отларни турли Ҳхил касалликлардан сақлаш, зоти ва наслини (пародасини) сақлаш энг қийин ишлардан бўлган. Армияни озиқ-овқат билан таъминлаш учун эса миллионлаб қўй-эчкилар подаларидан фойдаланишга мажбур бўлишган. Ана шундай сон-саноқсиз чорвани ривожлантириб, унда турли хил касалликлар тарқалишига йўл қўймайдиган бошқариш тизимини ишлаб чиқиши, Амир Темурда улкан куч-кудрат мавжуд эканлигидан далолатdir.

---

\* Қаранг: М.Иванин «Икки буюк саркарда, Чингизхон ва Амир Темур». Т., 1990 й, «Фан» 187-бет

\* Қаранг: Херман Вамбери. «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи». Т., 1990, 56-бет.

\* Қаранг: М.Иванин «Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур». Т., «Фан». 1991, 151-бет.

Жаҳон халқлари тарихида бундай салоҳиятга эга бўлган ҳукмдор камдан-кам бўлган. Амир Темур ҳаракатдаги армия мамлакатнинг қайси худудларида бўлмасин, ҳарбий отларнинг жанговорлигини сақлаш, жанговор қисмлар учун зарур бўлган чорва молларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида маҳсус мутахассис ёки чорвани яхши биладиган малакали ходимлардан фойдаланган. Улар орқали чорвадаги касалликларнинг бор-йўқлиги аниқланган ва бу доимо амалга ошириладиган бошқариш тизимини Амир Темур узлуксиз бошқариш тизимиға айлантирган. У хатто жанговор ҳарбий отларнинг ўзига хос турларини, зот ва наслларини аниқлаб, уларни алоҳида-алоҳида боқиши, танлаш ва қўпайтиришга алоҳида эътибор берган, текширишдан ўтган соғлом зотли отларни армияга олган. Отбоқарларни (сайисларни), тақачи усталарни ҳам қаттиқ тиббиёт кўригидан ўтказиб турган. Соҳибқирон қайси юртга, ўлкага ёки биронта хорижий мамлакатга ҳарбий юриш қилишни мўлжалласа, олдин ўша территорияга яқин худудларда ҳарбий жанговор от тўдаларини отбоқарлари билан фойдаланиладиган от-ўловга, от, тuya, хачир, эшакларни, чорва молларини маҳсус яйловлар билан таъминлаган, уларни бир-бирига қўшмаган. Уларга ветеринария хизматини малакали мутахассис ходимлар амалга оширган. Бу тартибот Амир Темур даврида тизимга айланган.

Амир Темур чорва молларига, айниқса йилқичиликка ветеринария хизматини кўрсатишга ва уни яхшилашга қаттиқ эътибор берганлигини сабаблари нимада? Биринчидан, у йилқичилик ўша даврда кучли ҳарбий транспорт воситаси эканлигини яхши билган; иккинчидан, чингизийлар ҳукмронлигининг охирги даврларида йилқилар, шохли моллар турли хил касалликлар билан касалланиб қирилиб кетганлиги хақидаги ривоятлар айrim манбаларда учраб туради\* ва шу манбаларни яхши билганлиги сабабли бўлса керак Соҳибқирон Амир Темур чорва молларни ва

йилқициликтегі ветеринария хизматини күрсатыши давлат сиёсати даражасига күттарған; учинчидан, от туркій халқларда ҳосиятлы ҳайвон, инсон дўсти, хамкори деб ҳисобланған. Шу жумладан от уй ҳайвонлари ичида биринчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам Амир Темур йилқициликтегі катта эътибор берган ва

---

\* Эҳтимол бу XIV асрнинг 20 ва 60 йиллари атрофида йилқициликтегі ҳарбий отлар, чорва ўртасида турли хил касаллик тарқалиб қирилиб кетген бўлиши мумкин.

туячилик, шоҳли қорамолларни Мовароуннахр, Хурросон худудларида, Шарқий Туркистон сарҳадларида кенг ривожлантирилишига ўзи раҳбарлик қилган. Бу худудларда масъул бўлган маҳаллий хокимлар ва амирларга йилқициликтегі учун маҳсус яйловлар ташкил этишни топширган. Отларни жанг қилишга мувофиқлаштириш учун алоҳида-алоҳида ҳарбий йилқициликтегі полигонларини (машқ майдонларини) ташкил этган. Ана шу машқ майдонларидаги маҳсус тайёргарликдан ўтган чопқир, «учар» арабий, туркій, қорабайир зотли ҳарбий жанговор отлар буюк Соҳибқирон армиясининг куч-қудрати, ҳарбий жанговор стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт воситаси ҳам ҳисобланған\*. Хатто Амир Темур хорижий мамлакатларда бўлган вақтларида зотли отларни, қорамол, туя, қўй, эчкиларнинг турли хил зотларини ўз Ватанига, Туркистон ўлкасида олиб келган, уларни ветеринария ҳизмати орқали текшириб кўпайтиришга раҳбарлик қилган. Афсуски, Амир Темурнинг бу соҳада фаолиятини тўла ёритадиган тарихий хужжатлар, илмий тарихий асарлар ҳозиргача камдан-кам учрамоқда. Бу ҳақда «Зафарнома»нинг муаллифи Шарофиддин Али Яздийнинг бир фикри ҳақиқатга яқиндир.

У: «Шу билан бирга, туркій «Манзума»нинг\* муаллифи, ул ҳазрат (Амир Темур) шахсан ўзи бош бўлган ғаройиб ишлардан баъзиларини, эҳтимол бундан сўнг одамлар ишонмасликлари ва ортиқча таъриifu тавсифга йўйишлари мумкин деб ёзиб қолдиришга йўл қўймади», - деган эди. Эҳтимол буюк Соҳибқирон ҳозир қаламга олган мавзу ва бошқа соҳалардаги ғаройиб ишларидан келажак авлодга ёзиб қолдиришга ўзига лойик кўрмаганлигига ҳақиқий инсоний камтарлик, оддийлик хусусиятлари устун келгандир. Қандай бўлишидан қатъий назар ҳазрати Амир Темур ижтимоий ҳаётининг ҳамма жабҳаларида инсониятни қойил қолдирадиган буюк ишларни амалга оширди ва унинг бу ишлари тарих зарвақларида ўчмас из қолдирди. Соҳибқирондан қолган меросни ўрганиш – давримизнинг долзарб вазифаларидан эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз даркор.

---

\* Қаранг: Тошкендий С. «Темурнома». Т., «Чўлпон» 1990 й.

\* «Манзуман турк» бу тарихий асар бўлиб Амир Темурнинг қаламига мансуб бўлган ва у ҳозирча топилган эмас.

## ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ МАЬНАВИЙ АСОСЛАРИ

Амир Темур ташкил этган ва унинг содиқ фарзанд ва неваралари давом эттирган марказлашган йирик давлат мамлакат ижтимоий ҳаётининг ҳамма муаммоларига, жамиятнинг социал-ижтимоий қатлам ва тоифаларнинг ҳамма мақсад, талабларига диний ва дунёвий эътиқодларнинг ҳамма тамойил ва тартиботларига сиёсий, иқтисодий, мафкуравий жараёнларнинг ҳамма эҳтиёжларига ўз даврига мувофиқ жавоб бера олишни уйғунлаштира олган диний ислом салоҳиятига ривож берган қудратли салтанат эди.

Бу дунёвий ва диний салоҳиятга эришиш имконияти Амир Темур ташкил этган давлатнинг дастлабки сиёсий ва қонуний атрибутиларидаёқ мавжуд эди. Яъни ҳар бир давлатнинг моҳиятини, куч-қудратини, характерли хусусиятини, салтанат салоҳиятини билдирадиган сиёсий символга қонуний атрибутга эга бўлган белгилари кўрсатиб беради. Улар давлат байроби, гимни, мадхияси ва гербидир. Ана шундай сиёсий атрибутга эга давлат белгилари Амир Темур давлатида ниҳоятда салоҳиятли ва сермазмун, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма талабларига жавоб берар эди.

Амир Темур давлати герби пирлари тавсия этган ва ўзи танлаган уч халқадан О О Өйборат символлик шакли ниҳоятда кенг маънога эга бўлиб унда диний ҳақиқат, сиёсий куч-қудрат ва ижтимоий адолат каби чуқур мазмунли моҳиятни ўзида ифода этиб, турли мазмунда таърифлаб келинган, яъни Ибн Арабшоҳда «rosti-rasti» дейилиб, бу «ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан», ёки Ҳерман Вамберида «Rusti-rosti» дейилиб - «куч адолатда» деган маънени англатиб, Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳақиқат ўрнатиш ифода этилган дейилган бўлса, академик И.М.Мўминов тарихчи Шарафуддин Али Яздий фикрига асосланиб давлат, мамлакат, фуқаронинг ғамхўрлигини таъкидловчи қоида» «Rosti-drusti» бўлиб, «ҳақиқат сиҳат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат-адолат» демакдир\* деб таърифланганлигини ўқтиради. Ушбу гербнинг таърифи қандай бўлишидан қатъий назар Амир Темур инсон маънавий қадриятларининг ҳамма жабҳаларида диний ислом салоҳияти, давлатчилик сиёсати ва унинг куч-қудратини, ижтимоий жамиятда тўла инсоний адолатни ўрнатишни асос қилиб олиб уни амалга оширди. Умуман олганда ижтимоий жамиятда Амир Темур уч халқали гербининг моҳияти ижтимоий адолат, сиёсий куч қудрат, диний ҳақиқат рамзи мазмунини ифода этишлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Амир Темур давлатининг герби бевосита унинг мадхияси билан уйғунлашиб, ўзига хос моҳиятли мазмунга эга бўлган Куръони Каримдан олинган суръаи-дуолар, фотиха ўқиш билан

таъкидланиб Темур ва темурийларни бу мадҳиялашган дуо-фотиҳалар доимо ғалабадан-ғалабага рухлантирган, инсонларни у дунёи-бу дунёга ишонч ва мақсад сари йўллаган, давлатни мустаҳкамлаб мамлакатда осойишталиқ, ахлоқ-одоб, инсонийлик ғоялари устуворлик қилишга раҳнамолик қилган ва илоҳий куч ишонч бағищланган мамлакат раият манфаати учун, душманларга қарши курашишда жангга кириш учун доимо Куръони-Каримдан «Аллоҳу-Акбар» деб кучли овоз билан фотиҳа ўқиб\* ишни, юришни бошлаганлар. Амир Темур ўз «Тузуклари»да шундай деб ёзади: «... бирон ишни қилмоқчи бўлсан, кенгашиб олгач кейин Куръондан фол очардим ва «Куръон» хукми билан иш қилур эдим»\*, дейди. Бу тартибот Амир Темур давлатининг ва темурийлар салтанатининг қонуний тамойилига, мадҳияли тартиботига айланган эди.

Жумладан, Абдураззок Самарқандийнинг «Матлаи саъдаин» асарида кўрсатишича Шоҳруҳ Мирзо туркманларнинг Қора қуюнли қабиласининг бошлиғи адватчи амир Қора Юсуфнинг катта куч билан кўтарган исёнини бостириш учун юриш қилиб, жангдан олдин Қора Юсуфга қон тўқмаслик мақсадида бир нечта элчи юбориб сулҳ тузишни таклиф этади. Қора Юсуф эса элчиларни зиндонга ташлайди ва уруш талаб қилади. Шунда ҳоқони Сайд Шоҳруҳ Мирзо отаси Амир Темур тамойилига мувофиқ Куръондан фотиҳа ўқибди ва олий тахт поясининг мулозими бўлган ҳофизу-қориларга» буюриб фатҳ сурасини ўн икки минг марта хатм қилдирди\*. Сўнг ҳазрати ҳоқони Сайд ўз қалбида қатъият билан уруш тартиботига мувофиқ лашкарни сафга тортиб жангга бошлаш арафасида 1420 йил 13 ноябр кунида амир Қора Юсуф тўсатдан бир касалликка йўлиқиб вафот этади\*, ва бу хабар Шоҳруҳ

---

\* Шароғиддин Али Яздий. «Зафарнома». Т., «Меҳнат», 1994 йил, 41-бет.

\* Ибн Арабшоҳ. «Амир Темур тарихи». 2-китоб. Тошкент, 1992, 65-бет.

\* Ҳерман Вамбери. «Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи». Тошкент, 1990,

53-бет.

\* Иброҳим Мўминов. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». Тошкент. «Фан», 1993, 50-бет.

Мирзога етганлиги унинг армияси тарқаб кетиб уруш бўлмаганлиги ҳақида ёзиб дуонинг кучига шаъма қилади. Чунки Шоҳруҳ Мирзо Куръондаги 48 фатҳ сурани мулозим ва қорилару, уламоларга ўн икки минг марта ўқитилган кун «Зубда» кўрсатилишича ана шу амир Қора Юсуф вафот этган еттинчи зулқаъда (13 ноябр 1420 йил) панжшанба куни эканлигини таъкидлайди\*.

Умуман олганда, Турон-замин халқларининг ислом дини мафкуравий ғоясига айлангандан кейинги даврларда, асосан Темур ва

темурийлар ҳукмронлиги даврида давлатчиликни мустаҳкамлашга доир муҳим сиёсий, мафкуравий ишларда доимо Қуръон сураларидан фатволи-фатиха тиловат қилиниб, мадҳиявий тамойилга айланиб қолганлиги билан ҳарактерланади. Бу эса ўз навбатида Темур ва темурийлар даврида давлатни бошқаришда янги динга асосланган мафкуруни яратмасдан диний ислом таълимотидан давлатчилик-қонунчилик тамойилларини ўтмиш, давлатчилик тажрибаларидан Чингизий «Ёсоқ»дан фойдаланиши билан ана шу ислом дини таркибида диний ислом мафкурасини ва шариатини асос қилиб олганлиги бу эса бевосита кўпроқ хуқукий давлат қоидаларига мувофиқ келишлиги билан ажралиб туради.

Темур ва темурийлар даври давлатчиликнинг диний ва дунёвий таълимотларни ўзида мужассамлаштирган қонуний-сиёсий атрибутларидан яна бири у ҳам бўлса давлат байроғи эди. Ана шундай салоҳиятли Катта мовий Қизил Байроққа Амир Темур ва темурийлар эга эди. Ҳерман Вамбери ўз асарида мовий «Катта Қизил Байроқ» унинг аломати эди. От ёли билан боғланган узун найза Туман оғасининг туғидир. Икки томонидан кокил осилган икки дўл ноғора юзбошининг аломати ҳисобланади. Суворий эгарининг икки томонига икки табл осилади»\* – деб ёzádi. Демак алоҳида ягона давлат байроғидан ташқари ҳар бир туман беклик ва вилоят ҳокимларининг ҳам алоҳида туғлари (байроқлари) бўлганлар.

Амир Темур «Тузуклари»да шундай деб ёzádi: «Амр қил-димки, ўн икки катта амирларнинг (ўн икки қабила кўзда тутилса керак – А.Ш) ҳар бирига битта байроқ (alam) ва бир

---

\* Қаранг. Абдуллоҳ Самарқандий. «Матлаи Саъдайн ва мажсмаи баҳрайн». Тошкент. «Фан» 1969, 408-бет

\* Ҳерман Вамбери. «Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи». Тошкент. 1990, 35-бет

ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, туман туғи ва чортуғ (Байроқнинг икки хили ёки амирларнинг даражасини билдирувчи уни ўткир найза - А.Ш) тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай (нафир) берсинлар. Юзбоши ва ўнбоши биттадан катта ноғора (табал) берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса, биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора чортуғ ва бурғу берсинлар»\*, деб нафақат марказлашган давлатга ягона Амир Темур Катта мовий рангдаги Қизил Байроғи, хатто ҳамма амирлар, вилоят, туманларга, мингбоши, юзбошилар ва ўн бошиларга алоҳида ўзича бир-биридан ажралиб турадиган туғлар, сочоқли найза ва ноғоралар бериб, давлат салоҳиятининг аломатли – рамзи сифатида фойдаланилган. Темурийлар эса уни давом эттирганлар. Амир Темур ва темурийлар фойдаланган давлатчилик, сиёсий, диний ва маънавий мафкуравий

атрибутларини англатувчи байроқларида нафақат Ислом дини тамойиллари, ўша давр давлатчилик сиёсий салоҳияти, балки Турунзамин халқларининг ўтмиш, диний-сиёсий, меросий қадриятларини ҳам попукли учи ўткир найза, ноғора, түг ва чортуғ рамзи шаклида ифода этилганлигидадир. Бу рамзи аломатлар халқимиз тарихида қадимдан Исломгача ҳам қулланилиб, давлатчилик сиёсий атрибути сифатида хорижий душманларга қарши курашда ўлкамиз халқларини ана шу туғлари остида бирлаштирганлар, босқинчилардан ўлкамизни, она тупроғини тозалаганлар.

Темур ва темурийлар шу байроқлар остида марказлашган йирик кучли құдратли давлатни, унинг сиёсий маъмуриятини Туман оғаси (үн минг боши), минг боши, юз боши, ўн боши\* шаклидаги қадимги мансаблари беклар беги ёки амирал умаро мансаблари, Темур ва темурийлар сарой маросимлари эса Хоразмшохлар, Салжуккийлар тартиботига мувофиқлаштирилиб, солиқ системаси ва мафкуравий тамойиллар Ислом дини ва Қуръон таълимотига уйғунлаштирилиб, уларнинг мазмун моҳияти давлатнинг қонуний-сиёсий ва мафкуравий атрибутлари-давлат герби, мадҳияси ва байроғида мужассамлаштирилиши Амир Темурнинг тенги йўқ давлат арбоби, билимдони, икки таълимот моҳиятини атрофлича

---

\* *Темур тузуклари. Тошкент. 1991, 82-83 бетлар.*

\* *Қаранг. Ҳерман Вамбери. «Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи». Тошкент, 1990, 35-бет.*

ўзлаштирган зукко аллома, инсоний руҳиятни давлатчилик сиёсатига уйғунлаштира олган кучли ирода ва табиий талантга эга бўлган Соҳибқирон эканлигидан далолат беради. Бу қобилият ўғли Шоҳруҳ Мирзода, невараси Улугбек Мирзода ва бошқа темурийлар сиёсий фаолиятида ўз ифодасини топганлиги темурийлар давлатчилик салоҳиятининг давлатчилик тарихига таъсир этиб салмоқли, маънавий из қолдирилишига сабаб бўлганлигидадир.

Амир Темур ва темурзодалар – Шоҳруҳ Мирзо, Улугбек Мирзо ва бошқа темурийлар давлатчилигининг ўзига хос моҳияти диний Исломий тасаввуф тамойиллар, дунёвий сиёсий қонуний салоҳият ўзаро уйғунлашиб құдратли салтанатга айланганлиги бу давлатнинг адолатли ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, турмушга тадбиқ этишида ҳам ўз ифодасини топганлигидадир ва жаҳон цивилизациясига таъсир этганлигидадир.

Диний тасаввуфчиликни мустаҳкамлашга, социал адолатни ўрнатишга асосланган Амир Темур давлати ва унинг бутун маъмурияти адолатли ҳуқм юритиш, дәхқонларга шафқат билан қарashi, савдони ҳимоя қилишлари қонуний одат бўлиб қолган эди. Ҳатто қўшинлар,

уларнинг маъмурияти ҳам аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш зарур эди\*..

Маъмурий давлат амалдорлари ҳамма вақт давлат ишларида аҳоли билан ниҳоятда хуш муомала, юмшоқ алоқа ва муносабатда бўлишлиги шарт қилиб кўйилган эди. Амир Темур давлатчилигининг сиёсий салоҳияти шундан иборат эдикӣ, бу салтанатни еттита Вазир-вазирлар маҳкамаси қойил-мақом қилиб бажарган. Давлат қонунчилигини ҳатто Амир Темур фаолиятини ҳам назорат қиласиган 2 та вазир – Махмуд Шаҳоб Хурсоний ва Насриддин Махмудлар амалга оширган. Салтанатда қаттиқ интизом ва ижтимоий адолат кучли бўлган. Айниқса амалдорлар аҳолидан солиқ йиғишда зўрлик, зўравонлик, қамчи ишлатиш қатъиян ман қилинган. Бу хақда Амир Темурнинг ўзи шундай деб ёзади: «Ҳар бир воли ўзининг қамчиси каби аҳамиятга эга бўлмаса, у киши тўралик мансабига лойик эмас»\*.

---

\* Қаранг. Ҳерман Вамбери. «Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи». Тошкент, 1990, 35-36 бетлар

\* Қаранг. Ҳерман Вамбери. «Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи». Тошкент, 1990, 36-бет.

Шунинг учун Амир Темур давлатининг социал-иқтисодий муносабатлари инсонпарварлик ғояларига асосланганлиги билан ўзига хос сиёсий бошқармаси (концелария) маҳкама – Девони бузургдан ташқари, ҳар бир вилоятдаги мавжуд Devonлар бошқарма-маҳкамалар барча давлат ва унинг шариат ишларини социал-иқтисодий муносабатлар билан: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар-бозорлар, ҳаммомлар, масжиду-мадрасалар, йўллар, кўприклар қуриш, ирригация тармоқларини сув билан таъминлаш ишларига қараб туриш аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳолатларини, диний, исломий тамойиллар – тасаввуф-чилик қонун – қоидаларини уйғунлаштириш асосида назорат қилиб туриш ишлари билан боғлаб олиб борганлар ва шу услугуб асосида фаолият кўрсатганлар. Ҳар бир девон, маҳкамада кирим чиқимларни ҳисобга олиш дафтарлари мавжуд бўлган ва улар турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида қайд қилинган\*. Вақтин-вақтин бу иқтисодий-молиявий ҳаражат-даромадлар ревизия, тафтиш, тергов, қилиниб турилган. Текшириш ва ҳисобга олиш ниҳоятда қаттиқ бўлиб, унинг натижаларини Амир Темур, темурийлар даврида эса Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек Мирзолар ўzlари кузатиб турганлар. Жиноятчилар қаттиқ жазога тортилган. Айниқса ўз амалини сунистеъмол қилган, порахўрликка берилган, доимо ичкилиkbозлик, майший бузуқлик билан шуғулланганлар ҳам давлат қонунчилиги ва диний Ислом шариати асосида қаттиқ жазога муфтало этилганлар. Жазога тортилганларга айниқса Амир Темур ниҳоятда қаттиқкул бўлиб, бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва невараларини ҳам, қариндош уруғларини ҳам, ҳарбий

бошлиқларни ҳам аяmas эди. Юқорида таъкидлаганимиздек ўз ўғли Мироншох, невараси Амирзода Пирмуҳаммадларни (Умаршайхнинг тўнгич ўғли) халқ олдида қаттиқ жазога тортганлар. Амир Темур давлатининг обрў-эътибори, шон-шуҳрати ва мустаҳкамлиги ҳам шундан иборат эди.

Амир Темур ва ўғли Шоҳруҳ Мирзо ўз салтанатини мустаҳкамлашнинг яна бир имкониятлари шундан иборат эдиким, юқоридагидек кескин вазиятларда диний Ислом шариати тамойилларидан кенг кўламда фойдаланиб диний Ислом маросимларига қатъий риоя қилас, тасаввуф таълимоти

---

\* *Иброҳим Мўминов. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли». 1993, 33-бет*

намоёндаларининг мулоҳаза, таклиф ва фикрларини ҳисобга олар, жамоатчилик олдида уларнинг обрў эътиборини оширап, нафақат давлатнинг энг муҳим сиёсий ишлари олдидан, балки жамоат билан жанг олдидан намоз ўқиб, мулоҳаза юритар, бу эса жангчиларга жанг олдидан мардлик ва жангларнинг муваффакиятли бўлишига қатъий ишонч туғдирап\*, жамоатчиликка умид бағишлар эди.

Шу тариқа Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо давлатни мустаҳкамлашда пайғамбар авлодларига, қўл остидаги мусулмон давлатларида катта обрўга эга бўлган руҳонийларга катта ишонч ва юксак хомийлик кўрсатиб, ўзларига яқинлаштириб, давлатчилик ва сиёсий режаларига уларни кенг кўламда жалб этишлиги ҳам катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам диний Ислом уламолари, тасаввуфчилик намоёндалари эса Амир Темурни илоҳий ва афсонавий қаҳрамонга айлантирап, раият ва жангчиларни бунга ишонтира олар эди. XIX аср рус-ҳарбий тарихчиси генерал И.Иваниннинг «Икки Буюк Саркарда. Чингизхон ва Амир Темур» деган 1875 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган китобида келтирилган қўйидаги фикрлар қисман бўлсада ҳақиқатга яқиндир. У шундай деб ёзади: «Руҳонийлар Амир Темурни аср қаҳрамони, эътиқод таянчи ва курашчиси, пайғамбар хуш кўрган одам деб эълон қилдилар. Улар энг тақвадор кишилар камалак янглиғ илоҳий нурнинг Муҳаммад Пайғамбар қабридан чиқиб Оллоҳнинг бандаси Амир Темурнинг елкасига туташганини ва унинг бу илоҳий нурга чўлғанганини кўрганлари ҳақидаги миш-мишни тарқатдилар ва қўллаб-куватладилар. Шу туфайли унинг барча тадбирлари қўшинлари учун фалакнинг азму-қарори, энг шафқатсиз ишлари ҳам тақдири азалнинг иродаси, Оллоҳнинг ғазабига учраганлари учун буюрилган жазо бўлиб ҳисбланаарди. Унинг ўзини эса золим ва адолатсиз ҳукмдорларни, Муҳаммад пайғамбар қонунларини бузган ҳаёсиз ва гуноҳга ботган мусулмонларни жазолаш учун юбориленган оллоҳнинг Ердаги қуроли деб ҳисблардилар. Амир Темур қўшинлари ортидан борувчи муллалар ва дарвишлар унинг ҳар бир ҳатти-харакатини унинг фойдасига талқин

қилиб, ҳар бир ташаббусини яхшилик аломати қилиб кўрсатардилар. М.Иванин яна давом этиб: «Амир Темур ҳақида тарқатилган довруғвор бошқа давлатлар ва ерлардаги эътиборли

---

\* *М.Иванин. Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур. Т., «Фан». 1994, 160-бет*

одамларни, ўрдалар ҳокимларини ҳаттоки қароқчи тўдалар йўлбошчиларини ҳам ўзига жалб этарди» - деб ёzádi.

Буюк Соҳибқирон ва унинг халқи учун маҳаллий бўлган бу зотнинг фикри қанчалик тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар Амир Темур ва Шоҳруҳ Мирзо ҳақиқатда Муҳаммад динига ва унинг ҳомийлари тасаввуфчи намоёндаларига нисбатан эътиқоди кучли бўлиб, Ислом динини мустаҳкамлаш, уни янада ривожлантириш учун ҳамма имкониятдан фойдаланганлар, ўз навбатида диний ислом арбоблари ҳам темурий давлатини мустаҳкамлаш учун қўлларидан келадиган ҳар қандай ташвиқот, тарғибот ва шариат ишларини аямаганлар. Аммо Амир Темур ва темурийлар давлат сиёсатида биронта диний йўналишга қўшилмай диний ҳақиқат йўлини қўллаб қувватлаганлар.

Амир Темур давридаёқ мамлакатда диний Ислом арбоблари ҳомийлигига давлат сиёсати орқали тиланчилик, гадочилик бекорчи-безорчиликни, ўғрилик, қароқчиликни тугатган эди. Мамлакатда «маҳсус» қаландар, дарвишлардан (улардан Амир Темур ва темурийлар давлатининг манфаати йўлида самарали фойдаланганлар) ташқари ҳамма бекорчи-безориларни тугатиб, уларга мамлакат сарҳадларидан иш топиб берган. Агарда бекорчи-безориларни янада кўрса, айниқса белгиланган ишда ишламай янада гадойлик, безоричилик қилса қаттиқ жазога ёки мамлакатдан чиқариб юборишгача олиб борганлар.

Мамлакатнинг ҳар бир сарҳадида ҳокимликда, беклик, туман ва вилоятда безорилик, ўғирлик, талон-тарожлик юз берса, биринчи навбатда амалдор-ҳоким, амирлар ҳам жавоб берган. Амир Темур ўз «Тузуклари»да шундай деб ёzádi: «... буюрдимки ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин»\*. Ушбу тузукларида яна шуни ёzáдики, «Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни «Ёсо» асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Эзма-бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар»\*, - деб қатъий қонуний фармон берганлар. Буюк Соҳибқиронга узлуксиз фармонлари бажарилиши якунларини хабардор қилиб турганлар.

---

\* *Темур тузуклари. Тошкент, 1991, 95-бет*

\* ўша жойда 94-бет

Хатто мамлакат сарҳадлариға нима воқеа бўлаётгани, четдан кимлар келиб, кимлар четга чиқиб кетаётганлиги ҳар бир вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларда амалдорлар, солиқчилар қандай ҳаракат қилиб нима ишлар билан шуғуланаётганлиги ҳақида шахсан Амир Темурга Шоҳруҳ ва Улуғбеклар даврида ҳам узлуксиз салтанат сардори оламини хабардор қилиб туриш бу соҳа бўйича масъул давлат маъмурияти ходимларининг қатъий вазифаси бўлган.

Амир Темур «Тузуклари»да бу ҳақда шундай ёзади: «Ҳар бир сарҳад вилоят, шаҳар ва лашкарда, ҳар бир ёзувчи (хабарнавис) лар тайин қилсинларки, раият, сипоҳ ўзининг ва ёт-бегона лашкарнинг ҳатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин. Атрофдан кирган чиқсан ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қушин подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзлаган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни ростлик-тӯғрилик билан ёзиб турсинлар». Темур ва темурийлар давлатчилик сиёсатида муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, хабарлар ўз вақтида берилмаса ёки нотўғри хабарлар берилса, бирон хабар онгли равишда олий ҳукмдорга етказилмаса масъул шахсларни қаттиқ жазога тортганлар. Амир Темур ўз «Тузуклари»да шундай сатрларни ёзганлигини ўқиймиз: «Агар бунга (ростлик-тӯғрилик хабари – А.Ш) хилоф иш тутгудай бўлсалар, (бўлиб ўтган) воқеаларни ёзмасалар, ёзувчининг хабар ёзган бармоқлари кесилсин. Агар хабар ёзувчи сипоҳ ишларини яшириб, хабарига бошқа либос кийгизиб (ёлғон) ёзган бўлса унда ҳам қўлинин кессинлар. Агар ёлғон хабарни тўхмат ёки бирон ғароз билан ёзган бўлса, уни қатл этсинлар. Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, хафтама-хафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар». Бу хабарларни олий ҳукмдорларга ўз вақтида етказиб туриш учун маъмурий хизмат тартиботи ҳам қатъий ўрнатилиб, мамлакат сарҳадларининг ҳамма марказларида маҳсус ишлар ташкил этилиб, масъул ходимлар билан ва бу ходимлар эса зарурӣ моддий воситалар, куч ва транспорт билан таъминланган эдилар. Шу тариқа давлат ахборот ишларини қатъий амалга ошириш тартибини ўрнатган эди ва бу тартиб бутун темурийлар ҳукмронлиги даврида бузилмаган.

Амир Темур ва темурийлар давлатчилиги сиёсатида, марказлашган қудратли давлатни мустаҳкамлашда армияга асосий диққат эътиборини қаратган, салтанатнинг кучи ва мустаҳкамлиги армия деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўзининг давлатини ташкил этишда армия асосий қуролли восита, кучли қудратли марказлашган йирик империяни вужудга келтиришда асосий роль ўйнаганлиги, тожу-тахт олдида хизмати бениҳоя катта бўлганлиги сабабли армияни мустаҳкамлаш улуғвор мақсадли вазифа ҳисобланиб армияни жаҳон миқёсида салоҳиятли ва муентазам қудратли армия даражасига кўтара олган. Амир Темур жаҳон подшоҳлари тарихида йирик ҳарбий стратег саркарда сифатида давлат

сиёсий фаолиятини армия билан, армия салоҳияти ва мунтазамлигини, давлат сиёсати билан узвий боғлаб диний Исломий куч-қудрат, илохий салоҳият ва шариат тамойиллари, ижтимоий-сиёсий жамият қонуниятлари билан уйғуллаштира олган уч қудратли халқани бирлаштириб ягона символга айлантира олган давлат арбоби, йирик саркарда эди. У сиёсий армия ва диний эътиқодни бирини-биридан устун қўйиш учун эмас ана шу учта қудратли кучни яхлит бирликка айлантиришга моҳиятини уйғуллаштиришга ҳаракат қилди ва унга эришди. Темурийлар эса бу тамойилни давом этказди. Шунингдай таъкидлаш лозимки 1992 йилда чоп этилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» 1-китобида Амир Темурнинг бу фаолиятини сиёсий мақсад учунгина ҳокимиятни эгаллаб, диний эътиқоди турли мазҳабдаги халқларни гўё сиёсий мақсадлари учун лақиллатиш услуби билан ҳаракат қилган деган бир томонлама мунозарали фикрни илгари суради. Бу китоб авторлари шундай деб ёзади: «... сиёсий мақсадни эътиқоддан устун қўярди. Масалан, у (Амир Темур – А.Ш) Суриядга Али мазҳаби ва унинг авлодларини ҳимоя қилган бўлса, Хурсонда суннийларни қўллаб-кувватлади ва ҳаказо»\*. Бу билан китоб муаллифлари Амир Темур «эътиқодли» бўлиш учун Исломда мазҳаблар урушини олиб бориш керак эканда» – деган фикрни илгари сурмоқчи бўлганлигини пайқаш қийин эмас. Амир Темур ва темурийлар диний эътиқодда соҳталикка йўл қўймаган, бунинг учун улар ўзларининг сиёсий мақсадларида диндан, Исломдан фойдаланиш учун бир томонлама фаолият кўрсатмаганлар, Амир Темур ва унинг авлодлари диний эътиқодни сиёсатдан паст қўймасдан мазҳабчиликка берилиб уларни бўлиб юбориш учун эмас, балки бирлаштириб, ягона

---

\* Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-китоб. Тошкент, «Фан» 1992, 161-бет

кучга, ягона эътиқодга айлантириш мақсадида диний Исломий ҳақиқат учун кураш олиб борганлар. Улар сиёсий фаолиятларида армияни мустаҳкамлашда ягона Исломий эътиқодга қаттиқ риоя қилганлар, ҳатто армиядаги ғайри дин вакилларига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлганлар. Исломий тасаввухчилик ғояси Амир Темур армиясининг қудратли мафкуравий эътиқоди бўлган. Шу сабабли Амир Темур ва темурийлар армияси кўп миллатли мунтазам армия бўлиб шаклланган. Исломий эътиқодни ҳамма ерда, ҳамма вақт ҳимоя қилувчи, мустаҳкамловчи, ғайри, қора ниятилар ҳужумидан сақловчи қудратли куч бўлиб ҳисобланган.

Соҳибқирон қуролланган ва ўргатилган кучли армияга асос солди\*, Амир Темур ва темурийлар давридаги армия ва, иккинчидан, вилоят, уруғ-қабила бошлиқлари ихтиёридаги лашкарлардан иборат тартибда тузилиб доимий мунтазам армия Марказий давлатга, подшохга, хоқони сайидга,

Амир Темур даврида эса Соҳибқироннинг бевосита ўзига буйсунган бўлиб, бу армия доимий хизматда давлатни қуриқлайдиган қурчи, қоровул, хировул, навкарлар махсус герик (гвардия) дан иборат отлиқлар ва пиёдалардан иборат бўлган. Бу армиялар кўпгина мамлакат сарҳадларидағи мустаҳкам қалъаларда жойлашиб, салтанатни қуриқлаб уларнинг вазифалариға мувофиқ қумондонлари, саркардалари, амирлари бошчилигида ҳар қандай вазият бўлмасин доимо тайёр бўлганлар. Амир Темур ихтиёридаги аймоқдан 12 та аймоқ бошлиқлариға тамға берилиб навкарлари, ҳарбий қўмондонлари даражасига, қолган 28 аймоқ бошлиқлариға эса улус амирлиги берилиб «юриш жанг жадал вақтида»\* ўз усулларидан отлик аскар тўплаб (лашкарлар) ҳозир бўлиш вазифалари берилган.

Амир Темурнинг бу мунтазам доимий армияси отлик ва пиёда, пиёда ва отлик армия бўлиб, ҳар қандай ҳолатда шароитга мувофиқлашган вазиятда ҳаракат қилишга ўргатилган армия эди. Отлик армия енгил ва оғир отлик қўшинлардан иборат бўлиб, яна қўшимча қўшин турлари: 1) потончилар (кўчма кўприк йўл в.х. қурувчилар); кемачилар (дарё ва кўлларда юришни ташкил этувчилар); 2) нафтандозлар (олов, ўт отгувчилар, портловчи моддаларни портлатувчилар, булар

---

\*Б.Аҳмедов. «Амир Темурнинг давлатни идора этиши сиёсати». Журн.»Мулоқот» 1994, 86-87-бетлар

\* Қаранг. «Темур тузуклари». Тошкент, 1991, 86-87-бетлар  
кўпинча Григориан ва Юнон оловларидан иборат мосламалари бўлган); 3) қамал қилувчи тош отувчи ва тоғда юрувчи жангчилардан иборат бўлган махсус қисм гвардиячилари бўлиб\* инсонни ваҳимага соладиган, ҳарбий ҳаракатларни бажара олган армия бўлган. Бу қисм армия учун тоғлар ва тоғли йўлларда юриш, жанг қилиш, тоғли қалъаларни эгаллашда уларга тенг келадиган сараланган армия ўша даврда жаҳонда бўлмаган. Шу билан армияда махсус қисмлар, яъни армияни от-улов, транспорт, озиқ-овқат билан таъминловчи ва махсус маркитантлар (қўшинлар бирга савдо-сотик билан шуғулланувчилар), армия учун отларни боқадиган, ветеринария хизматлари билан шуғулланувчи мутахассислар қисми мавжуд бўлган. Темур армиясида махсус аёллардан иборат жангвор қисмлар ҳам мавжуд бўлиб, жангда моҳирлик кўрсатган ўқчи, найзабоз, камончи ва моҳир қиличбоз бўлганлар.

Амир Темур ва темурийлар армияси қандай қўшинлар бўлишидан қатъий назар унликлар, юзликлар, мингликлар, туманлар (10 минг ёки 12 минг жангчи)дан иборат бўлган бўлиб, уларга ўнбоши, юзбоши, мингбоши (элликбоши) ва беш юз боши ҳам бўлган) ва амирлар бошчилик қилиб, амирлар бирдан ўн икки даражагача бўлинган бўлиб, улардаги армия сони қабилалардан йиғилган лашкарларга ҳам боғлиқ бўлиб, айрим тарихий

маълумотларга қараганда ҳар бир амирда (қабила бошлиғи ёки ҳарбий саркарда – А.Ш) 40 мингта жангчиларгача етган. Амирлар устидан эса маълум нуфузга эга бўлган Бош қўмондонлар бўлган. Армияда лавозим тайинлаш – ҳарбий унвон бериш талантли ва қобилиятли жангчилардан армия ичидан танлаб олиниб, ўнбошилар ичидан юзбошини, юзбошилар ичидан мингбошини танлаб, йиғилишларда муҳокама қилиниб танлаб тайинланар эди. Ушбу система нафақат армияда, балки оддий фуқаролар (раият) ичида ҳам мамлакат, ҳалқни бошқаришда ҳам мансуб, амал, унвон, беришлар ана шу тартиб асосида амалга оширилган. Темур ва темурийлар даврида талантли оддий жангчи ва оддий ҳалқ вакили бўлган фуқаро ҳам нуфузли лавозимли мансаб, унвонларга эга бўлиши мумкин бўлган. Аммо оддий лавозимларга талантли, саводли, билимдон, мулқдор қабила бошлиқлари, аслзода амирзодалар тайинланар эди.

---

\* Қаранг. М.Иванин. «Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур» Тошкент. 1994, 130-бет

Армияга маош тўлаш Темур ва темурийлар даврида ўзига хос характерга эга бўлиб, бу тартиб ҳар бир лашкар жангчи ва зобит (офицер)лар, ҳарбий бошлиқ, қумондонлар учун маъкул эди. Жумладан, Амир Темур узоқни кўра олганлиги, иқтисодий, ижтимоий вазиятни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни чуқур била олганлиги, сабабли. Армияга маошни пул билан эмас, маош жангчига тегишли отнинг нархига teng қилиб белгиланган. Чунки армия у отлик армиями, пиёда армиями, қатъий назар ҳар бир жангчи отга эга бўлган. Шу сабабли оддий жангчи 1-та от, аъло жангчиларнинг маоши 2-тадан 4- тагача отнинг нархига тўғри келган маошни, ўнбошилар 10-та оддий жангчи оладиган маошни, юзбошилар эса 2-та ун боши оладиган маошни, минг бошилар эса 3-та юзбошини маошини олар эди. Жиноят қилган жангчи ўз маошининг ўндан бир қисмидан маҳрум этилар эди\*. Амирлар маошни уларнинг даражасига қараб 1000 ва 10000-гача от нархи, темурийларнинг маоши эса 12000 отгача нарх билан белгиланиб, уларга юқорида таъкидлаганимиздек, вилоят ҳам берилар эди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки кўп холларда пиёда ва армияда, раиятдаги хизматчилар мавқеига қараб 100 тандан 1000 тангагача маош белгиланган. Бу маошга ҳам бир от қиймати бирлик сифатида қабул қилинган. Армияга оддий жангчидан тортиб то ҳарбий бошлиқ қўмондонларгача кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати, мардлиги умуман жанговор хизматлари учун қўшимча мукофотлар, маънавий шарафлашлар, ўлжалар тақсимлашлар, юқори мансабларга кўтариш, фахрий унвонлар бериш, турли жанговор номлар билан аташ каби тартиботлар қатъий қилиб қўйилган эди. Бу тартиботга қўшимча сифатида ҳар бир жангчи ўз сардорига (командирига) ҳар бир сардор ўз саркардасига, ҳар бир саркарда ўз қўмондони, Олий ҳазратларига эътиқодда, садоқатда, меҳру-мухаббат ва иззат-хурматда

бўлиб, уларнинг ҳар бир топшириғи доимо бажарилиши, сиёсий-ҳарбий ва диний йўл билан бажарилиши шарт қилиб қўйилган. Бу тартибот армияга маошлиқ молиявий хўжалик системаси Темур ва темурийлар даври армиясининг ҳақиқатда жаҳондаги биронта армиянинг стратегик жанговор стратегик фаолиятида такрорланмаган ўзига

---

\* Қаранг. М.Иванин. «Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур» Тошкент, 1994, 133-бет.

хос услубий жанговорлик тамойилларига асосланганлиги билан ажралиб туради.

Хатто армияда хизмат қилиб ёши ўтиб кексайиб ҳарбий хизматга ярамай қолган, ногирон ёки жангда ярадор бўлиб қолган, ҳарбий хизматдан бўшатилиб, озод этилганлар. Амир Темур мурувватидан четда қолмаганлар, давлат салтанати сиёсатидан ҳам баҳраманд бўлганлар. Амир Темур бу ҳақда «Тузуклари»да шундай деб ёзади: «Қайси сипоҳий, ... ярадор бўлган бўлса, уни тақдирлаб инъом берсинлар» ва яна давом этиб: «Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етаркан, уни улфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб боқий ҳаётларини фоний накди учун аямаганликларининг ўзигина ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойикдирлар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар», - деб ёзиб инсонпарварлик хислатини, давлат, ватан олдида кўрсатган ҳар бир сипоҳнинг хизматини қадрлаш зарурлигини ўқтирган.

Армияга Соҳибқирон томондан қилинган бу мурувватлар, давлатчилик сиёсатидаги бу эътиборлар диний масхаби қандай бўлишидан қатъий назар барча халқ вакилларига Темур ва темурийлар армияси сафларида халол, вижданан хизмат қилганларга маъқул эди. Темур ва темурийлар армиясининг куч-қудрати ва мунтазамлиги ҳам ана шунда эди. Бундан ташқари армияда бу ижтимоий, сиёсий ва жанговорлик руҳини мустаҳкамлашда диний ислом намоёндаларининг ҳам роли эътиборли эди. Чунончи, Соҳибқироннинг руҳий ва боқий пирларидан ташқари талантли мунажжимлардан Шамсаддин Маълавий, Шарқда ўзининг билими билан машҳур бўлган олим мунажжим Абдуллохлиссом кабилар\*, Қуръони Каримнинг машҳур ташвиқотчи-тарғиботчиси, тасаввуфчи олим Мавлоно Жамолиддин Аҳмад ах Хоразмий (У Темурнинг набираси Муҳаммад Султон қароргоҳида имом эди)\* лар шулар жумласидандир. Чунки армияда буюк Соҳибқироннинг ҳар бир жангчига бўлган эътиборини, ёрдам ва мурувватини, инсонийлик хислатларини, ҳатто хиёнатчиларга нисбатан даҳшатли жазоларини ҳам катта мовий қизил түгни илоҳият белгиси, сеҳирли кучга эга эканлигини ислом эътиқоди, пайғамбарлар

*\*Темур тузуклари, 79-бет*

*\* Иванин. «Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур». Тошкент, 1994, 188-189 бетлар*

ривояти ва оллоҳ инояти билан боғибот қилувчи ташвиқотчилар, закий ва шоирлар, зариф ва адиблар, ҳадиснавис ва фикҳчи, тарихнавислар кўп эди. Улар билан бир қаторда машҳур уламолар, сайдилар, хожалар, шайхлар, имомлар, муҳақиқлар, турли илмлардан дарс берувчи мудақиқлар, ҳадис, Қуръони Карим, «Ихъ-ал-улм» ва диний дунёвий китоблар ва таълимотлардан тушунтириб таҳрир этувчилар кўп эди. Армиядаги бу гуруҳ кишиларнинг вакиллари армиянинг ҳар бир бўлими, қисмида мавжуд бўлиб, улар ниҳоятда билимдон, тажрибали сўз устаси – нотик, бағоят хуш сухан, ширин сўз, сер латофат сўзлари, равон армияни ўзига жалб этувчи мафкура намоёндалари бўлиб уларнинг ҳар бир олиб борган тарғибот ишлари диний Ислом эътиқоди, тасаввуфчилик руҳияти ва Амир Темур фаолияти, давлатчилик салтанатини уйғунлаштириб, илоҳийлаштириб бутун жангчиларнинг диққат эътиборини, руҳий-иҳлосчилик эътиқодини Соҳибқирон фазилатига мувофиқлаштириб, илоҳий бағишилар эди. Натижа эса Амир Темур ҳар бир жангчи учун садоқатли ҳомий, улуғ зот, оллоҳнинг ердаги сояси даражасигача кўтарилиганди. Амир Темурнинг ашаддий мухолифларидан бири Ибн Арабшоҳ бу ҳақда шундай деб ёзади: «Уларнинг куфирликлари ва унга бўлган муҳаббати шунчалик даражада эдики, башарти Темур пайғамбарлик ёки худоликни даво қилса албатта улар унинг (Темурнинг – А.Ш) давосини тасдиқлар эдилар. Улардан ҳар қайсиси унга (Темурга) бўлган муҳаббатини восита қилиб, ўзларини тангри таолога яқин тутардилар. Агар улардан бири қандайдир шиддатга учраса, (Темурга) назар бағишилаб, ўз назирига вафо қиласди\*. Бу фикрлар буюк Соҳибқиронга нисбатан қанчалик ғаразлиқ билан ёзилган бўлишига қарамасдан ўша даврдаги бор ҳақиқатни сипоҳлар, раият, бутун фуқароларнинг уламою алома ва давлат маъмурияти ходимларининг Амир Темурга бўлган иззат хурмати ва муносабатини тўғри билдирган. Ҳақиқатда Амир Темур ўз салтанати сарҳадларида буюк шахс даражасига кўтарилиганди. Бундай юксак фазилатга эришишда дастлаб буюк Соҳибқироннинг чексиз таланти ва тасаввуфчилик таълимоти намоёндалари бўлган олим-уламоларнинг, содиқ шогирдларнинг, давлат салтанати ходимларининг, мунтазам

---

*\* Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб, 97-бет*

лашкар, армия жангчиларининг, оддий сипоҳ ва машҳур саркардаларнинг, амирларнинг садоқатлиги натижаси эди. Энг муҳими Амир Темурдек буюк шахсни ва темурийлардек фарзандларни етиштирган Турони-замин ҳалқи, Соҳибқирон салтанати, салоҳиятини оширишда садоқатли хизмат қилган

раиятнинг саховати, халқига жонқуяр, ўз фарзандларига бўлган чексиз муҳаббатининг натижаси эди. Чунки давлатнинг, армиянинг куч қудрати, салтанатнинг салоҳияти диний эътиқоднинг мустаҳкамлиги юрт бошининг обру-эътибори, халқига, раиятга боғлиқ. «Давлатнинг борини ҳам, йўғини ҳам ўша раият, яъни қора халқ қилади», - деб ёзади таниқли тарихчи олим Б.Аҳмедов\*. Бу қонуний жараёнларни яхши тушунган Амир Темур ва темурийлар Шоҳруҳ Мирзо, унинг ўғли Улуғбеклар ҳамма вақт диний ислом гоясига, сипоҳларнинг жанговорлигига, раиятнинг руҳига доимо бир кўз билан қарадилар, адолат, инсоф билан иш тутиб\*, давлатнинг бошқа қудратли кучлари қатори «қора» халқни-раиятни доимо тинч-осойишта, салтанат сиёсатидан рози бўлиб, қўллаб-қувватлаб яшаш учун моддий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан эркин, teng ва жабрсиз, сиқувсиз, муҳтожсиз ҳаёт кечириш учун мувофиқ сиёсат юргизди, раиятни алдамадилар, талабини амалда бажардилар, оқибатда халқнинг чексиз ҳурматига сазовор бўлдилар. Чунки Амир Темур раиятнинг салтанатга бўлган муносабати иқтисодиётнинг молия, солик ва нарх-наво соҳасида маълум бўлишини билгани учун бу сиёсатда Соҳибқирон халқ раият манфаатини кўзлаб иш юритди. «Тузуклар»да шундай ёзади: «Раиятдан мол хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солищдан сақланиш зарур, чунки раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг қашшоқлашишига олиб келади. Хазинанинг қашшоқ бўлиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши эса, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб келади»\*, - дейди. Нихоятда оқилона фикр.

Умуман олганда Темур ва темурийлар давлатчилик сиёсатида меҳнаткаш халққа жабр зулм ўтказишга ҳаракат қиладиган ҳар қандай соҳа намоёндалари, яъни амалдорлар,

---

\* Б.Аҳмедов. «Амир Темурнинг давлатни идора қилиши сиёсати». Журн.

«Мулоқот», 1994, №5-6 (41-42)

\* Ўша жойда.

\* Темур тузуклари. Тошкент, 1991, 98-бет

савдо-сотиқ ходимлари, молу-хўжалик, нарх-наво мутасад-диларини қаттиқ назорат остига олганлар, раиятга жабр қилганларни қонуний йўл билан қаттиқ жазолаганлар, шариат тасаввуфчилик тамойилига мувофиқ қоралаганлар.

Амир Темур ва темурийлар давлатни, мамлакат сарҳадларини бошқариш салоҳиятида ҳатто давлатни бошқаришда диний ислом тасаввуфчилик тамойилларидан фойдаланганда маслаҳат, кенгаш, машворат ва қурултой каби демократик тамойилларга катта эътибор бериб, бу услубдан самарали фойдаланганлар.

Соҳибқирон ва унинг ўғиллари, неваралари даврида ички ва ташқи сиёсатда, давлат, фуқаро ишларида доимо ва узлуксиз кенгаш, машварат орқали муҳокама, мунозара қилиб кўпнинг, халқ вакилларининг, мансабдору-амалдорларнинг, олиму-уламоларнинг, саййиду-шайх ва имомларнинг фикри, мулоҳаза ва таклифу хulosаларини эшитиб иш тутганлар. Амир Темур давлатчилик соҳасида бирон-бир ишни амалда оширмоқчи бўлса «тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутиш»\* – лигини ўз «Тузуклари»да уқтиради. Темур ва темурийлар даврида ҳозирги даврдаги Олий мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар ўтказадиган йиғилишлардек, вазифа бажарадиган кенгаш ва машваратлардаги кўриладиган масалалар ҳар-хил бўлганидан уларнинг вазифалари ҳам турли хил бўлган. Масалан, Кенгаш бу яқин ишончли одамлар, давлат сиёсий бошқарув системасида муҳим нуфузли лавозимга эга бўладиган шахслар бўлиб, давлатчилик соҳасида муҳим зарурий долзарб ишлар юзасидан йиғилиб муҳокама ёки маслаҳатлашиб оладиган йиғилиш ҳисобланган. Машварат эса диний ва дунёвий давлатчилик ишларини муҳокама қилиш учун олиму, уламо фузало, шайх машойихлар, вузаро, умаро ва бошқа аркони давлат вакилларини тўплаб ўтказадиган ҳажми ва моҳияти катта йиғилишлардир. Буюк Соҳибқирон ўзининг бутун умри давомида давлатни бошқаришнинг ана шу икки демократик бошқариш услугидан самарали фойдаланган. Кенгаш ва машваратда Амир Темур ҳаммани баббаравар эшитиб, ўзича ўйлаб, хulosha қилиб кейин фармони олий берган. «Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлар. Бири – тил учida айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учida айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган

---

\* «Темур тузуклари». Тошкент, 1991, 92-бет

маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим\*. Яна соҳибқирон ўз «Тузуклари»да давом этиб: - «Лекин бирон ишни қилмоқчи бўлсан, кенгашиб олгач, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим», – деб ёзади. Бу билан Амир Темур давлат сиёсатини диний ислом тамойили, тасаввуфчилик қонунияти билан уйғунлаштириб,

мувофиқлаштириб бажарганлигини кўрсатди. Бу давлатчилик тартиботини темурийлар узлуксиз давом этказиб Турони- замин халқлари тарихида ўчмас из қолдирдилар. Ҳозирги авлод фахрланишига арзийдиган давлатчилик ва диний тасаввуфчилик меросини яратиб кетганлар.

## АМИР ТЕМУРНИНГ МАЊНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ.

Амир Темур нафақат талантли саркарда, йирик давлат арбоби, буюк жаҳонгиру-соҳибқирон, балки ажойиб бунёдкор, илму-фан, маданият ривожининг жонкуяр ғамхури, рахнамоси ва йўлбошчиси, икки таълимот

билимдени, шу билан чексиз инсоний фазилатта эга бўлган шахс ҳам эди. Унинг рақибларидан бири Фарб айғоқчиси епископ Ионанн Гринлонинг фикри билан айтадиган бўлсак: «Амир Темур илму Қуръон ва илму фикхда шунчалик забардаст эдики, у билан ҳар қанақа мусулмон олими бу мавзуда беллаша олмаган», - деб ҳақиқатни ёзиб қолдирган эди. Унинг бутун фаолияти давлатчилик салоҳияти, ҳарбий иқтидорлиги, саркардалиги иктисодий маъмурчиликнинг яратувчиси, исломий тасавуфчилик ҳақиқатлиги, ижтимоий адолатлиги, адолатсизликка шавқатсизлиги, сотқинга, нодонга бетоқатлиги, жангда қаҳрамонлиги, мардлиги, таъсирилиги, оғир ва қийин вазиятларга ўта бардошлилиги ва сабр-тоқатлилиги, фаросатлилиги, фикрлашшлилиги, аниқ хулосага эга бўлишилиги вазиятга аниқ ва тўғри баҳо беришилик каби хислатлари жаҳонга машҳур шахслар қаторидан ўрин эгаллашига сабаб бўлди.

Соҳибқирон Амир Темур жуда катта территорияда (карийиб 27 мамлакат) ўз салтанатини ўрнатиб, кучли ижтимоий-сиёсий, маънавий ва моддий салоҳият тизимини

---

\* *Темур тузуклари ... 16-бет*

вужудга келтирди. Кучли давлат, мустаҳкам империя, Марказий Осиёда кўп миллатли мустаҳкам давлатни ташкил этди. Бу муваффақиятни қўлга киритища у ўзига хос қонун-қоидани, сиёсий, ҳарбий, маъмурий бошқа ишнинг шарқона, туроний принципига асосланган нормативларини ўрнатди. Зўравонлик, зулм, эътиқодсизликка, ёлғончиликка, сотқинлик, ифлосликка қарши шавқатсиз кураш олиб борди. Ғайри ниятли (душманлик нияти бўлса), Ислом эътиқодига қарши бўлганларга кескин зарба берди. Илму-фан, маданиятни, қадимий меросий қадриятларимизни ривожлантириб, жаҳон цивилизацияси ренессанси даражасига кўтарди. Шу сабабли унинг номини нафақат Туруни-замин халқлари, балки жаҳон халқлари иззат-ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олмоқда.

Унинг салоҳиятли фаолиятидан фазилатлари асосан қўйидагилардан иборат:

У ўзи яшаган даврнинг бутун ижтимоий-сиёсий холатини чуқур ўзлаштириб, билиб, ўзига аниқ мақсадни танлаб олиш ва уни хал этиш йўлларини аниқлаб олиш фазилатига эга бўлган ягона шахс эди. Амир Темур салтанат сохиби сифатида ўзининг фаолияти жараёнида Ислом динига садоқат, Муҳаммад Пайғамбар авлодларига, мусулмон дунёсида катта обрў-эътиборга эга бўлган рухонийларга хомийлик қилди. Улар эса ўз навбатида ҳамма вақт, ҳамма шароитда Амир Темур сиёсатини қуллаб-қувватлаган, унинг амри фармонларига содик бўлган. Унинг ҳар бир ҳарбий юришида дарвишлар, муллалар, саййидлар қўшинлар билан доимо бирга бўлган, жангчиларини ғалабага илоҳий рух сифатида рухлантирган. Тинчлик вақтида, улкаларда ҳам, халқ оммаси ўртасида Амир Темур

шахсини турли услублар билан илоҳийлаштиришга, унга тобеъ ва буйсунишга, Оллоҳ иродаси, унинг Ердаги Қуроли деб ҳар бир ҳаракатини Тангри иродаси деб талқин этганлар. Бутун Темур империяси территорияси, Ислом дунёси халқларини ана шу ғояга буйсунишлариға Оллоҳ иродаси билан ҳаракат қилғанлар. Амир Темурда эса бу мақсадларга монанд кучли қобилият, комил инсон фазилатлари бўлган.

Амир Темур Исломнинг ҳамма эътиқодларига, маросимларига қаттиқ риоя қилар, тоат-ибодатни канда қилмас, ҳатто жанг олдидан ҳам бошқалар билан бирга намоз ўқиши, кечалари якка ўзи тоат-ибодат қилиш, Қуръондан суралар тиловат қилиш билан узлуксиз шуғулланар эди. Бу нафақат жангчиларда, оддий халқда ҳам бу ҳаракат Темурга нисбатан хурмат, ишонч ва мардлик, жангварлик бағишилар эди. Ислом дунёси уламоларида унга ишонч, итоат этиш, хомий сифатида намоён бўлишга сабаб булар эди. Бундай инсоний фазилатлар ҳаммага ҳам муносиб булабермаган.

Амир Темур нафақат қўшинларга талантли саркарда, лашкарбоши, балки қобилиягли кадрларни танлаш маҳоратини узлаштириб ола олган, янги буйсундирган давлатларни бошқариш, мамлакат ичкарисида давлат маъмуриятини қўйидан юқоригача лаёқатли, содик, билимдон, ақлли кишиларни танлай олишни муҳим шарт деб билган ва уни амалга ошира олган шахснинг кимлигини била олиш фазилатли хислатларига эга эди.

Амир Темур фикрича хукмдорга давлатни бошқаришда қўйидаги фазилатлар мужассам бўлишлигини ўқтирап эди. Юксак, олижаноб, зийрак ва нозик ақл эгаси бўлган халқ, қўшин билан муомила қила оладиган, сабр-тоқатли, тажрибали шахс вазир, амалдор, раҳбар бўлиши мумкин деб ҳисоблар эди. Бундай фазилатли кишилар халқ оммаси ва салтанат ҳурматига эга бўлади, ундан шахслар раҳбар бўлган салтанат салоҳиятли бўлади дер эди, унга ўзи амал қиласи эди ва фарзандлари, неваралари бу фазилатларга эга бўлишлигига ундар эди.

Амир Темур ҳамма соҳага амалдорларни ўзи танлар, синааб кўриб кейин лавозимларга тайинлар эди. Амалдорлардан асосан тўқмижоз диёнатли, инсофли, сабр-тоқатли, халқпарвар, адолатпарвар кишиларни танлар, улар устидан ўзи назорат қиласи, топшириқларнинг бажарилиши устидан ўзи назорат қиласи ва талаб қиласи эди. Бу талабларни сидқу дилдан бажарган раҳбар, амалдор ва хизматчиларни рафбатлантиришни ҳеч унутмас эди. Унда давлат, халқ манфаати йўлида ниҳоятда қаттиққул, шахсий ҳаётда юксак инсонпарварлик фазилатига эга эди. Шу сабабли у амалдорларни, умуман фуқаро ва қўшинларни ҳам доимо ва узлуксиз умид ва қўрқувдан сақлар эди. Бу Темурнинг севган сиёсати ва давлатни бошқаришдаги ўзига хос қонуний ҳаракати бўлиб давлат қонун-қоидасининг тўла амалда бажарилишини талаб қиласи, бажарилмаса нафақат қўрқув, балки даҳшатли услубларни қўллаган. Аммо, давлатга

содиқ ҳақиқий ватанпарвар, фуқароларга нафақат умид, балки тўла осойишталиқ, ижтимоий адолат, ғамхўрлик амалда қўлланилган.

Темур ўз ёрдамчиларини, ҳокимларини ақлли, ҳалол одамлардан танлар, ёлғон хабар келтирувчиларни, зўравонлик ва шавқатсизлик, адолатсизлик қилганларни қаттиқ жазолар, ҳар бир вилоятда ҳокимлар, ўша жой тинчлиги, осойишталиги учун жавобгар эканлигини таъкидлар агарда биронта беклик, туман худудларида ўғрилик тиланчилик юз берса, дастлаб ўша беклик, туман ҳокимлари, кейин жиноятчилар жазога тортилар эди. Ундан ташқари ҳар бир амалдор Амир Темурга узлуксиз ҳар бир нарса учун диққатга сазовор воқеалардан хабардор қилиб туриши шарт эди. Бу тартиб бузилса сўзсиз жазоланар эди. Жазога тортилган шахсларга ҳеч қандай воситачиликни қабул қилас, агарда шундай воқеа юз берса воситачини даҳшатли жазо кутар эди. Жумладан, Амир Темурга ниҳоятда яқин ва унинг маслаҳатчи вазири Мухаммад Ковчин Соҳибқироннинг Ҳиндистонга юриши жараёнида бир муҳим воқеага воситачилик қилгани учун бутун бир мулкидан, оиласидан, ҳамма имкониятларидан маҳрум бўлади.

Амир Темурга ҳар бир халқнинг аҳволидан, урф-одати, дини-эътиқодидан, у қаердан бўлишидан қатъий назар кайфиятидан узлуксиз хабардор қилиб турилар, ўзи ўша халқ урфу одатларини ҳурмат қилар ва унга риоя этар эди, ўша халқ раҳбарлигига ҳам ана шундай кишини раҳбар этиб тайинларди.

Халқ билан қўшинлар ўртасида низоларни бартараф қиласидан ҳакамлар (судьялар, қозилар) тайинлар эди. Унда қўшин ва халқни талашга, ортиқча солиқ ва бошқа нарсалар талаб қилишини қатъиян ман этар эди. Буни назорат қилиш учун 2-та назоратчи (садр) ажратилар, улардан бири халқни зўравонлик ва ортиқча солиқлардан ҳимоя қилас, халқнинг қўшинларга берган нарсаларининг ҳисобини олар, иккинчиси эса қўшинлар халқдан олаётган нарсаларининг ҳисобини оларди. Адолатсизлик юз берса ўша иккинчи назоратчи орқали аниқланар эди.

Ҳар бир бошлиқ ва амалдорга (амир ёки мингбоши) уч йилга тиюл ҳамда унга тегишли қўшинларни таъминлаш жойи (شاҳар, қишлоқ, вилоят) бериларди.

Бу муддат тугагандан сўнг аҳолининг бошлиқдан мамнун ёки мамнун эмаслиги, уларнинг (халқнинг) турмуши яхши ёки ёмон бўлганлигини текшириш учун (уч йил ўтгандан сўнг) назоратчилар (инспектор) юборилар эди. Агар аҳоли бошлиқдан мамнун бўлса, у яна кейинги муддатта қолар, ёмон бўлса, аҳоли норози бўлса уч йил халқдан олинган ортиқча нарсалар тортиб олиниб, уч йилгача унга маош берилмас эди. Бу тартиботни амалда қаттиқ ўрнатгани ва узлуксиз бажаргани учун Темурга нисбатан фуқаронинг ҳурмати чексиз эди. Халқ ўртасида унинг номи «адолат ҳомийси» деб бекорга тарқалмаган.

Амир Темур молия хўжалиги соҳасида, солиқ солиш системасида ижтимоий адолат принципини ўрнатиб жисмоний жазо қўллаш қадимий услубини тақиқлаган эди.

«Хокимияти қамчи ёки хипчиндан кучсиз бўлган бошлиқ (амалдор) эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмасдир» - дер эди.

Ўз лавозимини сустеъмол қилган, зулм ўтказган, товламачилик қилган ва унга йўл қўйган раҳбар аҳолини, мамлакатни фалокатга олиб келади. Халқни талон-тарож қилиш давлат хазинасини йўқотишга, даромадини камайишига, қўшиннинг кучсизланиб, камайиб кетишига, давлатнинг қулашига олиб келади, - дер эди. Бунга умуман йўл қўймасликни талаб қилди ва ўзи бунга амал қилди.

Амир Темур ижтимоий сиёсатида порахурлик оғир жиноят хисобланиб, унга бериладиган жазо даҳшатли эди. Бу фазилатлари Темурнинг уғли Шоҳруҳ Мирзо, неваралари Улугбек ва Бойсунқур Мирзоларда мавжуд эди.

Дехқончиликдан солиқ олишнинг инсонпарварлик сиёсатига амал қилиб қўйидагича тартиб белгиланган эди. Агар дехқон ҳосилдор, қулай сувли ерга эга бўлса, бундай холда ҳосил даромадини учдан бир қисмига тенг солиқ тулар, ёки шунга тенг пул берар, ҳосилсиз, сифатсиз ерлардан олинадиган даромадидан юкоридагидан кам солиқ олинар эди. Солиқ ундирувчиларга солиқ берувчиларга нисбатан зўрлик ишлатиш қатъян ман қилинган.

Раият (солиқ тўловчи халқ) жангчиларни боқиши, солиқ тўлаш тартибига кўра армиялардан иборат бўлган. Доимий ҳаракатдагилар маоший нафақа билан таъминланар эди.

Амир Темур қўшини тобора кўпайиб борган. Бу янги-янги ўлкаларни қўшиб олиш эвазига кўпаяр эди. Курол қўтарадиган ҳар бир киши армияга қабул қилинар, уларни халқ солиқ орқали боқар эди, амалига қараб маош белгиларди.

Жасур жангчиларнинг оиласига, фарзандларига ҳам нафақа берарди. Жасорат кўрсатсалар юқори лавозимларга тайинланар эди. Ҳатто енгилган душман томон қўшинлари Амир Темурга буйсуниб, хизмат қилишга чин қалдан рози бўлса, улар ҳам армияга қабул қилинар, шундай принципда уларга ҳам муомалада булар, маош берар эди. Ўзини хизматда кўрсатган жангчилар тақдирланар, юқори лавозимларга ҳам кўтарар эди. Бу фазилатли хислатлар эса душманни ҳам дўстлашиб кетишига сабаб бўлар эди.

«Тажриба менга шуни кўрсатдики, қонун ва дин томонидан қўллаб-қувватланмаган давлат, ҳар қандай разил одам ҳам кўра оладиган, томи, эшиги ва қулфи бўлмаган уйга ухшайди. Шунинг учун мен Ислом динини танлаб, унга қонун ва қарорлар (белгилар) қўшишни лозим топдим», - деган эди.

Шу мақсадда у қўшиб олинган ерларда диний эътиқод ишларини бошқариш учун Мухаммад Пайғамбар авлодларидан иборат кишилардан Бош Муфтийлар тайинлар эди.

Дин назоратига тегишли мол-мулкка, масжидларга, Мухаммад Пайғамбар авлодларига, олимлар ва барча хизматчилар, хизмат кўрсатган, хурматга сазовор кишиларга нафақа тўлаш ва холларидан хабар олиб туриш учун маҳсус назоратчилар тайинланган эди.

У шаҳарларда масжид, мадраса, шифохона ва етимхона (лангархона) лар, бошқариш ва қозилар учун бинолар («Дор ул-иморат» ва «Дор ул-адолат»), йўлларда карвонсаройлар, дарёларга қўприклар ва хоказолар қурдирган. Булар ҳаммаси Амир Темурнинг бунёдкорлик фазилатлари эди.

Амир Темур илму-фанга ҳомийлик қилишни муқаддас бурчи деб билган эди. У доимо олимларни ҳурматлар, улар билан халқлар тарихи (у тарихни яхши кураган эди ва ўзи ҳам тарихни билар эди. «Манзумаи турк» номли тарихий асарни ёзиб қолдирганлиги ҳақида маълумотлар бор) ва буюк ҳукмдорлар таржимаи ҳоли, хислатлари ҳақида сұхбатлар ўтказишни хуш кўраган эди, ўтмишдаги ижобий шахсларга таклид қилас, хатоларини такрорламасликка ўринар эди. Уларнинг муваффақиятсизли-гининг сабабларини қунт билан ўрганиб, ўзича хulosалар чиқарар эди. Қадимий давлатнинг парчаланиб кетиш сабабларини чуқур таҳлил этар, давлатнинг куч-қудрати нимага боғлиқ эканлигини ўрганаар эди. Шу сабабли бўлса керак, давлатлар, подшолар тарихига қизиқар эди. Шу мақсадда у узлуксиз машварат, кенгашлар ўтказар эди. Давлатни бошқаришга тааллуқли мўътабар дин арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, бош амалдорлар, вазирлар, қабила бошлиқлари, билимли зотлар, умуман нуфузли обрўга эга бўлган кишилар бу кенгашга таклиф этилар эди. Ҳатто қурултой ҳам вақтин-вақтин чақирилар эди. Кенгашда ҳамма фикр-мулоҳазаларни ёздириб борар, бунинг учун маҳсус котиблар мавжуд эди. Бу ҳақда унинг «Темур тузуклари» да ҳам ифодаланган. Эҳтимол бу «Тузуклар» ана шу кенгашлар натижаси ҳам бўлиши мумкин.

Бу кенгаш ва маҳсус йиғилишларда кишилар ўзларининг эгаллаган обрўйи ва мавқеига мувофиқ Амир Темур атрофида ўтирганлар:

Дастлаб унинг ўғиллари, набиралари, қариндошлари қариндошлиқ даражасига қараб ярим ой шаклида жойлашиб ўтирар эдилар;

пайғамбар авлодлари бўлган саййидлар, қозилар, олимлар, руҳонийлар, оқсоқоллар, аъёнлар ва аслзодалар ўнг тарафга жойлашар эди;

қўшин бошлиқлари ва амирлар мансабларига қараб чап тарафда ўтирар эди;

девонбеги ва вазирлар – таҳт (Амир Темур) қаршисига, вилоят бошлиқлари улардан кейин жойлашар эдилар;

баходир унвонини олганлар, асосан ҳарбийлар ва бошқа мардлик кўрсатган (қаҳрамонлар) жангчилар таҳт (Амир Темурнинг) орқасининг ўнг тарафида утиришар эди;

енгил қўшин бошлиқлари эса чап тарафда жойлашар эдилар;

авонгор («авангард») амири таҳт (Амир Темур) қаршисига, Олий кенгаш қуриқчилари чодирга кираверишда, додхохлар, яъни арз-додлар билан келганларнинг аризасини подшоҳга етказувчи мансабдорлар таҳт (Амир Темурнинг) ўзи ва чап тарафида жойлашар эдилар.

Оддий жангчилар ва сарой хизматчилари ўз жойларини ташлаб кета олмас эдилар.

Кенгашни бошқарувчи тўрт амир тартибни назорат қилиб турганлар. Ҳамма йиғилиб бўлгач, жой-жойига ўтириб бўлгандан сўнг Амир Темур йиғилганларга 1000-та лаганда турли ноз-неъматлар ва 1000-та нон бердирап, кенгаш қатнашчилари 1000-та лаган, урда амирлари ва қўшин қисмлари бошлиқларига ҳар бирининг номига атаб 500-та лаганда таом берилар эди. Ана шундан маълумки, бу кенгашга 1500 киши таклиф этилар экан. Бу тартибга Амир Темур бутун фаолиятида амал қилган. Шундан ҳам маълумки, у моҳир сиёsatчи, йирик давлат арбоби бўлган. Бундай фазилатли ҳислатларни Соҳибқирон фазилатларидан ҳам талаб қилган.

У тузган тадбирлар ва берган фармони Олий устидан кучли назорат ўрнатар, унинг бажарилишини ўзи доимо кузатар эди. Бу фармойишлар албатта бажарилар эди. Бунда Амир Темур мажбуран эмас, балки ана шу тадбирлари тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаб ишонтириш йўли билангина амалга оширас, ҳамма амалдору раҳбарларни ана шу принципига риоя қилиб бажаришга жалб қиласар эди.

Амир Темур ҳатто ўзига қўшиб олган (босиб олиш дейиш қисман мулоҳаза талаб этади, чунки у босиб олган ерларга ҳокимни маҳаллий кишилардан қўйган) мусулмон давлатларида Муҳаммад Пайғамбар авлодларидан бўлган саййидлар, рухонийлар, фикх (қонуншунос) билимдонлари, олимлар ва оқсоқолларга доимо ҳомий ва ғамхўр бўлган. Уларга яхши маош берар (моддий ёрдамни аямаган), иззат-хурмат қиласарди. Ўша мамлакат амалдорлари билан хуш муомалада бўлган. Камбағалларга ҳайрия, таом, улушлар, халқга нисбатан инсонпарварлик, адолатда бўлган. Умуман у бу халқни олдиндан яхши билиб олиб, характеристи, урфу одатига қараб муносабатда бўлган (бу маълумотлар албатта олдиндан айғоқчилар орқали йиғилиб, ўрганилиб чиқилар эди).

У доимо ҳамма сарҳадларида босқинчилик, ўғриликтини, тиланчиликни қаттиқ тақиқлаган эди. Савдогарларга эркин, осойишта, хавф-хатарсиз савдо йўли ташкил этиб берган эди. Дарвеш ва қаландарларга ҳомий эди.

Ана шу салоҳиятли сиёсати, фазилатли ҳислатлари Амир Темурга ўлкан зафарлар бағишилади. Ғалабадан ғалабага, омма ўртасида узлуксиз

иззат-икромга, обрў-эътиборга сабабчи келажак авлодга сўнмас эътиқод келтириди.

Тарихий хужжатлар Амир Темурни душманлар офати (урушда у даҳшатли жангчи эди), фуқаролар отаси, хаётда адолатли ҳукмдор. Марказий Осиё халқлари учун эса Амир Темур тенги йўқ йўлбошли, илму-фан, маданият раҳнамоси, олиму-уламолар ҳомийси, Улугбек академиясининг асосчиси, ҳозирги авлоднинг буюк сиймоси сифатида акс эттиради.

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИДА СИЁСИЙ БОШҚАРИШ ТАРКИБИ**

Кўпчилик тарихий манбаларда кўрсатишича Темур даврида ундан олдинги бошқарув сиёсий структураси такомиллашиб, давлат муассасалари қўйидагича формага кирган:

амин, арзбеги, боковулбоши, битикчи, дафтардор, доруға, қутвол, омил, оталиқ мажлиснавис, мунший, муфтий, мухандис, мухосил, муҳтасиб, филbon, садр, садр аъзам, соҳиб девон, табоҷи, фаррош, фаҳих, хабаргир, хазинадор, хонсолар, шайхулислом, юртчи, қози калон, қози аскар, қушчи каби катта-кичик 30-дан ортиқ мансабдорлар бўлган.

- |                |  |
|----------------|--|
| 1. Арзбеги     | - подшоҳ ҳузурига арз-дод билан келувчилар ҳақида, шунингдек, эл-юртнинг умумий аҳволи, жойларда олий ҳукмдорнинг фармон ва буйруқларини қандай бажарилаётганлигини вақти-вақти билан келиб уни хабардор қилиб турувчи мансабдор (ҳозир хат ва шикоятлар билан ишлаш лавозими) |
| 2. Аълам       | - фикҳ ва шариат қонунларини пухта билган олим, маслаҳатчи. (ҳозирда юстиция, ҳукуқшунос олим, давлат маслаҳатчиси).   |
| 3. Таковулбоши | - сарой ошпазларининг бошлиғи  |
| 4. Битикчи     | - котиб, девон хизматчиси  |
| 5. Дафтардор   | - молия маҳкамаси хизматчиси, кирим-чиким ва олиқ-солиқ дафтарларини юритувчи кичик мансабдор. (ҳозирда молия, қисман, налог-солиқ бўлими ходимларига тўғри келади)  |
| 6. Девонбеги   | - ҳукумат девонларининг бошлиғи (ҳозирда Вазирлар Маҳкамаси бошлиғи...)  |
| 7. Жарчи       | - олий ҳукмдорнинг фармонларини ва подшоҳликда (хусусан саройда) юз бериб турадиган муҳим воқеаларни халқقا эълон қилиб турувчи кичик мансабдор. (ҳозир бу вазифани  |

- радио, телевидение ва матбуот Давлат камитети бажаради)
8. Доруға  
- шаҳар ҳокими, шихна деб ҳам аталади.  
(хозирда ҳам шаҳар, туман, вилоят ҳокимлари деб аталади)
9. Зинбардор  
- подшоҳ ва шахзодаларнинг отларига эгар урувчи хизматкор. (хозир бу лавозим йўқ, аммо бошқа формаси мавжуд)
10. Қутвол  
- Қалъа бошлиғи (хозир қалъалар йўқ, аммо шаҳарлар мавжуд бўлиб, бу вазифа қисман милиция ва шаҳар ҳокими вазифаларига киради.)
11. Омил  
- махаллий ҳоким, солиқ ундириш ишларига раҳбарлик қилган. (хозир солиқ инспекциялари ходимлари бажаради)
12. Оталиқ  
- шахзода ва хонзодаларнинг тарбиячиси (хозир бу лавозим йўқ, аммо бошқа формаси мавжуд)
13. Мажлиснавис  
- олий ҳукмдорнинг кенгаш ва машваратларида навбатма – навбат ҳозир бўлиб, мажлисда кўрилган ва ечилган мухим масалалар ва айrim ишлар тафсилотини маҳсус дафтарга ёзиб олиб сақловчи хизматкор.
14. Мирохур  
- подшоҳ отхонага хизматчилари тепасида турувчи мансабдор (хозир хўжалик ва гараж ишлари билан шуғулланувчи...)
15. Машриф  
- Давлат назоратчиси (хозир ҳам бу лавозим мавжуд. Бу вазифани халқ назоратчи қўмитаси, прокуратура ходимлари бажаради.)
16. Мухосиб  
- солиқ йиғувчи кичик мансабдор (хозир солиқ ходимлари бажаради...)
17. Муфтий  
- факиҳлар (мусулмон қонуншунослари) бошлиғи  
Шариат қонунлари асосида қатъий ҳукм чиқарувчи олий мансабдор. Мансаб жиҳатдан Қози Калондан юқори турган. (хозир бу лавозим йўқ, аммо қисман диний муассаса ходимлари бажаради)
18. Мухтасиб  
- мўмин, мусулмонлар томонидан шариат қонун-қоидаларининг бажарилиши, бозорда нарх-наво ва тошу-тарозиларнинг тўғри ёки эгрилигини назорат қилиб турувчи мансабдор. (хозирги вақтда бундай лавозим тўғридан-тўғри йўқ. ҳозир солиқ инспекцияси шуғулланиши мумкин.
19. Мунший  
- котиб, саркотиб: подшоҳ (хон)нинг шахсий

котиби. Муншийи хос деб ҳам аталган. У махфий кенгаш ва мажлисларда ҳозир бўлиб, бўлган гапларни холисона дафтарга қайд этиб борган. Ундан мажлисда бўлган гапларни пинҳон тутиш талаб қилинган. (ҳозирги вактда Президент ёрдамчиси ёки маслаҳатчиси каби лавозимдагилар бажаради)

20. Мухандис - геометрия илмини яхши билган олим; бинолар-нинг тархини тузиб берувчи мутахассис; инженер. (у ҳозир ҳам шу вазифани бажаради).
21. Нақиб - Кўшинни жанг олдидан ўринлаштирувчи мансабдор. (ҳозир ҳарбий Бош штаб бажаради).
22. Филbon - подшоҳ ихтиёридаги жангавор филларни тасарруф қилиб турувчи ҳизматкорлар бошлиғи. (ҳозир армияда бу туркум қисм йўқ).
23. Садри Аъзам - саййидлар ва диний арбобларга суюргол (тожу тахт ва салтанат олдида кўрсатилган катта ҳизмат эвазига берилган маҳсус инъом; ер-сув, мол-мулк) тариқасида берилган ерлар, шунингдек вақиғларни тафтиш қилиб, вақти-вақти билан олий ҳукмдорнинг арзига етказиб туриш зиммасида бўлган олий мансабдор. (ҳозир тўғридан-тўғри шу номда мансаб йўқ)
24. Соҳиби девон - ҳукумат девони олий бошлиғи; вазири аъзам. (ҳозир Вазирлар Маҳкамаси, унинг бош котиби, раиси)
25. Тавочи - олий ҳукмдорнинг амри билан ҳарбий юришлар олдидан вилоятларга бориб лашкар тўплаб келиш ва унинг бошқа маҳсус топшириқларини (ҳарбий юришлар вақтида қўшинларни ўзоклаштириш, ҳукм ижро этилишини назорат қилиш: иморат ва бошқа қурилишларда иш тақсимлаб бериш ва х.к) ижро этувчи ҳарбий мансабдор. (ҳозир кам тўғридан-тўғри бўлмасада бу вазифа ва лавозим мавжуд бўлиб, турли штат ва мансаб орқали бажаради).
26. Фаррош - подшоҳ (хон) хоналарини супуриб-сидирувчи, гилам, тўшак ва бошқа керакли нарсаларни тўшовчи хизматкор.
27. Фақих - фикҳ (мусулмон қонунчилиги) илмининг билимдони, ҳуқуқшунос олим. (бу мансаб, лавозим эмас)

28. Хабаргир - бошқа мамлакатларда, шунингдек, душман тарафидаги аҳвол ҳақида маълумот олиб келгувчи (хозир разведка бошқармаси)
29. Хазинадор - подшоҳ (хон) ва давлат хазинасини (хазорайи омира деб аталган) тасарруф этиб турувчи мансабдор. (Давлат банки бошлиғи)
30. Хонсолор - сарой дастурхончиси. (хозир бу мансаб йўқ...)
31. Чухрабоши - подшоҳ (хон) ва шаҳзодаларнинг шахсий қўриқчилари бошлиғи.
32. Шайхулислом - мусулмон жамоасининг бошлиғи.
33. Юртчи - ҳарбий юришлар пайтида қўниб ўтиладиган манзилларда подшоҳнинг ўрдасини жойлаштиришга маъсул бўлган мансабдор. (хозир бўндей лавоизм йўқ)
34. Қози калом - мамлакат қозиси (хозир олий суд раиси)
35. Аҳдос қозиси - фуқаролар ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувларни дурёвий қонунлар асосида ҳал қилувчи мансабдор (хозир давлат арбитражи)
36. Ислом қозиси - шарият қонунларига асосланиб иш юритган мансабдор (хозир бу лавозим йўқ)
37. Қози аскар - сипоқийлар ўртасида чиқиб турадиган келиш мовчилик ва тортишувларни қонун асосида ҳал қилувчи мансабдор (хозир ҳарбий трибунал .....
38. Қўрбоши - қурол-аслаҳа омбори бошлиғи
39. Қурчи боши - подшоҳ ва шаҳзодаларнинг қурол-аслаҳасини кўтариб юрувчилар бошлиғи (хозир бу вазифа йўқ)
40. Қушбеги - подшоҳнинг ов ҳайвонларини тасарруф қилиб турган хизматкорлар (қушчилар) тепасида турган олий мансабдор (хозир бу лавозим йўқ).
41. Қоровулбеги - подшоҳ (хон) саройи (ўрдаси) қўшчилари бошлиғи; қўриқчи ҳарбий қисм бошлиғи (хозирда ҳам бор бўлиб милиция органи ходимлари шуғулланади).

Амир Темур давлатни идора қилишда хусусан, қўшинларни бошқаришда амирларнинг хизмати катта бўлган. Улар асосан ҳарбий кишилар бўлишган. Улар Амир Темур давлатига тобеъ бўлган туман ва ноҳияларда истиқомат қилиб турган 40-та аймоқ (қабила)ларнинг 12-таси барлос, аргин, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдус, тугой, қинчоқ, орлот, тотор, тархон ва бошқалар орасидан сайланган Амирлик рутбоси дастлаб Амир

Темур ҳарбий сиёсий фаолиятининг илк даврида унинг билан елқадош бўлган 313-кишига берилган.

Уларнинг 100 нафари - ўнбоши, 100-таси юзбоши, яна бошқа 100-таси – мингбоши, 4-таси бекларбеги, 1-таси – амирул умаро (амирлар бошлиғи) вазифасига тайинланган.

Амир Темур ўзининг улкан империясини улус-улус қилиб идора қилган. Мовароуннахрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни у 4-та улусга бўлади:

Биринчи улус - Қобул, Ғазна Қандохордан то Синд (Хинд) даражасигача бўлган ерлар. 12 минг қўшин билан Жаҳонгир ўғлига 1376 йилгача, кейин эса Балхна ҳам қўшиб Жаҳонгир ўғли Пирмуҳаммадга инъом қилган.

Иккинчи улус – Фарғона ўлкаси, сўнгра 1393 йилдан эса Форсгача иккинчи ўғли Умаршайх Мирзога 10 минг қўшин билан берган.

Учинчи улус – Хуросонни 1380 йилда 10 минг қўшин билан Мироншоҳ ўғлига беради. 1313 йили эса унга Ғарбий Ироқ ва Озарбайжонни (маркази Табриз) улус қилиб беради.

Тўртинчи улус – 1383 йилдан Шоҳрухга Хуросонни 8 минг кишилик қўшин билан беради.

Улуслар:

1. Фарғона
2. Афғонистон, Шимолий Хиндистон
3. Хуросон
4. Ироқ, Озарбайжон

Туртинчи улус: Мовароуннахр: (Улугбекка)

1. Фарғона
2. Мўғилистон
3. Хоразм
4. ўтрор, Даشت, Қипчок;

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ МАШХУР ОЛИМЛАР, БУЮК АЛЛОМАЛАР ВА ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ.**

1. Хожа Маҳмуд ибн Шихоб ал-Харавий – вазирлик лавозимида давлат иши билан шуғулланган
2. Хожа Маъсуд ас-Симноний (Шамноний) - вазирлик лавозимида давлат иши билан шуғулланган
3. Мавлоно Маҳмуд Хоғиз ал-Муҳриҳ ал-Хоразмий - юксак билимли ва ажойиб овоз

- эгаси. Шу сабабли уни «Мухрих» деб лақаб берган. Амир Темурнинг маслаҳатчиси
4. Мұхаммад ас-Соғиржий  
(Шоғиржий)
5. Тожувдин ас-Салмоний
6. Алоуддавла ва Аҳмад ат-Тусий
- 6<sup>a</sup>. Махмуд Шахоб Хурсоний
- вазирлик лавозимида давлат иши билан шуғулланган
- У тож ул-Салмоний номи билан машхур бўлиб, «Шоҳруҳ амоними» деб номланган асар муаллифи уни В.К.Бартольд Шоҳруҳга тааллукли деб келган, аммо бу асар Салмонийга тегишли эканлигини В.Хини деган олим аниқлаган). У Шоҳруҳ даврида ҳам унинг девонида ишлаган. Вазирлик ҳуқуқига эга бўлган.
- давлат тузилиши иши билан шуғулланиб, вазирлик ҳуқуқига эга бўлган. Бу олим араб, форсий ва туркий тилларда иш юритар эди. Ибн Арабшоҳ ва бошқа ўша давр алломаларининг фикрича «У иншо хабарларини тузища моҳир эди, қаламининг тифи Маҳдуми (Темур) нинг найзасидан ҳам ўткир» - эди дейди. Бу зот Темур вафот этгандан кейин «Чеҳралар шодланди, сен ҳам шодлан, широт соф бўлди, сен айшу ишрат қилмайсанми?» –деб сўраганда У: «Менинг қисматимни биладиган одам дунёдан ўтди ва энди мен бошқалар хизматида ўз ҳурматимни кеткизмайман» – деган. Кейин у илмий ижод билан шуғулланган. Вазирлик лавозимида бўлиб, Соҳибқироннинг фармойишларини бажарилиши ва бу фармойишлар-нинг давлат қонун қоидаларига тўғри келиш келмаслиги устидан узлуксиз назорат қилиб туриш, натижаларини Амир Темурга тўғридан тўғри ахборот бериб туриш каби вазифаларини бажарган.
- Давлат фармонлари бажарилиши

- хукмдор фаолиятининг қонунга мувофиқлигини назорат қилувчи Вазир, тўғри сўз, савияли фикҳ илмининг билимдони бўлган.
- хукмдор, давлат ходимлари ва фармонларнинг қонуни мувофиқлигини назорат қилувчи Вазир. Аслида халқ ҳокими
7. Махмуд Шахоб Хуросоний - фикҳ намоёндаси, Амир Темур фаолиятини назорат қилувчи вазир
- Амир Темурнинг ўз устидан назорат қилиш вазири.
9. Абдулжаббор ибн Нуъмон - Темурнинг имоми бўлган. Диний Исломда билимдон аллома эди.
10. Мавлоно Қутбиддин  
Хожа Абдумалик
- Мамлакат бош қозилари бўлган, фикҳ илмининг билимдонлари эди. «Ҳидоя» китоби»нинг муаллифи.
  - (Абдумалик амакисининг ўғли) олдин қози, Темур вафоти арафасида уламолар уламоси, шайх қул Ислом, Амир Темур вали аҳди ҳақидаги васиятини бекорга чиқарган, Пирмуҳаммадни валиахдликдан баҳраманд бўлишидан маҳрум қилган сотқин кишидир, аммо Ислом илмининг нуфузли билимдони эди.
11. Хожа Абдулаввал
- Амир Темурга доимо тарихий қиссалар айтиб (ўқиб) берувчи ўкувчиси (кори) бўлган.
  - чукур билимга, халқ ҳурматига сазовор бўлган табиб, доришунос олим.
  - Амир Темурнинг шахсий ҳакими девонда табиблар бошлиғи, тенгсиз билим эгаси, имкони бўлса «ўликни» тирилтирувчилардан эди.
  - Шомда у машҳур табиб бўлиб, табобатнинг Шомда (Сурияд) бошлиғи лавозимида ишлаган, кейин Самарқандга Темур девонига таклиф этилган.
12. Мавлоно Убайд
13. Мавлоно Нафис
14. Мавлоно Фазлуллоҳ
15. Мавлоно Жамолуддин
16. Мавлоно Исомуддин ибн

- Абдулмалик Хожа  
- Абдулаввалдан кейин Самарқандда ва бутун Мовароунарда риёсат эгаси – Шайхулислом мавқеида эди.
17. Мавлоно Саъдуддин ат-Тафтозоний  
- Темур даврида машҳур Мұхақиқ олими бўлиб, Соҳибқирон хурматига сазовор аллома эди. У 1332 йилда Ироқда туғилиб, 1289 йилнинг январ ойида Самарқандда вафот этади. У 16 ёшида илмий асарларга шарх ёзган. Ҳирот, Жом, Сарахс, Гиждувон, Туркистон, Хоразм ва Самарқандда яшаб ижод этган буюк олим бўлиб, фикҳ, нахв (морфология) ва тафсир илмида машҳур бўлди. Унинг ниҳоятда кўп асарлари бўлган.
18. Мавлоно Сайид Шараф Мұхаммад Журжоний  
- (1339-1413) Шарқда туғилиб, Ироқда вафот этади. Самарқандга Шерозни 1388 йилда олганда олиб келган. У машҳур файласуф олим бўлиб Соҳибқироннинг хурматига сазовор олим эди. Фикҳ, фалсафа ва илм-ул ҳайъат масалаларига бағишлиланган арабча, форсча асарлари кўп бўлган. Суфийлик фалсафаси назариясига бағишлиланган «Ат-трактати Журжоний» асари муаллифидир.
19. Шайх Шамсуддин Мұхаммад ибн ал-Жазорий  
- 1350 йилда Дамашқда туғилиб, Румда ва Dossid саройида илмий фаолият кўрсатади. Амир Темур уни Баязидни енгач, Самарқандга (1402 й) олиб келади. Самарқандда анча вақт яшаб, кейин Шерозга бориб, у ерда вафот этади. У машҳур муҳаддис олим эди.
20. Хожа Мұхаммад аз-Зоҳид Бухорий  
- У 1419 йилда Маккада вафот этади. Амир Темур даврида Самарқандда анча вақт яшаб, улуғ тафсирчи, ҳадисчи, ҳофиз бўлиб, қуръон ул-

21. Мавлоно Фахруддин  
каримни юз жилдда тафсир қилган буюк аллома эди.
22. Абдулатиф ах-Дамғоний - Куръонни ёд олган, моҳиятини ажо-  
йиб услугуда тушунтиришда моҳир бўлган. Соҳибқирон қойил бўлган алломалардан бири эди.
23. Мавлоно Асадуддин  
Шариф Ҳофиз Ҳусайний  
Махмуд Мухриқ ал-Хоразмий  
Жамолуддин Ахмад ал-Хоразмий  
- Бу алломалар Амир Темур даври-  
нинг тенги йўқ сўз усталари бўлиб.  
«Куръон»ни, «Ҳадис»ни турли услугуда тарғибот қилиш қобилиятига эга кишилар эди.
24. Абдулқодир ал-Марғий  
- «Куръон»ни турли услугуда қироат қилаолган аллома, мусиқа илмининг машҳур устоси эди.
25. Мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул-Аимма (Шарофуддин Али Яздий «Зафарнома»сида  
Мавлоно Шамсуддин Мунший деб атаган)  
- Амир Темур девонида машҳур дабир (котиб) олим, тенги йўқ билимдон бўлиб, уни туркча, арабча ва форсчада малик ул-калом ҳам деб атаганлар. Соҳибқирон фикрича у ўз заминининг мўъжизавий қобилиятига эга бўлган шахси эди.
26. Мавлоно Аҳмад ат-Термизий  
Сирожиддин Бисотий Самарқандий  
- машҳур шоир, Темур хақида кўп-лаб қасидалар ёзган. 1412 йилда вафот этган.
27. Мавлоно Мансур ал-Қоғоний  
Хеялийи Бухорий  
- шоир, фалсафий фикр эгаси. Амир Темурга нисбатан ҳурматда бўлган. 1449 йилда вафот этган.

28. Ибн Бандгир

- машҳур ҳаттот, ҳусниҳот эгаси, иқтидорли котиб бўлган.

## МУНАЖЖИМЛАР

29. Мавлоно Аҳмад

- Амир Темур даврида астрономия, астрология соҳасини машҳур олим, камдан-кам хато қилган ажойиб мунажжим, Соҳибқирон иззатхурматига сазовор бўлган аллома эди. У 200 йиллик юлдузлар ҳаракатига қараб инсонлар толенини аниқлаб ҳукм чиқарган олим бўлган.

30. Шамсуддин Маълавий

- Соҳибқироннинг севган мунажжими бўлиб, осмон жисмларининг ҳаракат қонунларини яхши билган олим. Амир Темур саройида катта обрўга эга бўлган маслиҳатчиси ҳам эди.

31. Абдуллоҳ Лиссон

- Шарқнинг энг билимдон мунажжими деб ҳисобланган, астролог-астроном, диний тасаввуф илмининг кўзга кўринган алломаларидан бири эди.

32. Аллома Шарофиддин  
Халафий

- машҳур энциклопедик олим, файласуф, тарихчи, фикх, диний тасаввуф илмининг билимдони бўлиб, Соҳибқирон хурматига сазовор бўлган. Амир Темур билан фаннинг ҳамма соҳаси, айниқса тарих ҳақида кескин мунозаралар қилган. Амир Темурнинг қимматли совғасига сазовор бўлган олимдир.

33. аллома, шоир ва олим  
Аҳмад Қармоний

- Амир Темур томонидан ҳурматга сазовор бўлган «Темурнома» асарининг муаллифи, тўғри сўз, ўткир ишора, маъноли фикр эгаси эди.

34. Шайх Саидали Хамадоний

- машҳур Ислом дунёсининг билимдони Имом Зайнулобиддин сулоласидан бўлган. Жаҳонни (ислом дунёси бўлса керак), уч маротаба айланиб чиқсан ажойиб ваъз айтuvчи аллома эди. У

1384 йилда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Хутталонда вафот этган. Ахлоқ ва тасаввуфга доир бир қатор асарлар ёзиб қолдирган олимдир.

35. Шайх хўжа Баҳовуддин  
Нақшбанд (1318-1389)

- Амир Темур даврида яшаб ўтган ва унинг хурматига сазовор бўлиб, унга катта ихлос қилган, Нақшбандий тарихатига асос солган машҳур алломалардан эди. У 1389 йилда вафот этади. Ислом дунёсида катта хурматга сазовор аллома эди.

36. Шоир Лутфулло Нишопурий

- дунёвий билимлар билимдони, Темур даврида сарой шоири, Мироншоҳ девонида Маддоҳи эди. Амир Темурнинг бир қанча мукофотлариға сазовор бўлган. 1384 йилда вафот этган.

37. Шайх Камолиддин Хўжандий

- Темур даврининг машҳур қасидана-виси эди. Мовароуннаҳр ва Ҳурросон, Шарқий Туркистон ўлкаларида кўп марталаб бўлган. Халқ хурматига сазовор аллома эди.

## ХУНАРМАНД ОЛИМЛАР

38. ал-Ҳож Али Шерозий

- машҳур заргар. Амир Темур даврида заргарлар-заргари, нафис хунар эгаси, шарқона нафис санъат билимдони. Шерозлик олимдир. Самарқандда фаолият кўрсатган.

39. ал-Ҳож Муҳаммад Ҳофиз  
Шерозий

- шерозлик бўлиб, бу зот ҳам нафис санъат билимдони, ажойиб заргар, кўплаб шогирдлар тайёрлаган Соҳибқироннинг иззат, эҳтиромга сазовор бўлган зотдир.

40. Иззатдир ибн Тажиддин  
Исфаҳоний

- машҳур шиша қўйиш, олтин, қимматбаҳо тошларга безак бергувчи устадир.

41. Уста Олтун

- энг машҳур уста сангтарош бўлиб, замондошларининг фикрига кўра

тошга гўзаллик бағишлиб, «тилга» киритган усталар устози. Соҳибқиронни ўзининг нафис дидли санъати билан қойил қолдирган буюк инсон эди. Ундан ташқари бу зот қимматбаҳо тошларга ҳам нозик дид билан нақш соладиган машхур уймакор ҳам эди.

## ШАТРАНЖЧИЛАР

42. Мұхаммад ибн Ақил  
ал-Хайми, Зайн ал-Яздий
43. аллома Алоуддин ат-Табризий

- шатранжчда тенги йўқ талантли кишилар бўлган.  
- машхур фикрчи, ҳадисчи олим, шахмат (шатрангич) илмининг ажойиб назариячиси. Соҳибқиронни қойилмақом қилиб, шахматдан гап бермаган буюк олимдир. Темур унга: «Гёё Мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам илм шахмат оламида тенги йўқсан» – деган. Шу сабабли у шахматда ўзига хос қонуниятни яратган, катта шатранжчни ихтиро қилган, уйинда у ўзи эмас рақибини фикрлашга мажбур қиласр эди. (Катта шатранжч-64 донадир)

## ҚЎШИҚЧИ САНЪАТКОРЛАР

44. Абдулқодир ал-Марофий  
Сафиуддин, Насрийн, Қутб  
Ал-Моусилий, Ардашер  
Ал-Чанги
45. Абдулҳай ал-Бағдодий

- Бу ажойиб санъаткорлар Соҳибқирон салтанатининг кўзга кўринган санъат намоёндалари бўлиб, ўзлари ҳам шеърлар, ёзишган, бутун халқ хурматига сазовор бўлган зотлардир.  
- ҳамма қўшиқчи санъаткорлар устози эди. Тўй тамошоларда карнайчи, сурнайчи, қўшиқчилар сардори эди.

## **БОҒБОНЛАР:**

46. Шихобуддин Аҳмад аз –

Зардкаший

- бу зот машхур боғбон булсада, шиша, мисга нақш соладиган мохир уста ҳам эди. Амир Темур боғдорчилик сиёсатининг мохир амалиётчилари устози эди. Унинг юзлаб шогирдлари бўлган, уларнинг кўплари хам машхур алломалар булиб етишди. Умуман улар сони ниҳоятда кўп бўлиб, Соҳибқирон ундан мохир зотларнинг сарасини Самарқандга йиққан эди.

## **АМИР ТЕМУР ДАВРИНИНГ ВА БЮОК СОҲИБҚИРОН ТАРИХИНИ ЁЗГАН МАШҲУР ОЛИМЛАР.**

1. Саададдин Маъсуд ибн Умар (Омар) Тафтазоний (1332(22)-1389) бўлиб, грамматика, диний тасаввуф, риторика ва бошқа фанлардан нафақат илмий ишлар, балки ўқув дарсликлари ёзиб қолдирган. У Темур саройида, илмий баҳсларда узлуксиз иштирок этган, бутун умри жараёнида Ғиждувон, Жоми, Хоразм, Туркистон, Самарқанд, Ҳирот ва Сарахс мадрасаларида дарс бериб, ўқитувчилик қилиб, Амир Темур фаолиятига юксак баҳо берган, тарғиб этган.
2. Шахобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Арабшоҳ 1989 йил 5 ноябрда Дамашқда (Сурияд) туғилиб, 1450 йилда вафот этади. Уни 1401 йилда Самарқандга олиб келишади ва 1408 йилгача шу ерда яшайди, ўқийди. «Ажойиб ал-Мақдур фи тарихи Таймур» (1436) асарини ёзиб, Темурнинг насаби, болалик, ўспириинлик йилларини биринчи бўлимда, Мовароунахрда мустақиллик кураши, мустақил давлат ташкил этилиши 1370 йилдан бошлаб ҳамма ҳарбий юришларни иккинчи бўлимда, Амир Темур вафотидан кейинги 1405 йилдан 1436 йилгача тарихий воқеаларни эса учинчи бўлимда, Амир Темурнинг сифатлари, табиий хислатлари охирги тўртинчи бўлимда беради.
3. Низомитдин Шомий 1404 йилда «Темур зафарлари ҳақида китоб»ни ёзиб тугатади.
4. Шарофиддин Али Яздий (...1454 йилда вафот этади), 1424-25 йилларда «Зафарнома» (Ғалабалар ҳақида китоб)ни ёзиб қолдирди. Бу ҳам Амир Темурнинг ҳарбий юришларига тўла бағишлаб ёзилган асардир.

5. Лутфулло Ҳофиз Абру (1437 йилда вафот этган) «Зафарнома» асарини ёзган ва у (11-китоб) Амир Темурнинг зафарларига бағишиланган.
6. Абдураззоқ Самарқандий – (1413-1482) «Матлайи Саъдайи...» 1-2 китоб Темур ва темурийлар ҳақида.
7. Мұхаммад ибн Хандшах бен Махмуд Мирхонд (1433-1498 й) «Равзат ус-Сафо» асарини Амир Темурга бағишилади.
8. Фиёсиддин Мұхаммад Хондамир (1475-1539-40 йй)
9. Шамсиддин Мұхаммад Ҳофиз Шерозий (1389 йил вафот этган).
10. Али Мұхаммад Журжоний (1413 йилда вафот этган) «Ат-тарифати Журжоний» номли машхур сўфилик фалсафасига доир асар муаллифи.
11. Мавлоно Бадруддин ал-Айний «Иқд ал-Жумон» асарида Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ҳақида маълумот беради.
12. Мавлоно Ибн Ҳожар ал-Асқалоний – «Ибн ал-ғумр» асарида Амир Темурнинг Ғарбга қилган ҳарбий юриши ҳақида сўз юритади.
13. Мавлоно Ғиёсий «Тарих ул-Ирок» асарида Амир Темурнинг яқин Шарқ мамлакатларига қилган ҳарбий юришини тасвирлайди.

### **АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ТЎҒРИ ФИКР БИЛДИРГАН ШАХСЛАР.**

1. АЛЬФОНС де ПАМАРТИ: (француз тарихчиси) «Дин, тиббиёт тарих, ҳуқук ва астрономия соҳаларида Амир Темур ўта билувчи эди. Кўп ўқиган. Осиёнинг энг унумли уч (турк, араб, форс) тилини жуда мукаммал билган қудратли ҳукумдор эди... Оврўпа, Искандар, Аттила ва Москва зафарини қучган янги фотих Наполеонда бундай даражали бир завқ ва идорани кўрган эмас», - дейди.
2. Л.ЛЯНГЛЭ: (Фаранг тарихчиси) «Темур олимларга илтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда соғдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан сұхбатлашиш учун кўпинча таҳтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборни берар эди», - деб ёзади.
3. ИБН ХАЛДУН: (Суриялик араб тарихчиси ва мутафаккири) – «Темур подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу, Ғарб тарихининг отаси ва онаси эди», - деган фикр юритади. (Ибн Арабшоҳ, «Амир Темур тарихи», Тошкент, 1992, 227 бет).
4. АЛИШЕР НАВОИЙ: «Темур Кураган... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни ондок хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқифони минг яхши байт айтқонича бор» (Мажолис ун-нафоис»дан) –дейди.
5. ХЕРМАН ВАМБЕРИ: (Венгер шарқшуноси) «Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундай ҳам билса бўладики, у ўз

ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династияси) ни ва балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди», - деб ёзади. «Бухоро ёхут Мовароуннахр тарихи».

6. ШЛОССЕР Ф. (немис тарихчиси): «Умрини юришларда ўтказган Темур тез-тез Бухоро ва Самарқандга қайтиб туарар ва ўзининг янги давлатига қонунлар тақдим этар эди. Бу қонунлар татар мўғуллари томонидан қилинадиган вахшийлик, шафқатсизлик ва вайронагарчиликларга ҳайрон қоларли даражада қарши туарар эди». (Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни) Самарқанд, 1996, 68-бет, Илмий мақолалар тўпламидан), – дейди.
7. ЛОГОФЕТ Д.Н.: (Бухоро амирлигини яхши ўрганганд олим) – «Оврупада конституция ҳақида оддий тушунчага эга бўлмаган бир даврда унинг давлатида қонунлар мажмуаси мавжуд бўлган, унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлган, ҳатто молиявий масалаларда ҳам қатъий тартиб ўрнатилган» – деб ёзади. (Бухоро тоғлар ва текисликларида» номли асаридан).
8. Ду СЭНКСИОН: (фаранг мухаррири) «Жаноби олийлари! Мана бир асрдан ошибики, буюк Темурланг тарихи Оврупада маълум ва машҳурдир... яна шуни таъкидлаб ўтмоқ жойизки, бу улуғ зот ҳатто Македонский ва Цезардан ҳам устунроқ бўлган. Чунки Темур улардаги барча афзал (саркардалик маҳоратидаги) жиҳатларни қабул қилгани ҳолда, йўл қўйган хатоларини четлаб ўтган. Оқибатда, жаҳонгирлик ва зафар қозонишда Темур улардан узиб кетди», - деб ёзади. («Буюк Темурнинг тарихи» асарида). Бу асар 1678 йилда Нидерландиянинг Амстрдам шаҳрида чоп эттирилган.
9. МУНИДДИН НАТАНЗИЙ: «Амир Соҳибқирон илму ҳикмат аҳли ва фан арбоблари билан ғоятда улфатлашган эди. Уларни эъзозу икром қилишда муболагалар кўрсатарди. Тарих китобларини эшитиш орқали умматлар насаби ва шарҳи ҳолларини, Турк, Араб ва Ажам подшоҳларини ва бу илмнинг бошқа тармоқларини жуда чукур эгаллаган эди. «...яна унинг мажлисида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб туарди. Нозик масалалар баҳсида устунликка эришар, аксар ҳолларда у кўрсатган ечим асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида етарли маълумотга эга эди», - дейди. («Мунтохоб ут-таворихи Муиний» дан, «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаида» Т., 1997, 59-60 бетлар).
10. ИБН АРАБШОҲ: «Темурни етти иқлим соҳибқирони, еру сувни идора қиласиган (зот), подшоҳлару сultonлар жаҳонгири», - деб атардилар. («Амир Темур тарихи» 2 китоб, Тошкент, 1992-66 бет). «Темур одамларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат қўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди». (Амир Темур тарихи), 2

китоб, 69-бет). «Темур ҳар қандай хунар ва касб бўлмасин, агар унда бирор фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгалариға ғоятда меҳр қўйган эди...» (Амир Темур тарихи» 2 китоб, 69 бет). «Темур тенги йўқ феълатворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва (унинг) тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будир орқали йўл топиларди» (ўша жой, 71-бет), деб ёзади.

11. Акад. Н.И.КОНРАД: «Ҳа мен янглишганим йўқ – Чингизхон авлоди бўлган ва уни емироқчи бўлган Темурда Искандар ва Канишканинг руҳи мавжуд эди. «Чингизийлар империяси», «Олмон миллатининг муқаддас Рим империяси» каби қадим замонлардан биринчи марта рўй-рост шаклланган, ўрта асрларда янги куч билан янграган оламшумул ғоянинг маҳаллий кўриниши эди. Буни Темур тушунармиди, айтиш қийин лекин унинг мазкур улуғ ғоя пайдо бўлган жойда камолатга етиши унинг идеалларида ўз аксини топмасдан қолмади» – дейди. («Средневосточное возрождения в Алишере Навои»). М., 1969, с-213).
12. ИОНН ГРЕНЛО: (Амир Темур замондоши). «...Темурбек ... илми Қуръон ва илми фикҳда шунчалик забардасд эди, ҳеч қандай мусулмон олими у билан бу мавзуда беллаша олмайди», - деган эди.
13. М.ИВАНИН: (рус тарихчиси) «... Тажрибали Амир Темур Осиёда 40 йил давомида олиб борган урушлари даврида машаққатли ва узоқ сафарларга пухта тайёрланишга одатланган, шубҳасиз, бу юриш учун ҳам у ўзининг бутун маҳорати ва тадбиркорлигини ишга солган эди. Ана шу сафар учун қилинган тайёргарлик тадбирлари ҳақида жуда кам маълумотга эга эканлигимиздан афсус қилишимиз керак» («Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур». Т., 1994, 200 бет), - деб ёзади.
14. ҲЕРМАН ВАМБЕРИ: «Ўрта Осиёда турклик даври Темурдан бошланади. Чунки Хоразмшоҳлар ва салжуқийлар, гарчи майшат тарзи жиҳатдан турк бўлсаларда, улар ғарбий ислом, эрон, маданиятига муҳлис эдилар, турк миллатининг ривожи учун жуда кам иш қиласидилар. Нечоғки, ҳозирги Эрондаги турк-қожар хонадони ҳам шундайдир. Темур ўз туркларининг муғул-хитой дунёсининг устидан ғалабасини мужассам этди. У доимо ва ҳар жиҳатдан туркларга биринчиликни таъминлашга аҳд этди. Унинг саройи ажнабий уламолар ва хунармандлар билан тўла эса-да, мамлакатнинг расмий тили ҳар вақт туркча бўлди. Ҳатто мўғул, уйғур ёзуви – насронийлик, буддийлик, мажусийлик даври улароқ мутаасиб мусулмонлар тарафидан жуда ёмон кўрингани ҳолда, муҳофаза этилди». (Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи» 55-56 бетлар). «Темурнинг ўзи тиник ва очиқ турк шевасида ёзар эди...» Шундай бўлса-да у ўз замонидаги расмий муҳаррирлар ва шоирлар билан учрашганда, уларнинг қатъий ва таклиф сўзларига қулоқ соларди». (Ўша асадар – 56-бет), - деб ёзади.

15. ХИЛЬДА ХУККЕМ: (инглиз тарихчиси) «Темур бу ерда курраи замин айланаси етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигидан хабар топади. Амир Темурнинг саводи, билими ўта юқори даражада бўлганлиги аён бўлади» («Етти иқлим хукмдори» асаридан), - деган эди.

## **АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА НОХАҚ ФИКР БИЛДИРГАН ШАХСЛАР**

- Рус тарихчиси уни Чингизхон авлодига мансуб эканлигини рад этиб Темур қандайдир хукмроннинг малаги бўлган ва уни беахлоқлиги учун қул қилиб сотиб юборган ва у «егулик тополмай ювинди билан кун кечирган» – деб ҳисоблаганлар.

- «Уғирликларидан бири учун унинг оёғини уриб синдирганлар, бироқ темирчилик билан шуғулланиб ўзи оёғининг синган жойига пўлат халқа солиб олган. Унинг «Темур оқсоқ» деган лақаб ортирганининг боиси ҳам шундан» (Вл.Череванский «Амир Темур» Тошкент, 1993, 10-бет).

- Шлоссер: «Темур ўзига қарашли урдаларда қонхурлик ва вахшийликка йўл очди, унинг йўлбарс сифат татар-муғуллари минглаб одамларни қирган», - дейди.

- Гибон: «Дунёни забт этиш ва унинг устидан хукмронликка эришиш Темур шухратпарастлигининг бош маслаги бўлган», - деб таъкидлайди.

- Вебер: «Ғайриинсоний даражада шавқатсиз эди! У ёвузлиги билан даҳшатли эди... лекин саркарда, хукмрон ва қонун урнатувчи сифатида буюк истеъдод эгаси бўлган... ва кунгли осуда, вазмин, адолатли ҳакам, ижод ва илм ахлларининг хомийсига айланган...» – дейди.

- Грановский: «Унинг аксарият истилочилик юришларида тайнли сиёсий мақсад кўринмайди. У ғайришуурий бузғунчиликка ружу қўйган, деган хаёлга борасан киши. Бой-бадавлат мамлакатларни вайронага айлантириб, шаҳарларни таг-туги билан қупориб ташлаб, экинзорларни отлар туёғи остида пайхон қилиб, одамларнинг каллаларидан миноралар ясад сайхонликка айлантирган, жойларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамламай туриб олдинга интилаверган», -дейди.

- Мюллэр: «Унинг номи юз йиллар мобайнида бутун ғарб оламида даҳшат ва хайрат-ла тилга олинади», - дейди.

- В.В.Бартольд: «Қонхур босқинчи ва саводсиз бўлган. Босиб олган юртларини қуритиб калладан минора ясаган», - деб таъкидлайди.

- Б.Ф.Ғаффуров: «Темур том маъноси билан босқинчи, қонхур, юзлаб шаҳарларни вайрон қилган даҳшатли золим эди», - дейди.

- F.A.Хидоятов: («Жонажон менинг тарихим») «Темур саводсиз, билимсиз, турқ тилидан бошқа тилни билмайдиган босқинчи эди», - деб таъкидлайди.

- В.Череванский тарихчиларни учга бўлиб: «бири Темурни инсон бош чаноқларидан минора қурса, иккинчи хили – жаҳонгирнинг таржимаи холини ўрганиб қуя қолади. Учинчи хили китобхонни ўзига жалб этади», - дейди.

## АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ.

**Амир Темур**  
**(1336-1405 йил**  
**8-апрел-18-феврал)**

- ўта билимга чанқоқ, икки таълимот билимдени, буюк давлат арбоби, машҳур саркарда, иирик салтанатнинг маънавий салоҳият ҳомийси эди. У ҳақда А.Навоий шундай ёзган «... Назм ва насрни андоқ хўб мақол ва мавқеида уқубдурлар ким, анингдек бир байт ўқуғону минг яхши байт бор». Унинг 4 та ўғли ва 2 та қизи бор эди: ўғиллари – Фиёсиддин Жаҳонгир, Умаршайх Мирзо, Жалолиддин Мироншоҳ, Шоҳруҳ Мирзо; қизлари – Оға Бегим, Султон Баҳт Бегим..

**Амир Темур авлодларининг ҳаммаси:** 4-та ўғил, 22-та невара, 45-та чевара, 30-та эвара, 22-та хевара, 16-та бегона ва 59-та бобурийлардир. Жами сони – 20 та.

1. **Жаҳонгир Мирзодан** - 2-та ўғил, 11-та невара, 2-та чевара бўлган.
2. **Умаршайх Мирзодан** – 6-та ўғил, 12-та хевара бўлган.
3. **Мироншоҳ Мирзодан** – 6-та ўғил, 5-та невара, 15-та чевара, 6-эвара, 10-хевара бўлган. (Бобурийлар сулоласи ҳам бегоналар тарзида темурийлар бўлиб, Бобур Мирзодан 9 та фарзанд, 5-та невара, 5-та чевара, 3-та эвара, 4-та хевара, 4-та бегона ва 29-та бобурийларнинг кейинги авлодига таалуқли бўлиб, жами-102 та бўлган)
4. **Шоҳруҳ Мирзодан** - 7 та ўғил, 17-та невара, 10-та чевараплар бўлган. Жами – 34 та авлод бўлган.

## Қизларидан қолган авлодлар:

1. ўғил Беги Хоним - Амир Темурнинг катта қизи бўлиб, унинг қачон туғилгани номаълум. Унинг онаси Турмуш оға бўлган. У 1382 йилда оғир касалликдан вафот этади. Ундан 1-та ўғил қолади. Унинг номи Султон Ҳусайн Мирзо бўлиб, отаси Мухаммад Бегдир. У 1380 йилда туғилиб, 1404 йилда қатл этилади. Ундан 2-та қизи қолади. Бирининг исми Ферузадир.

2. Султон Бахт Бегим - у Улжой Туркон оғадан бўлиб, 1360-1366 йиллар ўртасида туғилган. 1430 йилда Нишофурда вафот этади. Фарзандлари ҳақида маълумот йўқ. Аммо у 2-та эрга тегади. Дастлаб Шер Баҳром ўғли Муҳаммад Миркига тегади. У исёнчилиги учун 1388 йилда қатл этилади. Иккинчи эри Довуд Дуглот ўғли Амир Сулаймонхонга тегади. Фарзандлари номаълум.

## АМИР ТЕМУРНИНГ ХОТИНЛАРИ ВА ФАРЗАНДЛАРИ.

Буюк Соҳибқироннинг харамида қўйидаги никоҳидаги хотинлари бўлган:

1. Турмиш ёки (Бурмиш) оға - у Чоғуй Барлоснинг қизи бўлиб унга Амир Темур 22 ёшида 1356 йилда уйланган. Ундан ўғли Жаҳонгир Мирзо (1356-1376 й) туғилади.
2. ўлжой Туркон оға - у Амир Қазағоннинг набираси Амир Ҳусайннинг синглиси бўлиб, унга Амир Темур 1356 йилда (иккинчи хотини) уйланади. У 1366 йилда касалликдан вафот этади. Ундан Мирзо Умаршайх (Темурнинг иккинчи ўғли ) туғилади. У 1394 йилда Қурдистондаги бўлган жангда (1356-1399) ҳалок бўлади.
3. Сарой Мулкхоним - Бибихоним (1341 ёки 1342 й-1408 й) Амир Темурнинг учинчи хотини бўлиб, унга Амир Ҳусайнни мағлуб эткандан кейин унинг саройидаги 4-та хотинларидан бири эди. У аслида Қозонхоннинг қизи бўлиб, Темур хотинларининг каттасига («Бибихоним» номи билан) айланади. Ундан фарзанд бўлмайди, аммо ҳамма темурийзодалар тарбиячиси, «она»си ҳисобланади. Хоннинг қизи бўлганлиги сабабли Амир Темурга «Хоннинг күёви» (мўғул хони күёви) «Курагоний» лақабини олишга мұяссар бўлади.
4. Улуғ оға - унга 1370 йилда уйланган. У Амир Баён Сулдузнинг қизи эди. У ҳам Амир Ҳусайн харамидан ўз никоҳига олади.
5. Ислом оға - у Амир Ҳизр Яссавуриднинг қизи бўлиб, у ҳам Амир Ҳусайн харамидан эди. Унга ҳам Амир Темур 1370 йилда уйланади.
6. Тоғай Туркон

хотун - бу аёл ҳам Амир Ҳусайн ҳарамидан бўлиб,  
Амир Темур унга 1370 йили уйланади.

7. Тумон оға - Амир Мусо невараси, (у Амир Ҳусайннинг кўзга  
кўринган саркардаси эди) жуда гўзал бўлган, унга  
Амир Темур 1378 йили 12 ёшарлигига уйланади.  
Онасининг исми Орзумулк оға бўлиб, уни 1366  
йилда туғган.
8. Тўқол Хоним - у Мўғул хонларидан Ҳизр Хўжанинг қизи  
бўлиб, унга Амир Темур 1397 йилда уйланади. Бу  
аёл ниҳоятда ораста, гўзал, салоҳиятли бўлиб,  
Соҳибқирон Саройида иккинчи ўринда – «Кичик  
хоним» деб аталган.
9. Чўлпон Мулк оға - у гўзал хотин бўлиб, Амир Хўжабекнинг қизи  
эди, Амир Темур унга уйланади ва сотқинликда  
шубҳа қилиниб қатл этилади.  
ўғиллари Мироншоҳ ва Шоҳруҳларнинг қайси  
хотинидан туғилганлиги ҳозирча аниқ эмас.

**ҒИЁСИДДИН МУҲАММАД ЖАҲОНГИР МИРЗО  
ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ.**

**Ғиёсиддин Жаҳонгир** – катта қобилият эгаси, талантли ҳарбий саркарда ва дипломат диний тасаввуф билимдони, бир қатор дунёвий фанларни яхши билган, валиаҳдликка лаёқатли шахзода эди. У 20 ёшида 1376 йилда касалликдан вафот этади. Унинг 2-та ўғли, 10- набираси ва 1-та чевараси бор эди. Ўғиллари - Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Мирзо.

**Муҳаммад Султон Мирзо (1376-1403)** – диний ва дунёвий фанлардан билимдон, талантли ҳарбий саркарда ва сиёсий арбоб, ҳар қандай вазиятни чуқур ва тез тахлил этиш қобилиятига эга бўлган, меросий қадриятларни хурмат қиласиган, валиаҳдликка номзод, лаёқатли инсон эди. 1403 йилда вафот этади. Унинг 3 ўғли бор эди: Муҳаммад Жаҳонгир, Саъд Вакқос ва Мирзо Яхъё. Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султондир. Муҳаммад Султоннинг номи бобоси хурматига қўйилган. У 1422 йилда туғилган.

**Пирмуҳаммад Мирзо (1376-1407)** – иирик сиёсий арбоб, Амир Темур вафоти арафасида уни валиаҳдликка васият қиласиган, диний ва дунёвий фанлар билимдони, дастлаб Балх, кейин Газна, Қобул, Шимолий Ҳиндистон ҳокими эди. 1406 йилда ўз вазири Пир Али Тоз томонидан ваҳшийларча ўлдирилган. Ундан 7-та фарзанд қолади. Улардан Кайду Мирзо отаси ўрнига ҳоким бўлади. У 1397 йилда тўғилади. (1409 йилдан то умрининг охиригача, яъни 1418 йилгача). Бузинжор Мирзо ҳам талантли сиёсий раҳбар бўлиб, у 1402 йилда туғилиб 1429 йилда вафот этади. Қолган ўғиллари Холид Мирзо, Яхъё Жаҳонгир Мирзо, Махдий Мирзо, Санжор Мирзо, Саъд Ваккос Мирзо (1400-1418) ва Қайсар Мирзолардир.

## УМАРШАЙХ МИРЗО ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ.

**Умаршайх Мирзо (1356-1394)** - иирик ҳарбий саркарда, қобилиятли сиёсий арбоб, дунёвий ва диний фанларнинг яхши билимдони. Қуръонни яхши билган, ўтмиш маънавий меросини хурмат қиласиган, авлиё-ю, пирларга иззат-хурмати чексиз бўлган. Амир Темурнинг 2- ўғли бўлиб, 1394 йилда Форсда жанг вақтида вафот

этади. Унинг 5-та ўғли бор эди: Пирмуҳаммад Мирзо, Рустам Искандар, Сайди Аҳмад ва Бойқаро Мирзо. 4-та невара, 1-та чевара, 14-та хеварапар қолган.

**Пирмуҳаммад Мирзо** – давлат арбоби, Форс (1405), Исфоҳо (1408) (1379-1410) ҳокими, 1409 йилда вафот этади. Диний тасаввуфдан билимга эга бўлиб, Қўръонни яхши билган. Дунёвий фанларга қизиқкан киши эди. Ундан Умаршайх исмли 1-та ўғли қолиб, у 1407-1409 йилларда Исфоҳон ҳокими бўлган.

**Рустам Мирзо** (1381-1424) - 1405-1408 ва 1419 йилларда Исфоҳон ҳокими бўлган. Олиму-уламоларни жуда ҳурмат қилган. Амакиси Шоҳруҳ Мирзога содик бўлиб, катта қобилият ва ўткир зеҳнга эга эди. У 1434 йилда вафот этади. Унинг 2-та ўғли бор эди: Усмон ва Али Мирзо.

**Искандар Мирзо**  
**(Султон Искандар**  
**Шерозий )**  
**(1384-1416)**

- Форс, Исфоҳонда Шоҳруҳ Мирзо даврида ҳоким бўлади. 1416 йилда вафот этади. Зеҳни ўткир, иродали ва қобилиятили сиёсий раҳбар бўлиб, мамлакат бирлиги ва мустаҳкамлиги учун ўз оғанииларини Шоҳруҳ Мирзо атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилган бўлсада, кам натижага эришади. Аммо билимли, фаросатли, ахлоқ-одобли Темурзода эди. «Қуръон»ни, «Ҳадис»ни яхши билган ёзувчи, шоир, давлат арбоби эди.

**Мирзо Аҳмад**  
**(Сайди Аҳмад Мирзо)** - Фарғонадан кейин Ўзганд ҳокими бўлган. (1388-1425) Улуғбек қўл остида бўлган, аммо бўй синмайди. Шоҳруҳ Мирзо ҳузурига пано истаб боради, айшу-ишратга берилиб, иғвогарлар қўлида қурбон бўлади. Шоҳруҳ Мирзога қарши исёнга қўшилади. Аммо билимли, зеҳнли, иқтидорли, пок виждонли инсон ва шоир бўлган.

**Бойқаро Мирзо** (1393-1423) - 1413-1416 йилларда Ҳамадон ҳокими, талантли ҳарбий мутахассис, сиёсий раҳбар, ўткир зеҳнли, тасаввуф ва дунёвий билимлардан яхши тушунчага эга, илму-фан намоёндаларига ҳурмати баланд, шеъриятда қалам тебратган темурийлардан бири

эди. Унинг ўғли Фиёсиддин Мансур (1413 йилда туғилиб 1445 йилда вафот этган) Мирзодан машхур давлат арбоби, Хурросон тахтининг подшоҳи, шоир, дипломат Ҳусайн Бойқаро тўғилади. 14 невара, 1 чевара ундан қолади. Фиёсиддин Мансур Мирзонинг 6-та ўғли, 14-чевара, 4-чевараси бўлган.

**Абдулғози Султон  
Ҳусайн Бойқаро**  
(у 1363-1506 йилга-  
ча вафотига қадар  
подшоҳ бўлган  
1438-1506)

- Фиёсиддин Мансур ўғли, Бойқаро Мирзо набираси, Умаршайх ҳеварасидир. У пойтахти Ҳирот бўлган Хурросон подшоҳи, талантли давлат арбоби, ҳарбий саркарда, катта бадиий ижод эгаси, шоир, илму-фан, маданият хомийси, олим уламоларга ғамхўр, улуғ Алишер Навоийнинг яхши дўсти бўлиб, 1506 йўлда вафот этади. Унинг 14-та ўғиллари бор эди. Бадиузамон Мирзо, Шоҳ Гариф, Музаффар Мирзо, Абулмуҳсим Мирзо, Кепак Муҳаммад, Абу Туроб, Муҳаммад Мирзо Муҳсин, Фаридун Ҳусайн, Ҳайдар Мирзо, Муҳаммад Маъсум, Фарруҳ Ҳусайн, Иброҳим Ҳусайн, Ибн Ҳусайн, Муҳаммад Қосим Мирзолардир.

**Бадиузамон Мирзо**  
(1458-1515)

- Ҳусайн Бойқаронинг катта ўғли, Астробод ва бошқа вилоятларнинг ҳокими, талантли ҳарбий саркарда. Ўзига хос мустаҳкам иродали, қайсар давлат арбоби, диний ва дунёвий билимга эга бўлган темурзода эди. Унинг ўғиллари ичida ёшлигида ўлдирилган Мўмин Мирзо алоҳида иродага эга бўлган шахзода бўлиб, Алишер Навоийнинг хурматига сазовор бўлган темурий эди.

**Шоҳ Гариф Мирзо**  
(1470-1496)

- **Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи ўғли** бўлиб, жисмонан зайиб, аммо кучли ирова, чексиз қобилиятга, фикр-мулоҳазага эга бўлган, туркий ва форсий тилларда ижод қилган шоир эди.

**Фаридун Ҳусайн  
Мирзо (1478-1509)**

- Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, катта илм эгаси, форсий ва туркий тилларда шеърлар ёзган шоир ва олим эди.

**Муҳаммад Ҳусайн  
Мирзо (1476-1503)**

- Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, туркий ва форсий

тилларда ижод қилган шоир, олим, шиа мазҳаби тарафдори – диний розий-бўлиб, у Ироқда вафот этади.

**Музaffer Мирзо**  
(1473-1509)

- Ҳусайн Бойқаронинг арзанда ўғли, енгил табиат, аммо бадиий ижод ва ҳарбий санъатга мойил бўлган темурийзода эди.

## **ЖАЛОЛИДДИН МИРОНШОХ ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ.**

**Жалолиддин**

**Мироншох (1366-1408)-** Амир Темурнинг ўғли Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжон вилоятлари ҳокими. 1408 йилда Қора Қуюнли туркманлар бошлиғи Қора Юсуф билан бўлган урушда ҳалок бўлади. Кучли иродали, қобилиятли ҳарбий саркарда ва сиёсий арбоб, кўрқмас ва жасур жангчи, талантли дипломат, чуқур билим ва илмли шаҳзода эди. Аммо қисман ишонувчан, дўст-душманни унчалик фарқлолмайдиган, оқ қўнгил, аммо айrim вақтларда даҳшатли, жасоратли инсон ҳам эди. Ундан 6-та фарзанди, 4-та невара, 11-та чевара, 8-та ҳевара қолади. Машхур Бобур ва бобурийлар авлоди ҳам Мироншох наслидандир. Улар Ҳиндистонда 1526 йилдан то 1858 йилигача хукмронлик қилган. Мироншоҳнинг ўғилларидан: Абу Бакр Мирзо, Мирзо Умар, Ҳалил Султон, Султон Мухаммад, Ийжал Мирзо, Суортғамиш Мирзо (Шоҳруҳ Мирзонинг шу номли ўғли ҳам бўлган). Неварадаридан: Абу Бакир Мирзодан Илангир Мирзо, Усмон Шодий Мирзо. Манучехр Мирзо ва Султон Саид Мирзо.

Чевараларидан: Султон Абу Саид Мирзодан – Аҳмад Мирзо, Маҳмуд Мирзо, Муҳаммад Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо (Шоҳруҳ ҳурматига қўйилган), Улуғбек (Улуғбек ҳурматига қўйилган), Умаршайх Мирзо (Бобурнинг ҳурмати учун қўйилган отаси), Абу Бакр Мирзо, Мурод, Ҳалил, Валад, Умар Мирзолар. Ҳеварадаридан: Маҳмуд Мирзодан – Маъсуд Мирзо, Бойсунғур Мирзо (Шоҳруҳ ўғли Бойсунғур Мирзо ҳурмати учун қўйилган), Али Мирзо, Ҳусайн, Вайс Мирзолар; Умаршайх Мирзодан – Захириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар, Жаҳонгир Мирзо, Носир Мирзолар.

**Абу Бакр Мирзо**  
(1404 йилда вафот  
этган)

- Мироншохнинг катта ўғли бўлиб, жуда талантли саркарда, илмга қизиққан, жисмоний жиҳатдан жуда бақувват талантли сиёсий раҳбар, «Куръон» ва «Ҳадис»ни яхши ўзлаштирган темурзодалардан бири эди. Ундан икки ўғил қолади. Юқорида кўрсатиб ўтилди, яъни Илангир Мирзо, Усмон Шодий Мирзолардир.

**Умар Мирзо**  
(1383-1407)

- Мироншохнинг иккинчи ўғли, Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжонда ҳоким бўлган, 1409 йилда вафот этади. Талантли саркарда, давлат арбоби, кучли зеҳн ва иродага, чуқур фикр-мулоҳазага эга бўлган, назм ва насрда қалам тебратган, мамлакат бирлиги учун курашган ватанпарвар темурийзода эди.

**Халил Султон**  
(1384-1411)

- Мироншохнинг 3-ўғли Амир Темур вафотидан кейин, тожу-тактни нохақдан эгаллаган. 1405-1409 йилларда Темурий салтанати тождори бўлган. Кучли ҳарбий саркарда, қобилиятли сиёсий арбоб, шоир, ёзувчи, ҳақиқий комил инсон даражасига ета олган, зеҳни ўткир, иродали, инсонпарвар темурзода эди. 1411 йилда вафот этган.

**Султон Муҳаммад  
(кичик Мирзо ҳам  
дейилади) Мирзо**  
туғилган ва вафот  
этган йили номаълум.

- чуқур билимли, хўш табиат, нихоятда шўх, зеҳни ўткир, табиий талант эгаси ва фозил, инсон бўлган (онаси Умаршайх қизидир), доимо ижод билан шуғулланган. Ундан юқорида таъкидлаганимиздек 2-та ўғил қолган, кичик ўғли Султон Абу Сайддан 11 та невара, Бобур ҳамда бобурийлар қолади.

**Султон Абу Сайд**  
(1424-1269)

- Мироншоҳ невараси, Султон Муҳаммад ўғли бўлиб, Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзолар қўлида тарбия олади, аммо доимо рақобатда бўлган. 1451 йилда Моварауннаҳрни, 1454 йилда Ҳурносонни эгаллаб, марказлашган давлатни ташкил этган. Шоҳруҳ, Улуғбек авлодларини тамоман йўқ қилган, ўз энагаси вазифасини ўтаган Шоҳруҳ Мирзо хотини, Улуғбек Мирзо онаси Гавҳаршод Бегимни 1457 йилда чопиб ташлаб ўлдиради.

Аммо кучли сиёсий арбоб, билимдон, қаттиқ қўл, жаҳзли, ҳарбий талантга эга бўлган темурзода эди. У навбатдаги Эронга юриш вақтида халок бўлади.

### **Аҳмад Мирзо**

**(Сайид Аҳмад Мирзо)** - Султон Абу Сайднинг ўғли, Султон Аҳмаднинг невараси, Мироншоҳнинг чевараси, Султон Абу Сайд унга Моварауннаҳр хукмронлигини 1461 йилда беради ва у бу лавозимни 1469 йилда мустақил эгаллаб, умрининг охиригача Моварауннаҳр подшоси бўлиб қолади. Диний илмдан ва дунёвий фанлардан хабардор, диний тасаввуфчилик намоёндаларининг таъсирида сиёsat юргизган темурий эди.

### **Умаршайх Мирзо**

(1456-1494)

- Султон Абу Сайд Мирзо ўғли бўлиб, Захириддин Муҳаммад Бобур отаси, мўғул зодагон феодал хонларидан Юнусхоннинг күёви. Фарғона, Андижон, Ахса вилоятлари ҳокими. Талантли давлат арбоби, ҳақиқий саркарда, қобилиятли, иродали, мустақил фикр-мулоҳазали темурзода бўлиб, илму-фан билан шуғулланган, шеърлар ёзган. У саройида илму-фан, маданият намоёндаларига доимо хомийлик қилган сиёсий арбоб, салоҳиятли маънавият эгаси эди. Унинг З-та ўғиллари бор эди: Бобур Мирзо, Жаҳонгир ва Носир Мирзо.

### **Захириддин**

**Муҳаммад Бобур**  
невараси,  
(1483-1530)

- Умаршайх ўғли, Султон Абу Сайд

Султон Муҳаммад чевараси, Мироншоҳ ҳевараси. Йирик давлат арбоби, Ҳиндистон ва Афғонистонда бобурийлар сулоласининг асосчиси, Андижонда 1483 йилда туғилиб, 1530 йилда Ҳиндистонда вафот этган. У васиятига мувофиқ Қобулда дафн этилган. Ажойиб ҳарбий саркарда ва стратег, истеъододли шоир, саловатли тарихчи, заковатли олимдир. У дастлаб 1494 йилда Фарғона ҳокими, 1502 йилда Самарқанд ҳокими, кейин Афғонистонда, 1526-1530 йилларда Ҳиндистон подшоси бўлиб, ундан 4-та ўғил қолади. Каттаси Ҳумоюн дастлаб Ҳиндистон ва Панжоб подшоси, иккинчи ўғли Комрон Мирзо Қобул ва Қандахорда волий (ҳоким) эди. Учинчи ўғли Асқар Мирзога

Ҳиндистондаги айрим вилоятларни беради. Унинг ишини ўғиллари, невара, чевара ва ҳеварапари, машхур бобурийлар давом эттиради. Улардан энг машхурлари – Хумоюншоҳ, Жалолиддин Ақбар, Жаҳонгир Мирзо, Шоҳжахон (Хуррамшоҳ) Аврангзеб Оламгир, Баҳодиршоҳ бир (Шоҳи Олам), Жаҳонгиршоҳ (Фарруҳ ас-Сайир), Шоҳи олам II (Оламгир икки), Муҳаммад Ақбар ас-Соний икки, Баҳодиршоҳ II ва Бобурнинг онаси Хонзода Бегим, Бобурнинг қизи Гулбадан Бегим, Шоҳ Жаҳоннинг катта қизи Жаҳон оро Бегим, Зебуннисо Бегим Аврангзеб қизи ва бошқалар.

## **ШОҲРУҲ МИРЗО ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ.**

**Шоҳруҳ Мирзо**  
(1377-1447)

- Амир Темурнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1377 йилда тўғилиб, 1447 йилда вафот этади. У Хуросон, Мозандорон, Сенстон, Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжон (то 1405-1409 йилгача) ҳокими. 1409 йилдан 1447 йилгача Хуросон, Моварауннахр Хоқони Сайиди – подшоҳи бўлган. У йирик давлат арбоби, моҳир дипломат, диний тасаввуф таълимоти билимдони, дунёвий илмларни яхши билган, зеҳни ўткир, иродали, қобилиятли подшоҳ, комил инсон, ҳарбий саркарда, Амир Темурнинг марказлашган давлатини сақлаб қолаолган, авлиёю-пирларга, буюк илму-фан намоёндаларига ҳомий бўлган темурзодалар ичida энг нуфузли ва обрўлиси эди. Унинг 7-та ўғиллари бор эди: Улуғбек Мирзо, Суюғартмиш Мирзо, Муҳаммад Жўғий Мирзо, Хон ўғлон, Муҳаммад Ёрди Мирзолар. 13-та невараси бор эди: Абдулло Мирзо, Абдураҳмон, Абдулатиф Мирзо, Абдулазиз Мирзо (Иброҳим Султон ўғли, Улуғбек ўлдирилгандан кейин Моварауннахрга 1451 йилда подшоҳ бўлган), Ало-уд-Давло, Султон Муҳаммад, Абулқосим Бобур (Бойсунғур Мирзо ўғиллари), Маъсуд Мирзо, Қорачор Мирзо (Суюғартмиш Мирзо ўғиллари), Али Мирзо, Абу Бакр Мирзо (Муҳаммад Жугий ўғиллари). 5 та ўғил ва Робия Султон Бегим чеваралари: Аҳмад Мирзо, Муҳаммад Жугий Мирзо (Абдулатиф Мирзо ўғиллари), Султон Иброҳим Мирзо (Ало-уд-Давло

ўғли), Ёдгор Муҳаммад (Султон Муҳаммад ўғли), Шоҳмаҳмуд Мирзо (Абулқосим Бобур Мирзо ўғли) Робия Султон Бегим (Улуғбек Мирзо қизи бўлиб, ундан Кўчкинчихон ва Суюнчи Хонлар қолиб Абулхайрхон ўғиллариридир.

**Улуғбек Мирзо  
(1394-1449)**

- Шоҳруҳ Мирзонинг катта ўғли, Амир Темурнинг севган невараси, атоқли давлат арбоби, талантли ҳарбий саркарда, йирик олим, икки диний ва дунёвий таълимотлар билимдони, саловатли маънавиятчи, тарихчи, илму-фан жонкуяри, олиму-уламоларга меҳрибон, Турон-заминида миллий маданиятни Жаҳон цивилизациясига олиб чиқсан олим сифатида машҳур бўлган темурийзодадир.

**Ғиёсиддин Бойсунғир  
Мирзо (1397-1433)**

- Шоҳруҳнинг 3-чи ўғли, талантли давлат арбоби, икки таълимот билимдони, қобилиятли олим, маънавий мерос жонкуяри, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарини туркий тилга таржима қилдирган (1425-1426 йилларда), Темурийлардан биринчи Бош Вазир даражасига кўтарилиган сиёсий раҳбар, мамлакатда бир қатор иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказиб, давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини амалга оширган инсонпарвар темурийзода эди. У илмий ва бадиий ижод қилишни яхши касб деб билар эди. Бойсунғир Мирзо Шарқий Хурросон хокими ҳам бўлган, 1434 йилда вафот этган.

**Иброҳим Султон  
Мирзо (1394-1435)**

- Шоҳруҳ Мирзонинг иккинчи ўғли. Балх, Луристон ва Форс вилоятлари ҳокими бўлган, қобилиятли сиёсий арбоб, талантли олим, ёзувчи, шоир бўлиб Амир Темур бобоси ҳақида тарихий асар ёзиш ташаббусчиси, инсонпарвар, маънавий-маданий меросимизнинг жонкуяри бўлган иродали темурийзода бўлиб, у 1439 йилда вафот этади.

**Абдулатиф Мирзо  
(1430-1449)**

- Улуғбек Мирзонинг учинчи ўғли. Моварауннахрнинг Улуғбек Мирзодан кейинги (1449-1450 йилларда) подшоҳи, падаркуш, аммо талантли ҳарбий саркарда, олим, қобилиятли шоир бўлиб, 1450 йилда ўлдирилади.

**Абул Қосим Бобур**

- Бойсунғир Мирзонинг учинчи ўғли, қобилиятли

(1422-1457)

сиёсий арбоб, билимдон олим, талантли шоир, маданий меросга катта эътибор берган, алломаларга катта хурматда бўлган, эътиборли, илму-фанга қизиққан темурийзода эди. Хуросон ва Форс ҳокими, подшоҳи бўлган. 1457 йилда вафот этади.

**Ало-уд-Давло Мирзо**  
(1417-1460)

- Бойсунғир Мирзонинг катта ўғли, бобоси Шоҳруҳ Мирзода вазир, қобилиятли сиёсий арбоб бўлиб, 1460 йилда вафот этади.

**Султон Муҳаммад**

- Бойсунғир Мирzonинг 2-чи ўғли, Мозандарон ва Форс вилоятларида 1446-1451 йилларда ҳокими, қобилиятли сиёсий арбоб, илмли, олимларни хурмат қилган темурийзода эди.

**Султон Иброҳим**  
**(Ало-уд Давло ўғли)**  
(1440-1459)

- 1457 йилда Хуросон ҳокими; Ёдгор Муҳаммад (Султон Муҳаммад Мирzonинг ўғли, Бойсунғир Мирзо невараси) Шоҳ Махмуд Мирзо (Абулқосим Бобур Мирзо ўғли) 1457-1550 йилларда Хуросон ҳокими бўлган. Улар ҳаммаси қобилиятли сиёсий арбоб бўлиб, илм-фанга қизиққан темурийзодалар эди.

Темурийзодалардан Жаҳон Шоҳ Мирзо ва Яъқуб Мирзолар ҳам катта қобилият эгаси бўлган илмий ва бадиий ижод билан шуғулланган талантли шоир ва маърифатпарвар амирзодалар эди.

## АМИР ТЕМУР ЭГАЛИК ҚИЛГАН МАМЛАКАТЛАР.

### а) Ҳозирги мавжуд давлатлар:

1. Ўзбекистон
2. Тажикистон
3. Қозогистон
4. Қирғизистон
5. Туркманистон
6. Озарбайжон
7. Арманистон
8. Грузия
9. Доғистон
- 10.Муғалистон
- 11.Фарбий Хитой-Кашмир
- 12.Непал
- 13.Хиндистон
- 14.Покистон
- 15.Афғонистон
- 16.Эрон

- 17.Курдистон
- 18.Сурия
- 19.Фаластин
- 20.Иордания
- 21.Миср
- 22.Саудия Арабистони
- 23.Ироқ
- 24.Кувейт
- 25.Омман
- 26.Йемен
- 27.Туркия

#### **АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ МАМЛАКАТЛАР:**

1. Ироқ
2. Гилон
3. Журжон
4. Мозандорон
5. Озарбайжон
6. Форс
7. Эронистон
8. Белужистон
9. Сеистон
- 10.Қобулистан
- 11.Ширвон
- 12.Султония
- 13.Рой
- 14.Гуржистон – форснинг Ироқ томони
- 15.Лористон – форснинг Ироқ томони
- 16.Хузистон
- 17.Арманистон
- 18.Олтин ўрда
- 19.Кашмир
- 20.Мултон
- 21.Мулки шодмон
- 22.Афғонистон – Қобулистан
- 23.Хиндистон
- 24.Никед Империяси - ўрта ер денгизи ороллари
- 25.Константинопол атрофи, Византия - Рим
- 26.Туркия
- 27.Лебос – ороллар, ҳар қайси ўзига мустақил бўлган
- 28.Хиос – ороллар, ҳар қайси ўзига мустақил бўлган
- 29.Генуя
- 30.Родос

- 31.Галатия
- 32.Фракия
- 33.Пафлогония
- 34.Смирно
- 35.Фолостин
- 36.Хуресон
- 37.Мовароуннахр
- 38.Мўғилистон.

## Х У Л О С А

Амир Темур йирик давлат арбоби, икки таълимот билимдони, комил инсонлик хислати, фазилатларига, юксак маънавий баркамолликка эга бўлган шахсдир.

Президентимиз Каримов И.А. уни хурмат билан тилга олар экан: “Амир Темур ёшлиқ чоғидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва аклу илрок эгаси бўлиб ўсади. Турли дунёвий илмларни, харбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди” – деб холисона сохибқирон бобомизга баҳо берган.

Ҳақиқатда улуғ бобокалонимиз Амир Темур улуғлигига ўзига хос маънавий сифатлар ётади. Ана шундай таъриф бир қатор темурийзодаларга ҳам хос бўлиб қарийиб 35-тадан ортиқ Амир Темур фарзандлари, невалари, чеваралари нафақат подшоҳлар, балки йирик илму-фар арбоблари бўлиб, ҳалқимиз маъравий маданиятига муносиб ҳисса қушган фазилатли зотлар эди. Амир Темур ва темурийларнинг маънавий-маданий фазилатлари ҳақидаги билимларимиз факат ҳалқимиз ўз мустақиллигини қулга киритгандан кейин ўрганишликка киритилди. Собиқ чор Россияси ва собиқ советлар даврида сохталаштирилган тарихимиз, миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Уни чуқур ва атрофлича ўрганиб ҳалқимизга етказишга имконият яратилди. Янги-янги тарихий китоблар чоп этилиб, Амир Темур ҳақидаги билимларимиз кенгайиб бормоқда. Шу жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, миллий қадриятлар қайта ўрганилмоқда. Шу даврнинг салоҳияти, тарихий сабоқлари қанча чуқурроқ ўрганилишга ҳаракат қилинган сари янги-янги бой тарихий маълумотларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу даврнинг тарихий сабоқлари, ҳозирги ва келажак авлод учун намунавий маънавий тарбия ролини бажаришда зарурый, керакли манба бўлади деган ниятда ушбу қўлланма тайёрланиб чоп этилмоқда.

Ана шу мақсадда ушбу ўқув қўлланма янги ва дастлабки манбалар асосида ёзилганлиги, ёш авлодга, айниқса, талаба ёшларга таълим-тарбия беришда, уларда ҳалқимиз, Ватанииз ҳақида миллий давлатчилигимиз,

миллий урф-одатлар, қадриятлар ҳақида, буюк олимур-уламолар, машхур саркардалар, давлат арбоблари, миллий қаҳрамонлар, шу жумладан, Амир Темур, темурийлар ҳақида янги билимларга эга бўладиган тарихий ҳақиқат асосида уларга нисбатан тўғри тушунча пайдо бўлиши мұқаррар деган холосага келамиз.

Амир Темур ва темурийларнинг маънавий-маданиятини талаба ёшларга ўргатилар экан, улардан кутиладиган асосий мақсад ёшларимиз келажакда маънавиятли, комил инсон бўлишидир. Чунки юксак маънавиятли инсон умумхалқ манфаатини кузлаб, давлат ва жамият учун ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлайди, Ватан учун куйиб-ёнади, Ватан рухи билан яшайди. Ватан куч-қудратини оширишга, мустаҳкамлашга бор кучи, имконияти ва билимини сарф қиласди. Амир Темур ва темурийлар ана шундай ақл-заковатли маънавиятли инсонлар булганлар. Ана шундай тарбияни Амир Темур ёшлигига ота-онасидан олиб темурийларга ҳам шундай рухда тарбия берди.

Амир Темурнинг 4-ўғли, 2-та қизи бор эди. ўғилларидан: Фиёсиддин Жаҳонгир Мирзодан 2-та ўғил, 10-та невара, 1-та чевара; Умаршайх Мирзодан 5-та ўғил, 18-та невара, 14-хевара; Жалолиддин Мироншоҳ Мирзодан – 6-та фарзанд, 4-та невара, 11-та чевара, 8-та хевара, Шоҳруҳ Мирзодан – 7-та ўғиллари, 13-та невараси бўлиб, уларнинг ҳаммаси қобилиятли сиёсий-давлат арбоби, саркарда, илму-фанга қизиққан, халқига содик кишилар бўлганлар, уларнинг ҳар бири ёш авлод учун муносиб намуна бўладиган кишилар бўлиб, тарихда ўз номларини қолдиришга эришганлар.

Ушбу ўқув қўлланмада ана шу ҳақда фикр юритилиб ёшларга, умуман, талabalарга таълим-тарбия беришда ўқув қўлланма сифатида фойдаланишни асосий мақсад қилиб қўйилган ва чоп этишга тавсия этилган.

**Ш.А.Ахадов. Т.С.Эгамов**

**«Амир Темур ва темурийлар даврининг  
интеллектуал салохияти»**

*Mусаҳҳиҳ: Ҳ.Жураев  
Наширға тайёрловчи: Ҳ.Абдураҳимова*

*Теришига берилди 12.06.2004 йил  
Босишга руҳсат этилди 15.10.2004 йил. Шартли босма табоги 7,3.  
Нашириёт манзили: Самарқанд шаҳри Лолазор 70. СамДАҚИ босмахонаси  
500 нусха. Бахоси эркин нархда*